

ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ

БЕГАЛИ ҚОСИМОВ



МАСЛАКДОШЛАР

**БЕҲБУДИЙ, АЖЗИЙ
ФИТРАТ**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1994**

© «Шарк» нашриёт-матбаа концерни-
нинг Бош таҳририяти, 1994.

АДИБИ АВВАЛ...

(Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг даври)

Маҳмудхўжа Бехбудий асримизнинг биринчи чорагидаги Туркистоннинг энг машхур кишиларидан эди. Унинг номи Туркистон генерал губернаторлиги у ёқда турсин, оқ подшонинг ўзига ҳам аён бўлган. Бухоро амири Саид Олимхон уни ўзининг шахсий душмани деб ҳисобларди. 1919 йилнинг баҳорида айғокчилар уни Шаҳрисабзда қўлга олдилар. Сўнг у яширинча Қаршига келтирилди. Қарши беги Тоғайбекнинг буйруғи билан пинҳона қатл этилди.

20-йилларнинг матбуот хабарлари Бехбудий ўлимини бизга мана шундай етказдилар. Кейинги пайтларда унинг фожеали қатлига доир янги гаплар ўртага тушмокда. Унинг амир одамлари эмас, чекистлар томонидан йўқ қилинганлиги ҳақида тахминлар айтилмокда. Умуман олганда, истиклолни муқаддас тутган, ўлканинг миллий, диний заминдаги тараққиёти учун курашган ва халқ орасида ғоят катта мавкега эга Бехбудий зўравонлик сиёсатини юритувчи Россия мустамлакачилари давомчиси — Совет ҳукумати учун жуда хавфли киши эди. Шу жиҳатдан, бу эҳтимолда асос бор. Шунга қарамасдан у ҳақда узил-кесил фикр юритиш учун асосли далиллар керак.

Хуллас, унинг қатли ҳақидаги машъум хабар кейинроқ маълум бўлди. Зиёлилар, бутун халқ бу оғир мусибатдан қаттиқ изтиробга тушди. 1920 йилнинг апрелида бутун Самарқанд мотам тутди.

Садриддин Айнийнинг 1923 йилда Бухорода чоп этилган «Инқилоб учқунлари» шеърий тўпламида Бехбудийга бағишланган, ёзилиш санаси «1920 йил, апрел, Самарқанд» деб рақамланган уч шеъри бор. Уларнинг шакли ҳам, мазмуни ҳам бир руҳда — фожеанинг кўлами — даражаси ҳақида. Чунончи, улардан бири «Бехбудий учун («Интиқом марши» ҳавосига)» деб номланган бўлиб, «Сен Туроннинг куёши эдинг...» деб бошланади. Иккинчиси «Бехбудий руҳига атҳаф (бағишлов)» («Шабхи ҳижрон» ҳавосига) деб аталади. Дастлабки байти куйидагича эди:

Сани мундин буён Турон кўролурму, кўролмасму?

Санинг мислингни Туркистон тополурму, тополмасму?

Нихоят, учинчи шеър («Бехбудий афандини эсга тушуруб, қатл ва қатлгоҳига хитобан»)да шундай сатрлар бор эди:

Йўқ, йўқ! Келур албат, келур албат!

Золимлари тард этмага, маҳв этмага навбат!

1922 йилда Тошкентда чоп этилган «Еш ўзбек шоирлари» тўпламида Абдурауф Фитратнинг ҳам бир шеърига дуч келамиз. У «Бехбудийнинг сағанасини изладим» деб сарлавҳаланган:

Чўкмишди ер узра олам тўсуғи

Ўксузлик бойқуши қанот кокарди.

Ботувда кизориб турғон булутдан

Эзилган кўнглимга мотам ёғарди.

Ҳаксизлик шаҳрининг қон ҳидли ели

Армоним гулидан бир япрок узуб,
Баҳорсиз чўлларға созуриб қўйди.
Ул нозли япроғим сўлуб, сарғаюб,
Йўксул қолғонлардай ҳар ён югурди,
Золимлар, мазлумлар зулмларнинг-да,
Қайғулар, аламлар ўлумларнинг-да
Барига учради, барчасин кўрди,
Ўз йўқотқонин излади, сўрди.
Бир дарак топмағач, бирдан бир тикилди,
Бор кучин тўплади.
Золимнинг тахтини титратган бир товуш
Қичкирди:
— Отамнинг кабрини қай ерга ёшурдинг?!
Бот сўйла!...
Кирли тож кўб кўркди ботур товушдан,
Сесканиб, титраб ёшунди
Бир жавоб бермасди.

Абдулҳамид Чўлпоннинг 1920 йилда ёзилиб, шу
тўпламга кирган «Тортишув бонги» шеъридаги қуйидаги
сатрлар ҳам Айний ва Фитратдаги руҳга ҳамоҳанг эди:

Қайғурингиз,
Кишанларни ясовчи усталар!
Бошқаларни тубанлар деб атовчи
Хўжалар!
Сизнинг учун ёз бошининг коридек
Эрур кунлар келаду!
Сизнинг учун алвастининг зоридек
Йиғлар кунлар келаду!

1922 йилда чиққан «Булоқлар» тўпламидаги бир
шеър «Маҳмудхўжа Бехбудий хотираси» деб номлан-
ган эди...

Биз уч ижодкордан мисол келтирдик. Аслида бун-

дай гапни Беҳбудийга замондош бўлган деярли ҳар бир қалам эгасидан топиш мумкин. Яна бир нарсага эътибор қилайлик. Садриддин Айний ўз шеърларига «Қиммати адабияга эга бўлмасалар ҳам қимматли тарихиядан холи эмаслар», деб изох беради. Дарҳақиқат, Беҳбудий номи 20-йиллардаёқ кадр-эътибор топди. Ўзбекистон Шўролар жумҳурияти ташкил топиши билан эса Қарши шаҳрига унинг номи берилди. Ва машъум 1937 йилга қадар бу шаҳар Беҳбудий аталиб келди. Хўш, ҳаёти ва фаолияти халқимизнинг шунчалик назар-эътиборида турган, ўлими бутун эл-юртни шунчалик изтиробга солган, ўн бир йилдан ортиқроқ вақт бутун бир вилоятнинг пойтахти номи билан аталиб келган бу киши ҳақида бугунги ўқувчи нима билади?

Деярли ҳеч нарса.

Сабаблари ҳаммага маълум: сталинизм тазйиқи, демократия ва ошкораликнинг бўғилиши. Бутун-бутун авлодларнинг қон-қонига сингдирилган кўркув, ваҳима ҳисси. Ва буларнинг шу пайтгача келаётган инерцияси, таъсири. оқибатлари. Дарвоқеъ, инерция ҳақида. Еш бир филнинг оёғига занжир уриб, темир қозикқа боғлаб қўйган эканлар. Орадан 40 йил ўтибди. Нима бўлибди-ю, унинг оёғидан занжирини олиб ташлаптилар, лекин фил яна 40 йил шу қозик атрофида айланибди. Абдулла Қаҳҳор учрашувлардан бирида шундай нақлни келтирган эди.

Шу жиҳатдан Солиҳ Қосимовнинг «Ўзбек Совет энциклопедияси»даги мақоласи (2-жилд, 1972 й.) редакция ва муаллифнинг катта жасорати деб қаралмоғи керак.

Бу нарса ундан бир йил олдин босилган 4 жилдли Ўзбекистон ССР тарихидаги нуқтаи назар билан қиёсланганда яққолроқ кўринади. Сохта «Тарих» муаллифи мақолада Беҳбудий ва унинг издошлари ҳақида

шундай ёзган эди: «Жадидлар рус буржуазияси билан тенг ҳуқуқда бўлишни, Ўзбекистонда кучли ва фавқуллодда оҳранани бекор қилишни, ўлкага рус деҳқонларини кўчириб келтиришни тўхтатишни, аҳолидан ўлпон олишни чеклаб қўйишни ва ҳоказоларни талаб қилдилар.

Буржуазия бу талабларни илгари сурар экан, ўзини бутун ўзбек аҳолисининг умуммиллий манфаатлари учун курашаётгандек қилиб кўрсатмоқчи бўлди» (381-бет). Табиийки, бу эътирозни ўқиганингизда, ҳўш бу талабларнинг қайси бири «ўзбек аҳолисининг умуммиллий манфаатларига» зид экан деган ҳақли эътироз туғилади.

Шунингдек, Бехбудийнинг сиёсий қарашлари ҳақида гап кетганда 1906 йилдаги кадетларни қўллаб, социал-демократларни рад этган фикрини келтиришни ҳўш кўрадилар. Буни ҳам Бехбудий қисматини ҳал этувчи далил деб бўладими, ахир. Аввало, социал-демократлар программасига қўшилмаслик унга қарши кураш олиб бориш эмас. Қолаверса, унинг бутун фаолияти диний-шаръий жиҳатини ҳисобга олганда ҳам, умумдемократик характердаги жумҳурият йўлида кечди. Қолаверса, бутун умри, тушунча-эътиқоди ислом билан шаклланиб тарбия топган бир кишидан нега марксизмни талаб қилиш керак? Ниҳоят, социал-демократиянинг нима эканлиги бутун оламга аён бўлиб турибди-ку.

Бехбудий 1875 йилнинг 19 январда Самарқандда руҳоний оиласида туғилди. Эски мактаб-мадрасада ўқиди. Қозихоналарда мирзалик, муфтилик қилди. Дарвоқеъ, Тошкентдаги «Туркистон вилоятининг газети», Оренбургдаги «Вакт» кабиларда босилган бир қатор мақолаларига «Муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий» деб имзо чеккан, Арабистон, Миср, Туркия каби Шарқ мам-

лакатларига (1914), Қозон, Уфага (1903-1904) борган. Жадидчилик ҳаракатининг асосчиси И. Гаспиринский билан суҳбатлар қилган. Хуллас, 1905 йиллар арафасида замонасининг кўзга кўринган зиёлиси бўлиб танилган.

«Сиёсий, ижтимоий фаолияти, билимининг кенглиги жиҳатдан ўша замонда Туркистондаги жадидлар орасидан унга тенг кела оладигани бўлмаса керак», деб ёзган эди Файзулла Хўжаев.

Татар инқилобий адабиётининг асосчиларидан бири машҳур адиб Олимжон Иброҳимовнинг 1916 йилда ёзган «Тиллари бошқа бўлса-да, кўнгиллари бир» номли мақоласи бор. Унда туркий тилларнинг XX аср бошидаги тараққиёти ҳақида гап кетади. У ёзади:

«Каспий денгизи орқали чиқуб, Мовароуннаҳрга келсак, Самарқанд, Тошканд тийраларинда тўхтаб, бу халқнинг дунёсина кўз солсак, дарсликлар оламинда истамбулли Аҳмад Мидхатнинг «Ҳожаи аввал»и, бизнинг «Муаллими аввал»имиз ўрнига аларнинг Хўжа Бехбудийлари «Адиби аввал»лар ёзғонлигин, «Ойина», «Садойи Фарғона», «Осиё», «Тижорат», «Хуршид», «Садойи Туркистон» каби шул ер туфротида униб; шундаги ҳаво билан суғорилиб, яшарга тиришқон матбуот ва адабиётларини кўражакмизки, булар шул Туркистон деган бир ўлканинг ҳаётиндаги хусусиятлардан туғилган, шундаги эҳтиёжларга жавоб бературғон емишлардир.¹

Парчадаги айрим фактик ноаниқликларни диққатдан соқит қилайликда, бир нарсага эътибор берайлик. Муаллиф Бехбудийни Мовароуннаҳр тараққийчилигининг рамзи сифатида кўрсатмоқда, хусусан маърифатчиликдаги хизматини Туркиядаги Аҳмад Мидхат ишла-

¹ «Онг» ж. 1916 й., 5-сон, 87-90-бетлар.

ри билан тенг қўймоқда. Умуман олганда, Бехбудийнинг Туркистон мактаб-маорифчилигидаги хизмати ғоят катта. У ўлкадаги «усули жаид» мактабининг энг биринчи назариётчи ва амалиётчиларидан, жаидчилик ҳаракатининг эса тан олинган карвонбошисидир.

Бехбудий асримиз бошларидаги вақтли матбуотда босилган мақолаларида янги мактаблар учун ўзбек ва тожик тилларида чиқарган жуда кўплаб дарслик ва қўлланмаларда Гаспринский қарашларига таяниб иш кўради.

Хусусан, Гаспринскийнинг 1898 йилда босилиб чиққан «Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош» китобига эргашиди. «Усули савтия» мактабларининг Русияда бонии муассиси Исмоилбек ҳазратларидир. Биринчи янги усул алифбонинг мураттиб ва ношири яна Исмоилбек ҳазратларидир»,— деб ёзган эди Бехбудий 1914 йилда.

Бехбудий Гаспринскийни ҳар жиҳатдан ўзига устоз билди. Унинг ақлу ғайратини, миллат йўлидаги фидоийлигини жуда юксак баҳолади. Унинг вафоти муносабати билан ёзган мақоласида «Русия мусулмонлари ичинда бундай бир зот келган йўқдур»,—деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, Бехбудий унга ўз асарларида, фаолиятида тез-тез мурожаат қилган эди. Жумладан, 1905 йилда жўғрофия бўйича илк мактаб дарслиги тузганида Исмоилбекнинг «Туркистон уламоси» китобидаги маълумотлардан кенг истифода этди.

Умуман Бехбудий ва Гаспринский масаласи алоҳида бир мавзу. Улар бир миллатнинг икки қавми карвонбошиси сифатида бир-бирларини жуда яхши билганлар ва бу яқинликни юксак қадрлаганлар.

1907 йилда Гаспринский Самарқандга келганида Бехбудий ва Абдулқодир Шакурийникида меҳмон бўлган эди.

Бехбудий 1914 йилнинг ёзида Шарқ мамлакатлари саёҳатида Истанбулда тасодифан Исмоилбекни кўриб қолади.

«20 июн аср вақти эди,— ҳикоя қилади у,— марғи-лонлик бир мударрис жаноблари ила Истамбулнинг «Гулхона парки»ни соядор йўлагинда юрар эдук. Олди-мизда тоторча барра қоракўлий телпаклик бир тотор ила фаслик (шляпага ўхшаш бош кийими) бир тўра охисталик ила кетарлар эди. Биз тез юриб ўтдик. Икки-сида ошинодек кўринди. Бир қўлимни кўксимга қўюб салом ишорати бериб ўтдум. Кўнглумга келдики, бу тотор Исмоилбекга ўхшайдур. Балки анга ўхшаш бир кишидур. Фаслик турк бўлса муҳаррир Ҳамдуллоҳ Суб-ҳибек жаноблари эди. Ҳануз ўн қадам кетмаб эдук, «Ҳой, хожа!» — деб орқамдан ошно бир садо эшитдим. Қалбим уриб ман бу зотни Исмоилбек ҳазратлари экан-лигиға шубҳам қолмай, қайтиб масофха этдик...»

Баланд бўйли, хушкомат, лекин туркистонлиларда кам учрайдиган кўк кўзларида ғайрат чақнаб турувчи Бехбудий ўша пайти 39 ёшда эди. Чамаси, унинг қалин сокол, мийикларига оқ оралаб қолган бўлса керак, Исмоилбек гапни ҳазилдан бошлайди: «— На учун бу қадар тез қўчаланмоқ? (Яъни на учун мунча тез мўйса-фид бўлмоқ)». Бехбудий ихтиёрсиз «Афандим на учун бу қадар ориқланмоқ?» деб жавоб қайтаради. Жавоб саволнинг ўринсизроқ бўлганлигини кейин, Исмоилбек таклифи билан икковлари у тўхтаган «Шоҳин пошо» «отел»ига бориб, етти соат яккама-якка суҳбат курган-ларида англайди: «Таом буюрдилар, аммо иштаҳолари йўқ. Садолари хаста ва ҳар уч-тўрт дақиқада ҳафифги-на йўталиб, балғам ташлайдурлар...» Исмоилбек шу йилнинг феввалида Петроградга Дума мусулмон фрак-циясининг маслаҳатига бориб, ўпкасини совуқ олдириб қайтган эди. Шунга қарамасдан «Туркистондан, Русия-

дан, умум олами исломдан, дунёдан» килинган суҳбат қизгин кечади. Беҳбудий эрта азонда Шом сафарига отланиши лозимлигига карамай, устод ёнида бўлади. Тунги соат бирдагина ундан изн сўраб, руҳсат олади. Исмоилбек Беҳбудийни сафардан қайтишда албатта Бокчасаройга тушишини, гўзал Қиримни ўзи бош бўлиб автомобилда кўрсатажагини айтади. Аммо бошланиб кетган уруш мўлжалларни ост-уст қилиб юборади. Кўп ўтмай Исмоилбек ҳам вафот этади. Истанбулдаги учрашув сўнгги кўришув бўлиб қолади.

Беҳбудий Гаспринский йўлга қўйган, «усули жадид» мактабларини Туркистонда қарор топтиришда, уларни дарслик ва қўлланмалар билан таъминлашда жонбозлик кўрсатди. Бу мактабларнинг миллий-маданий тараққиётимизда муҳим омил бўла олиши мумкинлиги ҳақида ўнлаб мақолалар ёзди. Ражабаминдаги Абдулқодир Шакурый мактабини ҳовлисига кўчириб келди. «Мунтахаби жуғрофияи умумий» («Қисқача умумий география»), «Қитобатул-атфол» («Болалар мактуби»), «Тарихи мухтасари ислом» («Исломнинг қисқача тарихи»), «Амалиёти ислом», «Мадхали жуғрофияи умроний» («Аҳоли географиясига кириш»), «Мухтасари жуғрофияи русий» («Россиянинг қисқача географияси») каби дарсликлар яратди. Нашриёт ташкил қилиб, дарсликлар ва қўлланмалар, хариталар босиб чиқаргани маълум. Булар илк ўзбек мактаблари учун тузилган дарслик ва қўлланмалар сифатидагина эмас, қолаверса тил, ёзув, маданиятимиз тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Биргина фактни келтирамиз: Жумла сўзларини уловчи тиниш — Пунктуациянинг бизда қачондан қўллангани ҳақида мутахассислар орасида ҳали ҳануз тортишувлар юради. Инқилобгача у бўлган эмас, дегувчилар ҳам топилади. Баъзилар

«Туркистон вилоятининг газети»да айрим тиниш белгилари ишлатилган дейиш билан чекланадилар.

Бехбудий «Китобатул-атфол»ида (афсуски биз биринчи нашрини тополмадик. 2-нашри 1914 йилда амалга оширилган) тиниш белгилари («Румуз»)нинг ўнтасини келтиради. Чунончи:

аломати савол: ?

аломати нидо, таажжуб, хитоб: !

аломати муътариза (арз қилиш, эътироз): ()

аломати муммайиза (ажратиш): « »

икки сўзни фарқ, қилатургон аломат: —

аломати муродафот, яъни иккиси бир маънода: =

озгина турмоқ учун: ,

баён ва тафсил учун: :

нотамом сўзлар, киноя, мубҳам ва маҳфузлар аломати: ...

сўзни охири ёки вакфи том аломати: (нукта)

Муаллифнинг китоблари ўз даврида кизгин мунозараларга сабаб бўлган. Унинг дарслик ва қўлланмалари ҳақидаги мақолалари матбуотда 1905—1906 йиллардан қўзга ташланади. Чунончи, 1906 йилги «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида «Мадхали жуғрофияи умроний» ва «Жуғрофияи умумий»нинг тили ҳақида Мулла Олим билан Бехбудий ўртасида кечган баҳс (март-апрел)ни эслаш кифоя. Адабий тилнинг тараққийси, халқчиллиги масаласидаги 1905 йиллардан бошланган кураш 10-йилларда жуда кизгин тус олди. Авлоний ва Ҳамзанинг деярли ҳар бир асари тили — «шева-си осон»лигига алоҳида тўхталиши, Мирмуҳсиннинг Саидахмад Васлий ва «бемарка» — «юмалок» мактуб юбуровчилар билан баҳслари бунга далил. Айниқса

1914 йилда Гаспринский вафотидан кейин унинг «Камолот ва маориф лисон тараққийсина боғлидир. Бир миллатнинг яхши ишланмиш ва адабий бир тили ўлмаса, камолот ва маорифи нежа ўлур? Сув окмая арик ўлмаса, сув қайдин оқиб келур?» деган фикрига матбуотда тез-тез мурожаат қилина бошлади.

Инқилобгача бўлган вақтли матбуотда Бехбудий-чалик фаол бўлган иккинчи бир кишини топиш қийин. Унинг мақолалари фақат Туркистон доирасида эмас, Кавказ, Волгабўйи матбуотида ҳам тез-тез босилар эди. Унинг номи Татаристону Тифлис — Бокуда ҳам таниқли эди. Унинг мақолаларида маърифат муаммоларидан ижтимоий адолатсизлик муаммоларигача бор эди. Масалан, у «Вакт» газетасининг 1907 йил 9 феврилидаги «Фарёди Туркистон» мақоласида ёзади:

«Бир мадрасага 20 талаба гапи ила бир ноаҳил мударрис сайланур, бир волостда 40 нафар эл бошлариндан 21 нафарни садоси ила бир жоҳил қози сайланур ва Русия маъмурларина-да маъқул ўлур. Бир минг фақирнинг радду мудохаласи мўътабар ўлмаз ва сўзлари эшитилмас.

Ишта бизим Туркистон шаҳарларининг букунги қози, муфтий ва мударрис ҳам имом ва ўзга руҳонийларнинг юздан саксони, сахро ва қарияларда ўлонларининг ўндан тўққизи шўйла номуносиб кишилардан иборатдур». Шу газетанинг ўша йил 4 ноябрда босилган «Дума ва Туркистон мусулмонлари» мақоласида эса чор мустамлакачилик сиёсати, хусусан ўлкада 70 минг русдан 6 депутат бўлгани ҳолда 7 миллион мусулмонга 5 ўрин ажратилгани танқид қилинади.

Бехбудий 1913 йилда «Самарқанд» газетаси ва «Ойина» журналини чиқарди. Газета дастлаб 2, сўнг 4 бетлик бўлиб ҳафтада 2 марта чиққани ва моддий танглик туфайли 45-сонидан кейин тўхтагани маълум.

«Ойина» ўлкадаги ўзбек тилида чиққан биринчи журналдир. У халқ орасида анча машҳур бўлган. Бошида ҳафтада бир, 1914 йилдан эса ўн беш кунда чиққан. Зиё Саид «ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар»ида бу журналнинг 2 йил давомида 68 сони (жаъми 1720 бет) дунё кўриб 1915 йил 15 июнда тўхтаганини маълум қилади (Танланган асарлар, 1974 й., 45-бет).

Бехбудий фаолиятида, шу жумладан матбаачилигида татарларнинг таъсири кучли кўринади. У Қозон, Уфага борган 1903—1904 йилни хотирга олайлик. Татар ҳаётида янгиланишга интилиш кўзга яққол кўриниб келаётган йиллар. Янгиликка ташна тиниб-тинчимас Рашидқори Иброҳимовнинг «Эй миллат, мана аҳволингга бир разм сол, қандай яшамокдасан!» дегандек «Миръот» («Ойна») и йўлга қўйилган (Дарвоқеъ ҳозирда уни мутахассислар дастлабки татар журнали сифатида баҳоламоқдалар). Тутқунлик ва турғунликдан қутулиш, тараққиётга интилиш тилагини тутган уюшматашкилотлар пайдо бўла бошлаган. Ҳатто мадрасаларда, чунончи энг анъанавий «Муҳаммадия»да яширин «Иттиҳод» (бирлик) жамияти тузилган. «Ал-Маориф» газетаси чиқа бошлаган. Худди шу 1903—1904 йилларда эса Қозон мадрасалари тарихида биринчи бўлиб «Муҳаммадия»да шогирдлар кўзғолган, «фунуни жадида» юритишни талаб қилиб бош мударрис Олимжон Барудийга (унинг Вамбери билан ёзишмалари ҳам маълум) талабнома кўтариб чиққан. Бутун татар ёшларини театр, матбуот, мактаб, мадрасаларни ислоҳ этиш ғояси ўз бағрига олиб, жунбушга келтирган бир пайт.

Туркистонда эса бундай интилиш 1910 йиллардан аниқроқ кўзга ташланади.

Бадий ижодда ҳам Бехбудий ўткир муаммоларни кўтарди.

1912 йилда ёзилиб, 1913 йилда босилган «Падаркуш» драмаси Бехбудийга жуда катта шухрат келтирди. Гарчи биринчи ўзбек драмаси («Маҳрамлар») хронологияга кўра бир неча йил олдин Наманганда Абдурауф Шаҳидий томонидан эълон қилинган бўлса-да, бу соҳада ҳам Бехудий қарвонбоши бўлиб тарихга кирди. Асар 1914 йилнинг 15 январида Самарканд ҳаваскорлари томонидан сахнага қўйилди. 27 февралда эса Тошкентдаги машҳур «Қолизей»да «Турон» труппаси ўз фаолиятини шу спектакл билан бошлади. Шундан сўнг Бухоро, Қўқон, Андижон, Наманган, Каттакўрғон каби жуда кўп шаҳарларда «Падаркуш» сахнага қўйилди. Асар жамоатчиликка, айниқса адабиётга кириб келаётган ёшларга қаттиқ таъсир кўрсатди. «1913 йилларда чиққан «Падаркуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайкамай қолдим»,— қайд этади Абдулла Қодирий ўз таржиман ҳолида.

1916 йилда Тошкентга — навбатдаги сафарга келган таниқли шарқшунос академик А. И. Самойлович «Қолизей»да Авлонийнинг Жалил Мамадқулизода асари асосида тайёрлаган «Ўликлар» спектаклини кўради. Босилиб чиққан барча ўзбекча драмаларни кўздан кечиради. «Сартларнинг драматик адабиёти» номли мақола ёзади. 7 драма — «Падаркуш», «Тўй», (Нусратилла Қудратулла), «Бахтсиз куёв» (Абдулла Қодирий), «Аҳмоқ», «Жувонмарг» (Абдулла Бадрий), «Қўқнори», «Эски мактаб-янги мактаб» (Ҳожи Муин) асосида Туркистонда «Янги адабиёт» майдонга келганини маълум қилади. У ёзади:

«Туркистондаги янги адабиётнинг маркази Самаркандда бўлса керак, ёш адибларнинг бош илҳомчиси сифатида эса, на тожик, ва на турк, асли «хўжа» самарқандлик муфтий Маҳмуд Бехбудийни эътироф этиш

керак бўлади»¹. Маҳаллий халқ, хусусан адибнинг ҳам-
юртлари эса «Падаркуш»ни шундай кутиб олган
эдилар:

«15 январда «Падаркуш» фожиаси... сахнада кў-
йилди. Халқ ниҳоятда кўб келиб, белат етмагани ва
жойни йўқлиги учун уч-тўрт юз киши қайтиб кетди.
Ибратхонани борлик ўрни 320 нафарга кифоя қиларди.
Яна эллик қадар ўрун ҳозирланган бўлса ҳам кифоя
этмади. Белатлар бир-икки кун аввал ёшларни ғайрати
илан сотилиб тамом бўлуб эди. Баъзи кишилар белатла-
рини икки баҳога фойдаси илан бошқага сотдилар. Соат
еттидан минглаб халқ ибратхонага ҳужум қилгон, аммо
белат йўқ. Уч сўм бериб тикка турмоқга ҳам рози. Яна
ер йўқ. Ушбу жиҳатдан ибратхона мубошири мухтарам
ҳамшаҳарларидан узр хоҳлайдур. Азиз ҳамшаҳарларни
илтифотиға маъзуран яқин муддатга «Падаркуш»ни
Эски шаҳарда сахнада қўюлуб, белат баҳоси ҳам арзон
килиниб, мактаблар фойдасиға берилур».²

Спектакль ҳақидаги дастлабки таассуротлар-чи?

«Фожеадаги энг катта рўл, яъни бой шахсиятини
жаноб Абдулсалом Абдулрахим ўғли мукаммал суратда
тақлид этди. Яъни бойни ўзи эрди. Хайруллони жаноб
Аббос тақлид этди. Домлани жаноб Мардонкул Шохму-
ҳаммад ўғли ниҳоят виқор ила тақлид этди ва аммо
бирозгина суст эрдик, ҳақиқатда ҳам бу домлалик
хосиятидур. Бойбачани Яздонкул Шомухаммад ўғли
яхши тақлид этди. Зиёлини жаноб Мирзо Нуъмон Мул-
ло фозил муфтий ўғли тақлид этиб, маҳорат ила сўйлар-
ди. Фақат ҳаракати оз эрди. Бойни ҳаммозаву уйқуси
ҳамда ҳаракатидан аҳоли ихтиёрсиз фосиласиз кулар-
ди. Домла ва зиёлини насихати ва нутки халойиқни
кўнглиға таъсир этарди. Ҳатто ваъзу пандға йиғлаган-

¹ «Вестник имп. об-ва Востоковедения», 1916, № 5, стр. 4.

² «Ойина» ж. 1914 й., 14-сон, 227—228-б.

лар бор эди. Хулоса, биринчи парда мофақи маъмул яхши чикди. Парда инар. Мухтарам аҳоли шиддатлик олқиш ила чапак урар, алқар. Хулоса: Бу парданинг натижаси кулгу ва ибрат, ҳатто маънавий йиғламок.

2-пардаға бойбача ва бўз болалар майхонада ҳаракати сафиҳонани у қадар тақлид этарларки, ҳар ким майхонадан нафрат этар ва аларни аҳволи разилонасиға ҳам кулар, ҳам тавба этар. Қабиха келтурмоқға оқча йўқ. Иймонсиз майхоначи 15 сўм истар. Оқча анқо ҳукминда. Бу пардани муқаллидалари Яздонкул ва жаноб Раҳимкул Муҳаммадсолиҳ ўғли, Мирҳошим Миррахим ўғли, Муҳиддин Жўрабой ўғлидурларки, ҳар бири мукаммалан ўз вазифасини жорий қиларди. Рус, яҳудий ва мусулмонлар таҳсин этарди. Ҳатто 20 йилдан бери театр маъмуриятиндаги одамлар таъриф қилурди... Аҳолидаги олқиш ибратхонани гумбурлатур.

3-парда очилур. Бой уйкуда. Фарзанди ноҳалаф эшикларни очар. Оҳисталик ила муаллим шақоватиға таълим этар. Йўл кўрсатур. Ул ҳам кирар сандукни синдурмоқға ва бой уйғонур. Қотилға қараб калтак ила югурар. Шакий бойбача ва тарбиясиз фарзанд бойни орқасидан бориб калтакни ушлар, токи рафики шакийсини урмасун. Билъакс, қотил пичок ила бой қорниға урар. Бечора бой тарбиясиз фарзанди сабаби ила ерға йиқилур. Наъра урар, хириллар, жон узар. Оҳ, бадбахти ноҳалаф ота бошиға етди. Ҳамсоялари кирар, қотиллар тапонча отиб, ғойиб бўлур. Бойбуча (бой хотини)ни тақлид этган Абдулло Бадриддин ўғли ўлук устиға ўзини отар. Саҳнада фарёду фиғон!

Бойни қашшоқ ва бенаво биродари кирар. Ақлидан шошар. Аёл фарёду фиғонда. Яна домла ҳозир бўлур. Аёлға тасалли берар. Бой воқеасиға афсус айтар. Аммо чи фойда? Бой ва рўзғори қурбони жаҳолат ва беилмлик бўлуб эдилар.

Занони бордор, эй марди хушёр,
Ки дар вакти валодат морг зояд.
Аз он беҳтар ки наздики хирадманд,
Ки фарзандон ноҳамвор зоянд.

Бу фажеъ ва алмалик манзарани парда ёпар.
Халқда ҳаддан зиёда таъсир, баъзи кишилар фоже-
адан кўз юмарлар. Бу парданинг тақлидлариға нуқс
топа билмадук. Бойни биродарини тақлид этган жа-
ноб Муҳаммадаминжон Ниёзий маҳоратини алоҳида
ёзмокға мажбур бўлдук.

4-манзара очилур. Майхораларинг иккиси сар-
гарм сафолаб ўлтурар. Бир замон котиллар келур.
Боиси кулфати дину дунё бўлгон бир халта окча исм-
лик юзи қарони пири маъсиятлари бўлган Давлат-
зўр олдиға отар. У-да суюнар. Олам ёнди. Онинг ка-
боби пишсун! Чилимлар, папируслар келур. Қўша-
қўша пивалар. Майхоначи Артун арманининг учга-
ни, сакрагани шоён томошадур. Саноксиз танга-
ларга эга бўлган майхоначи ва шогирди шавк
ва шаторатдадур. Энди кабиҳа кирар. Ана, бўз бо-
лаларни кунни туғулди ва ҳар нимарсани эсдан чи-
қоздилар. Пивалар, энг қимматлик шароблар келур.
Майхоначи-да бўз болаларга у қадар меҳрибон бўл-
дики, гўё ҳаммаси шерикдур. Қарсак, ашувла, базм,
ракс, кабиҳа ўйнар. Хануз базмлари охирига етмаган
эди. Хуштак садолари келар. Беимон пўлислар етушди.
Бўз болалар асиру банди бўлдилар. Пристўф аларни
ахтарди. Пичок ва тапонча, танга халтаси ила топилди.
Яна зиёли ҳам қайдандур келди. Афсус ва ибратлик
сўзлар сўйлайдур. Бойбача доимо йиғлайдур. Аммо на
фойда?

Отадан, онадан, ватандан айрилдилар. Умри Сибир
кечар. Мунга яна марҳум ота сабабдур.

Гуноҳкор ва қотиллар боғланур. «Ҳайда, марш турмага!»

Ана, «Падаркуш» фожиасини ҳосили шундан иборат. Бир эмас, тўрт-беш оила ва рўзгори вайрон бўлушини тасвир этар. Танаффус вақтларинда машҳур самарқандий Ҳожи Абдулазиз афанди ижрои хониш қиларди. Мажлисдагиларга фожиа яхши таъсир бериб эди, ҳатто ибратхонадан чиқмай туриб, «Яна қачон килунур?» деб сўрайдургонлар кўб эди.

«Падаркуш» рисоласини тили бироз адабий ва ўзи қисқароқ эканлиги маълум бўлди. Пристўф тақлидини тотарлардан Аҳмаджон жаноблари қилиб мувафақият ила ўтарди...»

Биз «Ойина»нинг 1914 йил 14-сонида босилган «Туркистонда биринчи миллий театр» номли тақризни деярли тўла келтирдик. Мақола-тақриз тугамаган. Муаллифи ҳам кўрсатилмаган. Сўнгида «бақияси бўлур» дейилган. Лекин «бақияси» биз кўрган сонларда учрамади.

Иккинчидан, у шунчаки тақриз эмас. Асарнинг мазмун-моҳиятини кенг, айти пайтда содда ва таъсирчан етказишни ҳам мақсад қилиб қўйган. Эҳтимол, унинг муаллифи Ҳожи Муин бўлса.

«Падаркуш» ҳақида танкидий чиқишлар ҳам бўлган, албатта. Масалан, «Ал-Ислоҳ» журналининг 1915 йил 6-сонида Иброҳим Тоҳирийнинг «Матбуот ва ислоҳ» номли мақоласи босилган. Муаллиф «Падаркуш» тилида «дурустлик ва поклик йўқдур... таркиблари ажамий, жумлалари ифодасиз,— деб ёзади. «Ойина» 12-сонида унга жавобан «Лоф» деган мақола билан чиққан.

«Падаркуш»нинг ўзбек маданияти тарихида буюк роль ўйнагани муҳокама талаб қилмайдиган ҳодисадир.

«Ойина» журнали маърифат ва маданият тарқатишда жуда катта хизмат қилди. Унда миллат ва унинг

ҳақ-ҳукуки, тарихига, тил-адабиёт масалаларига, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилган. Айниқса, тил масалалари муҳаррирининг ҳамиша диққат марказида турди. Беҳбудий миллатнинг тараққийси учун бир неча тил билишни шарт ҳисобларди. Масалан, журналнинг 1913 йил, 30 август, биринчи-нишона сонидеъ, «Икки эмас, тўрт тил лозим» деган мақола билан чиққан эди. У ёзади: «Биз, туркистонлиларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ, лозимдур. Туркий, яъни ўзбакӣйни сабаби шулки, Туркистон халқининг аксари ўзбакӣй сўйлашур. Форсий бўлса, мадрасаву удабо тилидир. Буқунғача Туркистонни ҳар тарафиндаги эски-ю янги мактабларинда форсий назм ва наср китоблари берилиб келгандур. Барча мадрасаларда шаърий ва диний китоблар араби таълим берилса, мударрислар(нинг) таркиру таржималари форсчадур. Бу қоида, яъни дарс китоби арабий, муаллим туркий, тақриру таржимани(нг) форсийлиги ҳийла ажибдур.

Туркистонда қадимдан бери бу уч тил жорийдур. Чунончи, эски ёрликлардан маълум бўлурки, Туркистонда эски амир ва хонларни амри фармойиш ва муборак номлари доимо туркий, яъни айни замонда дорул қазову адабиёт тақрирлари форсий ёзилар экан. Бу қоидалар зотан яхшидур».

Муаллиф бу уч тилни барабар билган киши саводли ва илмлилар орасида ҳозирда юздан бирни ҳам ташкил этмаслигини афсус билан қайд этади. Айни пайтда яна бир тил — русчани ҳам билиш керак. Чунки, «Бу замон тижорат иши, саноат ва мамлакат ишлари, ҳатто дини ислом ва миллатга хидмат русча илмсиз бўлмайдур. Масалан, буқунғи подшолик Думага ўздин ва миллатимиз нафъмга сўзламоқ бизлар учун мумкин ўлур».

«Арабий билмасак, дин, русча билмасак дунё кўл-

дан кетар. Туркий ва форсийни кераклигига сўз йўктур»,— дейди у.

Бехбудий бу билан чекланмайди. «Яна бир тил ва хат борки, бутун олам бир-бири-ла анинг ила сўйлай-дур. Ул франса тили ва хатидур». Лозим бўлса, ғайридинларнинг тилини ўрганиш кераклиги ҳақида ҳадиси шарифга мурожаат қилади ва «Саҳиҳи Бухорий»дан далолат келтиради.

Фитратнинг журналда босилган мақолаларидан бири «Ҳиммат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқдур» деб номланган. «Тушундигим замон кўнглум ёнар, йиғламоқ истарман, кўзёшларим келмай-дур»,— деб бошланар эди мақола. Адиб ер ва осмон қадар тараққиёт ва турмушда Европадан узилиб қолган Туркистоннинг фожиали аҳволдан сўз очган эди (1915 й. 7-сон). «С. А.» имзоли кишининг «Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар» (1914 й. 35-сон) мақоласида бошқа тилларни ўрганиш қаторида ҳар бир миллат ўз тилининг муҳофазаси билан шуғулланиши шарт, деган фикр жуда кўп далиллар билан исбот қилиб берилади. «Агарда тил ва адабиётимизни муҳофаза қилмай, анга ажнабий луғат ва сўзларни қўша берсак, бир оз замонда тил ва миллиятимизни йўқотурмиз. Миллиятимизни йўқотганда диёнатимиз ўз-ўзи ила албатта, йўқолур»,— деб ёзади муаллиф ва «Бас, бизга тилимизни ажнабий сўзлардан муҳофаза қилмоқлик энг биринчи муҳим бир вазифадур»,— деб хулоса чиқаради.

Журналнинг 1915 йил 11-12 сонларида босилган Бехбудийнинг «Тил масаласи» мақоласида тилларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги баҳс давом этади. Улуғ маърифатчи тилларнинг бир-биридан ўринли луғат олишини табиий жараён деб қарайди. Энг бой тиллардан бўлган инглизчанинг ҳам «ўн минглар ила бегона луғатларни мажбуран олганлигини» далил қилиб кўрсата-

ди ва масаланинг бошқа жиҳатига — ягона адабий тил, тил бирлигига диққатни қаратади.

Бехбудий адабий танқидга катта эътибор берди. Навоийдан кейинги бир неча асрлик сукунатдан сўнг бу соҳанинг хос хусусиятларини тайин этиб, адабиётда тенгхуққилик масаласини ўртага қўйди. «Танкид сараламоқдур» (1914 й. 27-сон) деб номланган эди унинг ушбу мавзуга бағишланган жиддий мақолаларидан бири.

Туркистон забт этилгач, руслар маҳаллий халққа «сартлар» деб ном бердилар. Н. Остроумовнинг бир китоби худди шундай номланганлиги ҳаммага маълум. Бу сўз, аслида, турли вақтда турли этник қатламга, гоҳо социал қатламга нисбатан айтилган. 10-йилларда бу сўз атрофида яна баҳс кетди. Чунончи, Бухоро амирининг русча таржимони Баҳромбек 1911 йилда «Шўро» журнаliga «Биз, туркистон ва Бухоро халқининг турк-лиги маълум бўлиб туруб... на учун сарт атайдурлар?» деган савол билан мурожаат қилади. Журналнинг 19-сонида Бехбудийнинг «Сарт сўзи мажҳулдур» деган жавоби босилади. 24-сонида эса самарқандлик Бакохўжа «Сарт сўзи аслсиздур» деган мақола билан чиқади. Бу билан баҳс босилгандай бўлади. Бироқ орадан 2-3 йил ўтиб, «Садойи Фарғона»нинг 1914 йил 30-сонида Мулла Абдуллабек деган кишининг «Сарт сўзи маълумдур» деган мақоласи босилади. Табиийки, Бехбудий ундан қаноатланмайди, чунки унда мавзуга доир бирор янги гап айтилмаган ҳолда «маълум» деб даъво қилинган эди. Шу сабабли Бехбудий «Сарт сўзи маълум бўлмади» деган мақола ёзиб, «Садойи Фарғона»га юборади. Бироқ газета мақолани босмайди. Шундан сўнг муаллиф мақолани ўз журнаliga (1914 й. 39-сон) беришга мажбур бўлади.

Журналда Бехбудийнинг «Сарт сўзи мажҳулдур»

мақоласи ҳам қайта босилган. Мақола ҳажман салмоқли, журналнинг бирнеча сониди давом этган. Адиб ушбу калиманинг халқона этимологиясидан тортиб, Алишер Навоӣ, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Абулғозӣ Баҳодирхоннинг асарларигача, Н. Остроумов китобидан Д. Г. Логофетнинг «Бухоро хонлиги»-ю, Л. М. Будагов — луғатларигача, И. И. Гейер «Саёҳатнома»ларидан А. Вамбери «Кундалиқлар»игача, жадидчилик ҳаракатининг Аҳмад Заки Валидийдаъ Исмоилбек Гаспринскийгача бўлган намоёндаларининг бу соҳадаги кузатишларини тўплаб, шундай хулосалайди:

1. «Шайбонийнома», «Бобурнома», Абулғозихон китобларида баъзи бир туркистонийлар сарт аталибдур.

2. Оврупонинг баъзи сайёҳлари ёзибдурларки, Туркистонда шаҳар халқининг ёинки форсий халқини ё тожикни номаълум замонда сарт атардилар.

3. Номуайян бир замонда Дашти Қипчоқ ёинки Хитой ҳудудидаги сарт исминда бир тоифа келиб, Туркистонга ерлашиб, сўнгра бошқалар тарафидан ютулиб ва бошқа уруғлар ила аталуб кетгандурлар. Ана, Туркистон Русий ва Бухоро халқига сартлик исмини тоқатургонларни далили шундан иборатдур.

Биз такрор айтамизки, мазкур уч эҳтимолни қайси бири чин бўлган суратда ҳам, нафсул-амрда, буқун Туронда сарт йўқдур».

Бехбудий «Садойи Фарғона»да мақола муаллифининг «Ҳар ким бизни сарт деса, мунга хурсанд бўлуб, фахр қилмоғимиз дарқордур, зероки, сарт дегани масжидлик ва мадрасалик ва бозорлик ва озода ва уламони маъдани дегани бўлур» фикрини рад этади. Ш. Лапиннинг «сарт» — «сари ит»дан деган фикри қанчалар ҳақоратли бўлса, «озодаваш» дейиш ҳам шунчалик асоссизлигини таъкидлайди ва тарихий-илмий манбаларга суяниб, «Сарт на маънода бўлса бўлсун, арбоби

тарафидан ҳал қилинмагунча они қабул этмасликка ҳаққимиз бор»,— деб ҳисоблайди.

Адибнинг барча тарихий-илмий мавзудаги мақолалари сингари бу ҳам ўтмишга қамоли эҳтиром ва эътиқод билан ёзилган. Туркистондаги қабила ва уруғлар, урф-одатлар ҳақида тўхталаркан, у бир далилни нафрат билан тилга олади: «Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайдургонларни «қул» — «марқук» дерлар (1914 йил 23-сон, 340-бет) деб ёзади. Бу сўз Ч. Айтматов туфайли «манкурт» бўлиб янги умрини бошлади.

Марксча тарихшунослик жадиदларни ўтмишни инкор қилишда, нигилизмда айблаб келди. Ҳолбуки тарихни жадидлардек муқаддас тутган фидойиларни бошқа тоифа орасидан топиш кийин. Ахир ўтмиш билан ифтихор этмасалар, Тошкентдаги барча жадидларни ўз атрофига бирлаштирган маданий-сиёсий жамиятнинг номи «Турон» қўярми эдилар?

Бинобарин, марксча тарихчиларнинг айбномалари на тарихий на назарий асосга эга эмас эди. Улар, аввало рус, сўнг социализм мафкурасининг манфаатидан келиб чиққан, энг муҳими, тарих (кейинги давр тарихи деярли ўрганилмаган, малакали мутахассислар бармоқ билан санарли бўлиб, улар ҳам ўз соҳасидан узок ишларга кўмиб ташланган эди) илгаритдан тайёрлаб қўйилган қолипларга жойлаб чиқилган эди.

Иккинчи хулоса шуки, Бехбудий миллат ўзини англагандагина ижтимоий-сиёсий масалаларга бошқалари билан тенг аралаша олади, деган фикрда бўлди. Шунинг учун ҳам тарихга алоҳида эътибор берди.

«Ҳаёт ва мамот масаласи қадар муҳим бўлган неча масалалар кўзимиз олдиға турган ҳолда аларни эҳмол этуб, фақат сарт сўзи ила шуғуллануб, фурсатларни бўшқа ўткармоқлик яхши эмас»,— деб ёзади у. «Ле-

кин,— давом этади,— ёвруполилар қошида миллият масаласи дин масласидан муҳим ва мукаддас тутилган бир замонда бизлар ҳам миллият масаласидан саналган «сарт» ҳақида гоҳ-гоҳ баҳс этуб, миллиятимизни хотирлаб турганда, зарар кўрмасмиз».

Шунингдек Бехбудийнинг бошқа рукнлардаги мақолалари, жумладан, 1914 йилги Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига сафари ёритилган «Саёҳат хотиралари» ҳам XX аср бошидаги ўзбек ижтимоий-маданий тафаккурининг миқёсу кўламини, йўналишини аниқлашда катта аҳамият касб этади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги немис олимаси Ингеборг Балдауфнинг мазкур хотираларнинг олмонча таржимаси муносабати билан ёзилган «Маҳмудхўжа. Бехбудий Фаластинда» (1993, № 21) мақоласини эълон қилди. Муаллиф унда Бехбудий кузатишларининг ўзига хослиги ҳақида ёзган, адиб қалбини ўртаган энг катта дард эрк ва маърифат эканлигини айтган эди.

Бехбудийнинг ушбу сафари билан бугунги кун орасида 80 йиллик тарих турибди. Саксон йилда муболағасиз саккиз юз йиллик воқеалар бўлиб ўтди. Шуларга қарамай, саёҳатномадаги маърифий руҳ, изтироб тўла фикр-мулоҳазалар, муаллифнинг ташна нигоҳи сизни бефарқ, қолдирмайди. Хусусан, Ватан туйғуси бугун сиз билан биз учун айтилгандек туюлади.

Дарвоқеъ у шундай бошланган эди.

— 29 май 1914 сана 17 ражабул маржаб 1332 санаи хижрия, панжшанба куни кеч соат 7. Қаторимиз (поездимиз) маҳбуб ватаним Самарқанддан ҳаракат эди. Ўғлум Мақсудхўжа манглайдан шафқат бўсаси олиб айрилдук. Оҳ, видои оила, ватандан чиқмоқ на қадар мушкул!...» («Ойина» ж. 1914 й, 34-сон, 809-бет).

У, Қуддуси шарифдаги Ҳазрати Довуд макбараси-

ни, Ҳазрати Марям ва Ҳазрати Исо калисоларини зиёрат қилар экан, тошкентлик ёш бир атторга дуч келади. «Дўконига бир оз ўлтурдук,— ёзади Бехбудий.— Мамлакатдан сўради. Кўлига бир неча нусха «Ойина» ва Туркистон харитасини бердим. Аҳли савод экан. Тошканд шаҳрини кўрсатдим. Бейхтиёр харита устиндаги Тошкандни ўпуб, кўзига суртди. («Хуббул ватан мин ал иймон»). Хусусан, ватан ва аҳли диёрни кадри мусофиратҳа маълум бўлур. Ҳақиқатан ватан муқаддасдур. Кадрини билмоқ керак. Сотмасга ва ўлгунча айрилмасга керакдур» («Ойина», 1915 й. 4-сон, 76-бет).

Шоми Шариф (Дамашк) да марқади ҳамон зиёратгоҳ шайхул акбар Муҳйиддин Арабий ҳақида ёзади:

«Зиёратгоҳнинг устинда олий бир иморат ва маҳмали зардўзи пўшишлар бордур. Мадҳалинда ушбу байт ёзилгандур:

Қутбул-актоби жаҳон ҳазрати Муҳйиддинким,
Рубъи маскунда деюр ҳазратина ҳазрати шайх
Хотами аҳли вилоятдур у Ғавсул Аъзам,
Шарқу Ғарба не ажаб тутмиш эса шуҳрати шайх.
Бир замондан бери аркони тазалзул ўларок,
Мунҳадим ўлмаға майл этмиш эди турбати шайх.
Этдилар сарфи нукуд хуммоми аскар ашраф.
Боиси файзи букун ўлмақ уза хидмати шайх.
Ўлди бул мазжаи олийи муқаддас маъмур
Этди таъмир ҳақиқатда ани қудрати шайх.
Бандаи хосу зиёли бу иши қилди қабул
Айлаюб волийи Сурияни қиммати шайх.
Хоки иксир эдар албатта нигоҳи караминг
Мазҳари файзи назар қил мани ё ҳазрати шайх.

(1292)

Шайхул акбар даҳмасинда доимо зиёратчи кўб ва

дахма атрофинда мрамр ва аъло бир ховли ўртасинда мусайқал тошлар ила бино этилган катта бир фаввора бордур. Дахма хорижинда катта бир ғурабо ғариблар) ошхонаси мавжуд бўлуб, фуқарога доимо ҳукумат тарафиндан мажони таом (чулон) берилур. Биз бориб, ушбу чулондан тановул этдук. Чулонхўрларни адади 200 қадар эди. Баъзилар табақ-табақ олиб кетмоқда эди.

«Саёҳат хотиралари»да 1913 йилда бўлиб ўтган Болкон уруши билан боғлиқ воқеа-эпизодларга ҳам дуч келамиз. Масалан, Адрнадаги «Султон Салим жомеси» ҳақида Бехбудий бундай ёзади:

«Бу жомеъи шариф мусулмонлар учун энг кадрлик ва азиз жомеълардандур. Чунки булғорлар Адрнани олганда бу жомеъни қўлга олиб ва эшиқлариға аскар қўюб, азон ва намозга рухсат бермай, «Аё Сўфия» калисоси бадалиға калисо қилмоқчи эканлар. Бул арода Туркияни босган Булғор, Серб, Қоратоғ ва Юнон ҳукуматлари орасида ихтилоф воқеъ бўлди. Шундайким, Адрнани олмоқға ёлғиз Булғорни кучи етмади. Анга ёрдам учун Серб аскаридан 25 минг қадар келди. Ва охири очликдан Адрна сукут этди. Турк аскари очликдан дарахтлар пўстини ва гиёҳлар томирини ебдурларким, қобуғи очилган ва тикка турган юзлар ила дарахтларни қўзум билан қўрдим. Аскарлар очликдан қўб ўлубдур. Қувватсизликдан бир тўп ўқини ўн қадар аскар зўрға тўпға қўяр эмишлар. Бовужуд, шул ўлганча ишдан қолган ва ё қочган аскар бўлинмайдур. Шу ҳолда бўлса ҳам шаҳар душманға топшурулгани учун аскар норозилик қилибдур. Сербия аскари келгандан сўнгра Адрна қаҳрамони Шукри пошшо яна аввалгидан зиёдароқ каттиғлик ила Адрнани муҳофаза қилиб ҳам душман, ҳам очлик ила мубориза қилибдур. Дигар тарафдан Истанбулда Комил пошшо «Буюк мажлис»ни жамлаб, Адрнани аҳволи ва Туркиянинг қувватсизлиги ва Овру-

по давлатларининг «Адрнани Булғорларга берингиз!» деган таклифини музокара қилиб, охири сулҳан Адрнани Булғорларга бермоққа қарор берилиб, ҳатто қоғазлар ёзиладур. Муни ёш туркларнинг катталаридан ҳозирги Анвар пошшо ва шаҳид бўлган Маҳмуд Шавкат пошшо ва бошқалари эшитиб, ихтилол чиқариб, «Боби олий»ни босиб, ҳарбия вазири Нозим пошшони ўлдуруб, Комил пошшони банди этиб, султонга маъқул қилиб, Маҳмуд шавкат пошшони Садри аъзам қилдируб ва Анварбек бош бўлуб, «Глибули» (Греция) тарафидан Адрна устига аскар чиқорди. «Чатолча» атрофида урушлар ҳам бўлди. Охири ноиложона суратда очлик сабабидан Шукри пошшо Адрнани таслим этмоқчи бўлди. Адрнани топшурди. Аммо Булғорга эмас, сербларга... Ва мунинг сабаби булғорлар ила серб аросида ихтилоф солмоқ эди. Ва ҳақиқатда Шукри пошшонинг бу сиёсати душман аросида ихтилофга сабаб бўлди. Чунончи, Туркиядан олинган шаҳарлар устида Булғор, Серб ва Юнон аросида низо чикди. Буларнинг аросида аввалдан ёзилган шартнома бор эди. Сербия у шартномадан зиёда ҳақни Булғордан талаб қилди. Булғорлар деди: «Шартнома юзасидан тақсим қилармиз». Анга Серб дедик: «Адрнага аскар юбормақим шартномада йўқ эди. Санинг илтимосинг бўйинча ман Адрнага аскар юбордим ва ҳам Адрнани маним аскарим таслим олди. Бинобарин, «Кўсува» (Косово, Сербияда) ва «Миностр» тарафидан манга кўброк жой бермагинг лозимдур. Булғорлар мунга кўнмади ва охирида Серб ила Юнон бир бўлиб, булғорларни урдилар. Бул аснода Анварбек тўрт кунлик йўлни бир кунда юриб келиб, Адрнани босиб, булғорлардан қайтиб олди. Булғорлар муни билиб, Адрнанинг обод ер ва хона ва аскархона ва анборлариға ўт қўюб эканларким, бу ўтларни ҳам вақтида турк аскарлари етиб, сўндуруб булғорлардан бениҳоя озуқа,

асбоб, милтик ва кўб адад тўпларни ўлжа олибдурлар. Султон Салим жомеъи шарифини калисо бўлмокдан кутқардилар. Агарда Комил пошшо қарорномаси бўйинча Адрнани Булғорларга сулҳан берсайдилар, балки муттафиклар ўртасида уруш пайдо бўлмас ва Адрна шаҳри абадан кетган бўлур эди. Хулоса: Адрнанинг қайтиб олинганлигининг шарти ёш туркларга ва Анвар Пошшога насиб бўлди».

1906 йилда Самарқандда босилган «Мунтахаби жуғрофияи умумий» («Умумий жуғрофиядан сайланма») дарслигида ба «кадим фан»га тааллуқли туркий, арабий, форсий, таббиётга доир «ўттуз кадар кадим ва жаид кутуб (китоблар) ва расоил (рисолалар)дан фойдаланилган.

«Жуғрофия деган сўз юноний, лўғати арабийга таърифи ард маъносиға, яъни ер ва туфроқни баён қилатурғон илмни атайдур»,— изоҳ беради муаллиф. Сўнг Бехбудий унинг турларига тўхтайди. «Чунончи,— ёзади у,— ерни шаклдан, осмон ила Ер аросидаги хосияти ва Осмондаги нимарсалар ила нисбати ва ҳаракатидан баён қилатурғон илмни «жуғрофияи риёзий»; Ерни хосияти, туфрок пасту баландлиги, ҳар хил гиёҳу конлари, тоғ-дарё, кўл, мижозу ҳавосидин баҳс қилатурғон илмни» жуғрофияи табиий» аталадур».

Муаллиф хулоса қилади: «Ер устиға бўлган воқеалар тўғрисида ҳар бир новъ ишни ушбу илмға баён қилиб, жуғрофия калимасини охириға ўшал ишға тааллуқ илм ва фанни оти кўшуладур. Чунончи, «Жуғрофияи тарихий», «жуғрофияи сиёсий», «жуғрофияи умроний» (иктисодий жуғрофия) ва бошқаларидек. Хулоса, бу замонға жуғрофия илми дунёни ва андаги ҳалойик, ҳайвонот, умронот (ободлик) ва ҳарнаки дунёға бордур, билдиратургон кераклик бир илми жаҳоннамодур».

Китобнинг дастлабки саҳифаларида жуғрофиянинг

фан сифатида майдонга келиш тарихи, қадим Туркистон олимларининг бу соҳадаги хизматлари ёритилади, асарлари келтирилади. Муаллиф Шамсиддинбек Сомийнинг (1850—1904) 6 жилдлик машхур «Қомус ул аълом» ва Исмоилбек Гаспринскийнинг (1851—1914) «Туркистон уламоси» китобларидаги ҳужжат ва далилларга суяниб фикр юритган.

Бобларнинг бири: «Жуғрофияни ўқумоқ мусулмонларга лозимдур» деб аталган. Унда Ер ҳақидаги хурофий тушунчалар танқид қилинган. Чунончи:

«Аммо ҳозирги жуғрофия илми, тажриба ва рўяти башариядан билинадурки, Ер курравий — юмалок, остига ҳўкуз, балиғ йўк, атрофига девори йўк ва Ер айланадур, ҳавога муаллақ турадур. Бизни назаримизга сокин ва аммо ҳақиқатда айланадур» (14-бет).

«Эски ва янги донишмандлар» фаслида қадим Батлимус (Птоломей) дан қолган геоцентризм ва унга қарама-қарши гелиоцентризм ҳақида гап кетади. Илми ҳайъатдаги «Сабъаи сайёр», «тўққиз осмон» иборалари изоҳланади.

«Аҳли ҳайъати жадида, яъни янги ҳукамолар айтадурки, Офтоб дунёни ўртасига халқ бўлубдурки, Аторуддан бошлаб қадима беш сайёра ва янги топилган икки сайёра ва кўз ила кўрилмай, янгидан дурбин ила топилган уч юзга яқин сайёралар ва буларни ичиға биз устида турғон Еримиз Офтобни атрофиға ҳар бири ўзига тегишли доира-айланасига айланиб юрадурлар. Еримиз Офтобга нисбатан учланчи сайёра-юргувчи юлдуздур! Юргувчи юлдузларни ҳаммаси бенур ва ёруғликни офтобдан оладур» (22-бет) ўқиймиз китобда.

Муаллиф, шу тарика, жуда содда қилиб осмон жисмларининг жойлашиш ва ҳаракатини тушунтириб беради. Буларнинг айримлари Қуръон ва Ҳадис хабарига рост келмаслигини ҳам айтади. Шунга қарамасдан

«Янги ҳукамолар осмондаги юлдузларни аҳволидин эскилардин кўра яхшироқ огоҳ бўлубтурлар»,— деб ёзади. Чунончи, Миррих (Марс) ҳақидаги замондошлари маълумотларини жамлаб ва уларнинг қадим ҳукамога насиб этмаган аниқ ва пухта замонавий асбоблар ёрдамида тўпланганини таъкидлаб, «...ҳукм қиладурларки, албатта, Миррихда одам бор ва илми бизлардан зиёдадур!» деган фикрни илгари суради.

«Бизни Еримиздек бошқа юлдузларда одам бўлса, бизни Еримизни ҳам юлдуздек ёруғ кўрмоқлари таъиндур» — ўқиймиз яна бир ўринда. «Олами шамсия жадвали»да Аторуд, Зухра, Ер, Ой, Миррих, Муштарий, Зухал, Уран, Нептун сайёраларининг Куёшга нисбатан жойлашган ўрни, масофаси, ҳаракати ва ҳоказо ҳақида муҳим маълумотлар берилган. «Ерни шакллари», «Ҳукамо қавлича, Ерни(нг) юмалоқлиги аломатлари» фаслларида муаллифнинг ўз кузатишлари кўпроқ сезилади. Ушбу фаслларга Петербург, Тошкент вақти дунёнинг бошқа шаҳарларига қиёсан берилган 2 жадвал илова қилинган.

Ернинг тузилиши, тоғлар, дарёлар, қўллар, қуруқлик, Ой тузилиши, қуйруқлик юлдузлар, ҳаво, атмосфера, кун-тун, ёз, қиш, тупроқ, сув ҳолатлари ҳақидаги фасллар ҳам анча мароқли ёзилган.

Китобнинг маълум қисми дунё кишиларининг маиший ҳаётларига-ижтимоий, иқтисодий, сиёсий масалаларга бағишланган.

«Мартабаи инсониятга ноил ўлмакға, ҳар бир инсонни жамияти инсонияға ва дини илоҳияға эҳтиёжи бор,— ёзади муаллиф.— Ушбу сабабдандурки, инсонлар қомил инсонларни қўл остиға жамияти башарияни барпо қиладурлар. Олло таоло анбиё воситаси ила қонуни шарият, ҳавфу қалбу рижо юборибдурки, анго доҳил ва солиқ бўлмоқ лозим ва вожибдур. Динсиз

дунёда яшамоқ инсоният ва маданиятдан эмас, ҳайвонийликдур. Динсиз мутамаддун (маданиятли) бўлмоқ муҳол (қийин) дур. Жамияти башарияни барқарор турмоқиға дин, шаръ (шариат), низом ва буларни бошқарувчилари биринчи сабабдур. Бас, жамият илм, инсоф ва ҳунар сабаблари ила уч хилға бўлинадурки, ваҳшоният, бадавият, маданият аталган. Ва буларни (нг) ҳар бирини яна бир неча синфға тақсим қилмоқ одамларни аҳволиға қараб мумкин бўладур».

Бехбудий уларни шундай фарқлайди:

— Ваҳшоният мартабаси фақат одамни ҳоли ҳайвониятға истиқоматидурки, на ақл-комил ва на илм-маърифат, дин-диёнат, инсоф-сиёсат ҳеч-ҳеч бир инсонға ёқимлик ҳолати, ҳаракати, феъли бўлмайдур. Бу навъ одамлардан Африқо чўлларига, Амриқо тоғларига, Австралиё жазираларига бордур. Илм, ҳунар, дин, диёнатдан бутун бебаҳра, умрлари ҳайвониятға ўтуб кетадур. Маҳали истиқоматлари бошқа ҳайвонотдек дарахтлар устида, ичида ённки, ин-уя чуқурларда ўт-хашоклар ила паноҳ бўлган қазолардадур. Емоқлари хом ўт, гиёҳ, мурдорлар. Хулоса, ҳар на топилса, удур. Сайду шикор, яна топилса, одам емоқ ила машғулдурлар. Шакллари инсон ва барча ҳаракатлари итқўппакдан бадтардурки, инсонларни бидоят ҳоли ённки илму адабсизлик мартабасидур.

Ҳозирги замонамизда ҳам бу синф одамлари мавжуд ва ададлари кўпдур.

Бадавият одамлари. Иккинчи хили бадавийлардурки, ваҳшониятдан тараққий ённки маданиятдан таназзул қилиб, бир ҳолға келгон ваҳший ила маданий аросида воситадурки, бадавий ва саҳройи маҳз аталадурлар. Буларни маконлари саҳро ва чўлларда, тоғу тошлар аросида чодир ичида ё туфрок тўла ичларида ва аксар кўчуб юргувчи илму ҳунардин бебаҳра халқдур. Бу

тоифани умрлари мол бокмок, емок, ётмоқ ила сарф бўлуб жамияти башарияга керагича ёрдамлари етмайдур. Чунки илмлари камдур. «Кўчманчи», «бадавий», «сахройи», «бодиянишин» аталадурларки, ҳар бирининг аросида яна фарк кўпдур. Маданийларга ёкмаетургон феъллар булардан камилмлик ва тарбиятсизликларидан кўброк воқеъ бўладур. Аларни ичида маданийларни(нг) истикомати қарийб мумкин йўқдур. Ушбулар «эл», «уруғ», «қабила», «ашират»ларга тақсим бўлуб, бек, бий, шайх, раис, сардорларни қўл остида чўлларда, шаҳарлардан узоқ жойларда юрадурлар. Аларни(нг) баъзиси ўз ишларини, расмларини маъқул ва одамиятга муносиб билиб, шаҳарий ва маданийларни уят ва ҳатто нафрат қиладур. Ушбуларни тамаддун доирасига киргузмок мавруди замон ила бўладур. Маданият. Шаҳарларда ва катта жамиятлик, илму ҳунарлик, маҳаллаларда туратургон, илм, фазл ва ҳунарлик халқни ва ё алар ила бирга тургувчи инсонларни «маданий» аталадурки, бошқа исм ила «шаҳарий» аталадурлар. Буларни аксар ишлар тартиб ва тажриба, илм ва фан ва қонда бўйинча бўладур. Мактаб, мадраса, масжид, маҳкама, руҳони уламо, ибодатхона, амир, ҳукмрон, подшоҳлари бордур. Бовужуд шул маданийлар ичида ваҳший ё бадавийга ўхшаш инсонлар, феълу одатлар кўбдур. Ҳануз ер юзида бир шаҳр йўқки, барча одамлари инсони комил ҳисоблансун, бу уч хилни ҳар бири яна ним маданий, ним ваҳший деган қисмларга бўлинадурлар».

«Ер юзидаги бадавий ва маданий халқларни ҳукмдор ва сардорлари бўладурки,— деб бошланади «Ҳукумат ва ҳукмронлар» фасли,— бек, амир, шоҳ ва бошқа исму луғатлар ила аталадурлар. Ҳар бир тилда ҳукмдорларни луғати бошқадур. Оврупо халқи императўр, қирол, дўка, прино, президент, кназ, тоар ва бошқа

луғатлар ила аталган ҳар бир ҳукмдорни мартаба ва ҳукумати бошқа навъдур».

Бехбудий замонасидаги мавжуд идора усуллари ҳақида фикр юритиб, уларни учга бўлади.

1. Идораи мустақла (идораи мутлақа-монархия).

2. Идораи маршрута (конституцияли парламентли ҳокимият)

3. Идораи жумҳурият (Республика)

Бехбудий бу идора усуллари шундай изоҳлаган:

1. «Ани устидан қарагувчи подшоҳ соҳиби ихтиёр ва ҳар бир ройи ва амри закун ва низом бўладур. Амри, ҳукми, ройи нофиз (қонун)дур. Қўл остидаги барча маждислар, маслаҳатхоналарни иттифоки, хоҳиши, ҳукми ўшал императўрни мустаҳкам қилиш имзосига мавқудур. Шундай императўрларни янидан мансуб бўлуши ҳар бир давлат ва ҳукуматда муқаррарий қонун ва одатлар бўйича мерос ёинки валиаҳдлик қондалари ва ўшал ҳукуматни қўйган «тартиб ва тадбириға мувофик бўладур».

2. Идораи маршрута — «...бу ҳукуматға тобеъ одамлар аксар аҳли илм ва ҳунардурлар. Элу уруғлари илм, ҳунар ва дунё ишлариға тараққий қилгандурки, шул тариқа фуқаролар ўз ароларидан инсонлик, илм ва дунёдан хабарлик одамларни ўзлариға катта ва бошқарғувчи вакил сайлайдурлар ва шул тариқа сайланган вакилларни подшоҳ жамлаб, муқаррарий маҳкамаларга мамлакатдорлик ишлариға аралашиб, машварат ила тузатилмоқ ва муҳофизат қилинмокиға кўз бўлмоқлари учун қарор берадурки, аларни(нг) мажлис ва маҳкамаларини «Миллат мажлиси», «маслаҳатхона», «парламенту», «ғўсударски Дум», «Мажлиси синодий» (сенат мажлиси), «Эл мажлиси» деган исмлар ила ёд қилинадур. Яна баъзи маслаҳатхоналар борки, маслаҳатбошиларни, ҳукмдорларни (подшоҳнинг) ўзи тайин қиладур.

Ушбу миллат мажлисини(нг) чилон(аъзо)лари машварат ила мамлакатдорлик ишлариға аралашиб, низом ва қонун тузатиб, ҳукмдор ва подшоҳларни қилатургон ишлариға аралашадур. Подшоҳ бу мажлис амриға тобеъдур. Мажлис мабъусон (депутатлар)ни(нг) ройи бўлмагунча катта ишларни бошланмоқиға амр ва ҳукм қилолмайдур. Хулоса, императўр соҳиб ихтиёр бўлмай, дурустрок ишларга қонун ва низомлари чиқорилмоқиға бутун эл мажлисға тобеъ бўлуб турадур.

3. «Идораи жумҳурият» ...аксар фуқароси аҳли илм бўлуб, бу аҳли дониш аҳолини сайлаган вакиллари, яъни ҳукуматға етти йилғача ўз мамлакат ва ҳукуматларини бошқармоғи учун ўз ароларидан бир нафар донишманд одамни бошлиқ сайлайдурларки, «раиси жумҳурият», «садришини миллат», «президент» аталадур. Бу раис гўё бир оризи (вақтинча), омонат подшоҳдур. Ҳар бир ҳукм ва амру тартибни, мамлакат ва қўйга тааллуқ ишни, Миллат мажлисини(нг) қилиб берган дастуруламал, яъни қонун ва низомномалариға мувофик қилиб, бутун элға тобеъ бир кишидур. Ҳар бир ишға Миллат мажлиси ҳукмиға тобеъ, аларни(нг) ҳукму талабларини ўрниға келтирувчидур.

Бу икки тоифани(нг) подшоҳи баъзи мамлакатда «элға тобеъ бўлуб турарман» деб қасам ичиб, баъд(кейин) мансабға чиқадур. Катта вазирлар ва мамлакатдорлик мутасаддиларини тафтиш қилмоқға, терговға бермоқға, ҳатто ўшал соатда бирдан бекор қилдурмоқға баъзи Миллат мажлисларини(нг) ихтиёри бордур. Ҳозирги Оврупо ҳукуматларини(нг) рафтори, одати шу учусулни(нг) бирига дохил, тобеъ ва мувофикдур.

Мустақил ҳукмдорларни(нг) қўл остида ҳам мажлислар ва машварат маҳкамалари бордур. Илмсиз ҳукуматлардек неча милён халқни(нг) маишати, рафтори, ихтиёри бир нафар одам (подшо)ни(нг) ихтиёр,

ё ройи — ва ҳукмиғига йўқдур. Бир нафарни(нг) акли, фикри ила ўн нафар аросида на қадар фарқ бордур? Ушбу сабаблардандурки, озгина Оврупо халқи бутун курраи арзға ҳоким ва мутасарриф (эга) дурлар. Сабаб: ҳукумат, илм ва дароят, қонун, мусовот (тенглик), машварат (маслаҳат) ва тадбирдур».

Китобда муҳим ўринлардан бирини «Дин ва одат» фасли ташкил қилади. «Бани одамни ҳама фирқа ва тоифаси ушбу олам барча одам ва ҳайвонларнинг холиқи борлиғига иқрор. Аммо сонёи оламу илм, худошунослик, яъни эътиқод тўғрисида ҳар тоифа ва ҳар миллат ва мазҳаб аҳлини эътиқоди бошқадур. Илму ҳидоят топган фиркалар Оллоҳ таолони бемисл ва бешерик ва бир биладурки, шундай фирқани «мувахҳид» (бир худолик) атабдурлар. Оллоҳ таолони бир билмай, адад таъйин қилатургонларни «мушрик» (кўп худолик) ёинки маъжус аталадур. Мувахҳид ва мушрик фирқаларни(нг) ҳар бири яна бир неча дин ва ҳар бир дин бир неча мазҳабға бўлунуб кетгандур. Ҳатто ҳар бир дин ва мазҳабларга бир неча одат, расмлар қўшиллуб, агарчи ҳақиқатда муҳолиф мазҳаблари бўлса ҳам одат бўлган учун айни мазҳаб саналиб амал қилинадур».

Ирки башар — одамларни(нг) жинси бобида ок, қора, қизил, сариқ танлилар, уларнинг ўзаро фарқлари, ижтимоий-маиший турмушлари, ҳозирги мавқеъ-мартабалари ҳақида гап кетади.

Шунингдек китобда ўлчов-миқёс тушунчалари, метрнинг келиб чиқиши, аршин, саржин, вершок, дюйм, фунт, десятиналарнинг ўзаро фарқлари, мамлакатларнинг пул бирликлари ҳам кенг ёритилган.

«Ёрни ҳаракатиға ихтилофи уламо ва аҳли дин» фаслида дунёнинг қурилиши ҳақидаги гелиоцентрик тузилма ва унинг Европа илмидаги вакиллари Николай Коперник, Кеплер, Галилейлар фаолияти ҳақида гап

кетaди. Черков ва улар ўртасидаги кураш ҳикоя қилинади. Бундай ҳол аҳли ислом орасида ҳам бўлганлигига тўхтаб, замонидан икки юздан ортиқ китоб ёзиб «кофир» деб эълон қилинган, ўлганидан кейин мазори жохил ва беҳирадлар томонидан топталган Муҳйиддин Арабий тақдири мисол келтирилади.

Муаллиф кўҳна Шарқда ҳам илм ғоят қийинчилик билан ўзига йўл очганини қайд қилади, ва шайхур раис Абу Али Ибн Синонинг мутаассиблар томонидан «кофир» деб эълон қилингани воқеасига тўхтайди ва унинг

Куфри чу ман газоф ва осон набувад.
Маҳкамтар аз имони ман, имон набувад.
Дар даҳр чу ман яке ва он ҳам кофир,
Пас, дар ҳама даҳр як мусулмон набувад.

(Мени кофирликда айблаш осон бўлмас. Чунки дунёда менинг имонимдан маҳкамроқ имон йўқ ва у ҳам кофир бўладиган бўлса, бу дунёда мусулмоннинг ўзи йўқ экан) деган машҳур рубойсини келтиради. Ҳатто бундай мисолларни бугун ҳам келтириш мумкинлигини айтиб, айрим замондошларининг Миср муфтийси Шайх Муҳаммад Абдуллоҳ ва «Миръот» журналининг муҳаррири Абдурашид бин Иброҳимларни бадном қилишга бўлган уринишлари ҳақида ёзади.

Китобда «Амрикони(нг) топилиши» деган фасл бор. Унда Колумб сафари ва янги китъанинг кашф этилиши воқеалари баён этилган.

Сўнгги фасл «Тафсил ва танбиҳ»да дунёнинг қурилиши, Ер, осмон, юлдузлар ҳақидаги икки қарама-қарши фикр — эски ва янги нуқтаи назар махсус мавзӯ қилиб олинган. Муаллиф «етти қават ер», «етти қават осмон» тушунчаларига тўхтайди, айниқса, Ернинг ҳўкиз шохи устида туриши ҳақидаги хурофотни танқид қилади. Страбон, Батлимусдан кейинги давр уламола-

ригача бўлган олимларнинг қарашларига тўхтайди. Туркистонликларнинг фалакиёт ҳақидаги тасаввури ўрта асрчилик доирасида қолганини айтади. Айни пайтда жуғрофия китобларида бир қатор саҳву хатолар борлигини, бу ҳақда махсус китоб ёзмокчи эканлигини хабар қилади.

Китобда бир қатор иловалар бор. Масалан, ҳижратдан 4500 йил олдинги Миср воқеаларидан 1324—1906 йилдаги Русия Давлат Думаси очилишигача бўлган жаҳон тарихидаги ҳодисалар санаси «Аҳволи тарихиядан намуна» сарлавҳаси билан берилган. Шунингдек, «Европа», «Озиё», «Африқо», «Амрикойи шимолия», «Амрикойи жанубия», «Австралия», «Мамлакати Русия»нинг алоҳида-алоҳида хариталари, қурраи арз ярим шарлари махсус саҳифаларда келтирилган. Кўрфаз, бўғоз, дарё ва кўлларнинг жуғрофий шакллари, табиат ҳодисаларини, осмон ёритгичлари ҳаракатини тушунтирувчи турли-туман суратлар, ирқларни фарқлаб кўрсатувчи расмлар ҳам бор. Табиийки, бу хил кўргазмалилик, китобнинг илмий-маърифий аҳамиятини оширган. Мазкур жуғрофия китобини ҳозир ҳам нашр этиш фойдалидир.

Гапни Беҳбудийнинг театрчилик фаолиятдан бошлаган эдик. Яна шунга қайтамиз, чунки унинг бу соҳадаги хизмати энг буюк хизматларидан эди.

Б. А. Пестовский 1922 йилдаги «Инқилоб» журнали саҳифаларида эълон қилган «Ўзбек театри тарихи» мақоласида унинг майдонга келиш тарихи ҳақида фикр юритар экан, «Ўзбек театрининг асосини қўйиб берувчи Самарқандлик Маҳмудхўжа Беҳбудийдир» деб ёзади. Таниқли археолог Вяткиннинг далолатига суяниб, «Падаркуш»ни ёзишда Фонвизиннинг «Фаҳмсиз» («Недоросль») идан таъсирланганини қайд этади. Адиб номида Тошкентда маориф клуби, Самарқандда кутубхона ва

драмтруппа, Туркистоннинг деярлик ҳамма шахарларида унинг номига очилган мактаблар, Бухорода эса марказий босмахона борлигини таъкидлайди.

1929 йилда Қозонда босилиб чиққан «Ўзбек адабиёти» китобида эса «Ўзбек миллий адабиётининг негиз тошини Бехбудий билан Фитрат қўйиб берди» (8-бет) деган эътирофга дуч келамиз.

Асримиз бошидаги 25 йилча даврнинг Бехбудийни химоя қилувчи айрим далиллари — шулар.

Биз юқорида Бехбудий ва унинг ижод йўли билан боғлиқ айрим далилларни келтиришга ҳаракат қилдик. Қўпда уларни шарҳлашга, баҳолашга шошмадик. Негаки, узоқ йиллар ижтимоий-адабий ҳодисалар муайян қолиплар билан изоҳланиб келинди. Бунинг оқибати эса қандай тугагани маълум.

Бехбудий 1919 йилнинг 25 мартида шаҳид бўлди. У ҳақдаги бу кичик сўзни «Ўзбек Совет энциклопедияси»да келтирилган адибнинг катл олдидаги васиятномасидан қуйидаги бир парча билан якунлашни истардик:

«Биз ўз қисматимизни биламиз, аммо бечора халқимизга ўз ҳаётимизда нима қилишимиз мумкин бўлса, шуни қилганимизни ҳис этиш билан фахрланганимиздан ўлимни хотиржам кутмоқдамиз... агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқнинг бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз...

Мумкин қадар кўпроқ яхши мактаблар очиш, шунингдек маориф ва халқ саодатини таъминлаш соҳасида тинмай ишлаш бизга энг яхши ҳайкал бўлади».

ШОИР ХОТИРАСИНИ ИЗЛАБ

(Сиддики-Ажзий таваллудининг 125 йиллигига)

XX съезддан кейинги, жамият баданига хиёл илиқлик югурган йиллар. Биз, ТошДУнинг филология факультетида ўқиётган бир гуруҳ талабалар диплом ишлари олиш учун ўзбек адабиёти кафедрасига мурожаат қилдик.

Кафедрани таниқли адабиётшунос Ғулом Каримов бошқарарди. Ўқитувчилардан Озод Шарафиддинов, Лазиз Ҷаюмов, Матёқуб Қўшжонов номлари маълум ва машҳур эди. Улар бизга ҳали ишланмаган илмий мавзуларни таклиф этишди. Диплом мавзулари бир пасда тала-тала бўлиб кетди. Менга «Сиддикининг адабий мероси» тегди. Билмайман. Эшитмаганман.

Домлаларга мурожаат қилдим. Ғулом Каримовга йўллашди. Рўпара бўлдим. Домла бош-оёғимга синчиклаб разм солди.

— Самарқандлик шоир, маърифатчи. Бизда ўрганлмаган. Ўргансангиз, қизиқ материаллар чиқиши мумкин. Лекин, тили, услуби жуда оғир. Дарвоқеъ, эски имлони биласизми? Форсчага қандайсиз?

XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошига доир бир қатор китобларни кўздан кечирдим, кани энди лоақал номи учраса. Йўқ. Ҳафсалам пир бўлди. Қизиқиш хаво-

тирга айлана бошлади. Ногаҳон Фаттоев деган кишининг ўша йиллари рус тилида босилиб чиққан «Самарқанднинг таниқли педагоглари» китобига кўзим тушиб қолди. Унинг шеърларини, асосан, «Ажзий» тахаллуси билан ёзгани, ўзбекча асарлари билан бир қаторда тожикча ҳам шеър ва дostonлари борлиги маълум бўлди. З. Ш. Ражабов, И. С. Брагинский, А. М. Бахоуддинов каби тожик олимларининг тадқиқотларидан шоирнинг ҳаёти ва ижодига доир талай маълумотлар, фикр-мулоҳазалар аниқланди. Ниҳоят, ўша 1962 йил Тошкентда душанбелик Р. Аслонов «Сиддикийнинг дунёкараши» мавзуида фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёклади.

Ўзимизда ҳам айрим мақолалар пайдо бўла бошлади. Номи гоҳо Ҳамза атрофидаги қаламкашлар рўйхатига қўшиладиган бўлди. 1973 йилда Фафур Фулом нашриётида ихчамгина бир шеърый тўплами чиқди. Матбуотда икки хил баҳо ўртага тушди: Биринчиси, жадид — миллатчи. Иккинчиси, тараққийпарвар — маърифатчи. Жамиятимиз иқтисодий-маънавий турғунлик ботқоғига чўккан сайин Сиддикий ҳақидаги гап-сўзлар ҳам сўниб борди. Ва сўнг у деярли эсдан чиқди...

Яқинда, кўкламда шоир умрининг қатта қисми ўтган Самарқанд теграсидаги Ҳалвойи қишлоғига боришга аҳд қилдим. Шоирнинг киндик қони тўкилган, вояга етказиб, шуҳратини узоқ-узоқларга ёйган шундай жойни бир зиёрат қилишга иштиёким баланд эди. Мақсадимни ўша ёқлик ҳамкасаба дўстим Абдуғани акага айтганимда, унга маъқул тушди.

Апрелнинг охириларида Самарқандга қараб йўл олдик. Кўклам камёмғир келганлигидан ўт-ўланлар ерга ёпишганча турибди. Қирларнинг кунгай бағирлари жизғанак.

Зарафшон кўпригига етмасдан машина ўнгга бу-

рилди. Бир вақтлар Миёнкол деб номланган воҳага кирдик. Бобур «Бобурнома»сида Миёнколни, унинг қўргонини икки жойда тилга олган эди. Отам раҳматлик асримизнинг 10-йилларида Қашқадарё этагида жойлашган Қасби теграсидан бу ерга туякашлик қилиб жуда қўп келганлар. Бу ернинг қовуни таърифи дер эдилар.

Лекин нега Миёнкол? Ё Миёнқўлмикин?

Зарафшон Чўпонота мавзеида Окдарё ва Қорада-рёга бўлиниб, 130 чакиримча нарида Хатирчида бирлашган, шундан, эҳтимол, Миёнқўл (Ўртақўл) бўлса. Кейин Ўртабўз деган жойимиз ҳам бор. Ҳозир шуни устидан ўтамыз,— фикр беради Абдуғани ака.

Окдарё куриб, изи қолибди ва бир туманга номи. Дарё ўзанидан ўтиб, қишлоққа буриламиз. Устидан асфальт тушган эски дарё ўзанидан бормоқдамиз. Ўнг-да асфальт заводи, корхона иморатлари. Орқа тарафда қишлоқлар узилмайди. Чап томон — Окдарё тумани-нинг Энгельс колхози, ўнг — ўша биз излаб келаётган Ҳалвойи. Ҳозирда Жомбой тумани Жданов колхози.

Дарё ўзанидан ўтиб, чапга буриламиз. Қишлоқ-нинг номи Бошдархон. Умуман, бу ерда «дархон»лар қўп. Тошлок-дархон, Ошкади-дархон, Қирк-дархон, Жўрабой-дархон, Найман-дархон, Озод-дархон...

— Асли биз Зоминдан эканмиз,— дейди кекса маорифчи, Ватан уруши қатнашчиси Эрмамат ака.— Нима бўладию, чигиртками, вабо-ўлатми сабаб бўлиб, халқимиз Самарқандга келиб қолади. Ҳозир ҳам Самарқанд-да Зоминлигузар бор. Ўшандан қолган. Хуллас, мана шу кишилар Бухоро амири Насруллохонга совға-салом-ни куюқ қилиб мурожаат этадилар. Амир уларга шу жойларни инъом этади. Бу жойлар тошлок, бир қисми камишзор, тўқайзор бўлиб, Самарқанд аҳлининг ёзлик, шикоргох ерлари ҳисобланган.

«Дархон»нинг маъноси «озод», «имтиёзли» эканлигини кўзда тутсак, тахминда жон бордек.

Эрмамат акани олиб тушдан кейин Ҳалвойига ўтдик.

Бир вақтлардаги шошқин Оқдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бу қишлоқ қадим қишлоқлардан. Маҳаллий халқ уни Хўжа Ҳилвойи деган кишининг номи билан боғлайди.

— У бизнинг «дархон»лар Оқдарёнинг ўзанига тушган сув билан силжиб кетаверган, Ҳалвойи — Оқдарёнинг собит қишлоғи, қачонлардир Чўпонота билан туташ бўлган.

Эрмамат ака ҳар бир гапини салмоқлаб гапиради.

Ҳар манзилнинг тарихи қабристондан бошланади. Одатда у жуда кам ўзгаради. Маросимлардан ҳам жуда секин янгиланадигани аза маросимлари бўлса керак. Сабаблари маълум. Шунга кўра улар ўз бағрида энг кўҳна удумларини сақлаб келадилар. Бирок Ҳалвойи қабристониди эски мақбаралар, тошлар йўқ. Кекса азим чинорларгина бу жойларнинг қадим манзилгоҳлардан эканлигига гувоҳлик бериб турибди. Ажаб замонлар, ажаб одамлар бўлган экан-да. 40-йилларда қолхозда раис бўлган Яхшибой Ботиров деган киши қабристондаги кўҳна сариқ мармар — тошларни тердириб, чойхонага келтирган, сўнг эса у... қурилишларда ишлатилиб кетган экан. Қичкина бир қишлоқ қабристониди тошларни айтамыз, Мирзо Улуғбекнинг жаҳоншумул расадхонасидаги олтиндан қиммат секстантнинг тепа ярми ўша атроф-уйларнинг пойдеворида эканлиги илгарироқ матбуотда ёзилганмасмиди?!

Сиддикийга қайтайлик.

«Бизнинг текширадиганимиз самарқандли шоиримиз Ажзийдир. Исмои Саидахмадхўжа, унвони Сиддикийдир. Ўзининг асосий касби бўлиш эътибори ила

ҳозир ҳам Самарканд теграсида Ҳалвойи кишлоғида деҳқончилик билан машғулдир»¹,— деб ёзган эди у ҳақда 1924 йилда Вадуд Маҳмуд. «1864 йилда Самаркандда туғилди. Отаси Туркистонлидир. Амир Абусайд замонида Самаркандга кўчиб келмишдир»²,— деб маълум қилган эди 1928 йилда Турсункул.

Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Сиддикийни яхши билганлар. Биринчиси шоирнинг ҳаётлик пайтида (у 1927 йилда вафот этган) чоп этилган. 20-йилларнинг зукко зиёлиларидан бўлган Вадуд Маҳмуднинг исми адабиётимиз тарихи билан шуғулланувчиларга бир қадар таниш. У Маҳмудхўжа Бехбудийнинг машхур «Васият»ида «фарзанд» каторида тилга олинади. Бирок В. Маҳмуд билан шахсан мулоқотда бўлган адабиётшунос Солиҳ Қосимовнинг гувоҳлик беришича, унинг Бехбудийга даҳли йўқ. У Садриддин Айнийнинг қайноғаси — хотинининг акаси. 37-йилда камалиб, 56-йилдан кейин оқланган. Ўзбекистонга «сиғмасдан» Душанбега кетган. Айнийлар уйида яшаган. Бундан ўн йилча олдин вафот этган. Умрининг охирида 2 жилдлик «Фарҳанги забони тожик»да тузувчилардан бири сифатида иштирок этгани маълум.

Унинг Сиддикий ҳақидаги «Турк шоири Ажзий» номли мазкур мақоласи 20-йиллар адабий танқидининг ёрқин намуналаридан. «Турсункул» имзоси билан босилган мақоланинг муаллифи эса 20-йилнинг фаолларидан Раҳим Ҳошим эди.

Саидахмаднинг 5-7 ёшлигида отаси Ҳасанхўжа вафот этган, дастлаб бобоси Алихўжа қўлида, сўнгрок

¹ Вадуд Маҳмуд, Турк шоири Ажзий, «Инқилоб» ж., 1924 й., 12-сон.

² Турсункул, Сиддикий тўғрисида мулоҳазалар, «Маориф ва ўқитувчи»ж., 1928 й., 3-сон.

уста Абдулқайюм эшигида етимликда катта бўлгани маълум. Бўлажак шоир янгасида савод чиқарди. Мадрасага қатнаб «Шарҳи мулло»гача ўқишга муваффақ бўлди. Лекин асосий сабоқни ҳаётдан олди. Билимни кўпроқ мустақил эгаллади. Замондошлари унинг ўқувқобилятини алоҳида таъкидлайдилар.

Вадуд Маҳмуд ёзади:

«Буюк бир истеъдодга эга бўлгонидан кўп санъатларнинг устосидур. Бошлаб Сиддикий яхши бир техникдур. Соат ва мошиналарни тузатмоқ ишига моҳирдур. Яхши тўқувчи ва тикувчидур. Кўп йиллар бу санъат ила яшағондур. Яхши овчидур, мусиқи билан ҳам анча шуғуллангандур. Ўз тилидан бошқа араб, форс, рус тилларини биладур. Форсча шеърлари форс адабиёти билан яхши тониш эканига шохиддур. Араб ва рус адабиётлари билан ҳам анча ошинодур».

Турсункул мақоласида ўқиймиз:

«Ўз фитрат-истеъдоди билан русча ўқиш кераклигини сезиб, русча савод чиқаради. Бир муддат Бухорода яшайди. Бухороли ўртокларининг ташвиқлари билан шоирликка ҳавас пайдо қилади ва шеър ёза бошлайди. Фикрида ўзгариш бўлгондан кейин бундай шеърларини куйдиргани маълумдир».

Дарҳақиқат, Бухоролик Неъматулла Муҳтарамнинг XIX аср адабиётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланган «Тазкиратуш шуаро» сига шоир Ажзий ҳам киритилган.

Муаллиф у ҳақида шундай ёзади:

«Ажзий таҳаллуси заковатпаноҳ, фатонатогоҳ, таржумони жаройид, хушманди, пурдон, мақосид, хирадмандий Ҳожи Саидахмадхўжа Самарқанди астқи, ниҳоли табъашро Самарқанд мукаррар аст. Асмойи аном аз таътир ашъораш муаттар. Мушорунилайҳ дар аксар ҳунареки аҳли асрро баҳри як аз он ифтихораст, ў бар

хақойиқ он камо-янбағи вуқуф дорад, мисли онки, дар соатсози якто, дар хиёти беҳамто ва дар аснофул лисониhi ва истилоҳоти ориф ва дар жузъиёти фухум ва синоати вокиф ва жузъи хубу хатти марғуб ва таъби баланд услуб дорад. Уро бо наср фузалои дорулфохирати ва Самарқанди карим ихтилотихо ва дар муховиратан эшони нек абно тайҳост. Ин ашъорки, нақли маҳофил фузалост аз он соҳиб таъъ расост».

(«Ажзий, заковат эгаси, фаҳму идроклилар сараси, хушмандлиғ равишининг ифодачиси, хирадмандлик истакларининг билимдони Ҳожи Саидахмадхўжа Самарқандийнинг таҳаллусидирким, (ул зот) таъби дарахтининг меваси (ҳамиша)) қанддек тотлиғ эрур ҳамда одамлар димоғи(анинг) шеърлари атридан (доимо) муаттардир. (Мазкур мавлононинг) замондошлари агар биронтасига эга бўла олсалар, ифтихор қилишлари мумкин бўлгувчи (турли хил баракатли) касбу ҳунарларнинг кўпчилиги сирларидан хабарлорлиги бор. (Шундай санъатлардан бўлмиш) соатсозликда ягона, тикувчиликда тенгсиз, тил мусаннифи ва истилоҳотда ориф, жузъий илмлар ва синоатдан вокиф, яхши хулқлик, ёқимли хатлик ва юқори йўсинли таъълик кишидир. Ул зот шаҳарлар фаҳри (Бухоро) ва улуғ Самарқанд фозилларидан кўпи билан илик, мулоқотга ва улар суҳбатида яхшигина ҳурматга эга).

Неъматилла Муҳтарам ўз тазкирасида Сиддикийнинг ишқий мавзудаги иккита форсий шеърини келтирган.

Бирининг матлаи:

Ғалтида бир ораз зи по зулфат чу паҳлу мезанад,
Ҳар дам ба жони ошиқон сад ханжар он мў мезанад.
(Юзинг узра чўк тушган сочинг марди майдон талаб қилади ва ҳар лаҳза ошиқлар кўксига юз бор ханжар уради).

Иккинчиси:

Раво мадорки, рўят набинаму мирам,
Мапўш чехра зи ман то ду бўсай гирам.
(Раво кўрмагил, сочинг кўрмайин ўлмоғим,
Елма юзинг, шартлир икки ўпич олмоғим),

Ўзбекча ишқий шеърлари сақланмаган.

Сиддикий 90-йилларнинг охирларида Маккага сафарга отланади. 1900 йилда Русиянинг Жаддадаги элчихонасида таржимонлик ҳам қилгани маълум. Тифлисда Жалил Мамадқулизода, Алиакбар Тойирзода (Собир) билан танишади.

Шоир 1901 йилда она юртига қайтади ва янги усулдаги мактаб очади...

Тадқиқотчи Турсунқул 1928 йилда мазкур мактабни «бу кун Самарқанд туманида энг мунтазам мактаб биноларидан» деган ва Сиддикийнинг кейинги пайтларгача шу ерда «мудир ва муаллим» бўлиб турганлигини айтган эди...

«Халвойи мактаби»нинг бу «мунтазам биноси» 86 йилдан буён турганмикин?

Ўша ёққа шошиламиз.

Ўзокдан дарахтлар ортида бир-бирига туташиб кетган иморатлар оқариб кўринади. Оддий кишлоқ мактаби. Яқинлашганингизда бошқаларидан узилиб турган рангсиз ғиштин бино қад кўрсатади. Олди кунчиқарга қараган. Ҳам содда, ҳам пухта. Ҳам вазмин, ҳам салобатли. Сўнгроқ қурилган бинонинг қуйисида. Икки хоналик. Ҳар бирига қирқтача ўқувчи сиғади. Поли, шифти бор. Голланд печкалари. Соф рус-европа услубида. Бинонинг жанубида ғишдан гизак-кунгура чиқарилиб 1903 санаси ёзиб қўйилган. Ҳозир ҳам у 19-сон ўрта

мактабнинг ўқув хоналаридан. (Бири ҳарбий синф хонаси, иккинчисида ўқув анжомлари сақланыпти).

Қишлоқ оқсоқолларидан Қаландар ака Юнусов хикоя қиладилар:

— 1918 йилда туғилганман, 1942—47 йилларда... У пайтлари Молотов колхози эди — шу ерда раислик ҳам қилдим. Селсовет бўлдим. Инкилобгача эмас, 30-йилларгача ҳам бу мактаб шу яқин атроф қишлоқлардаги бирдан-бир ўқув даргоҳи эди.

Мен ҳам шу ерда ўқиганман. Домла Сиддикийнинг ўзларида савод чиқарганман. Қичкина жуссали, қотмадан келган, абжир киши эдилар. Тиллари сал чучуқроқмиди. Еш бўлганман, бошқа нарса эслолмайман. Лекин шуни биламанки, у кишини ҳурмат қилмаган киши йўқ эди. Уйлари мактабга яқин эди, ҳозирги Малик бобонинг, Мулла Ражаб бобонинг ўғиллари Мулла Шарафбойларнинг уйлари ўрнида...

Гапни мактабга бураман.

— Бу мактабнинг қурилиши ҳам бир тарих,— завқ билан давом этади Қаландар ака.— Куропаткин дегани ўтган экан, губир (губернатор) ҳам бўлган экан. Ўша десангиз, бир йўли тушиб, айланиб Самарқандга келиб қолибди. Самарқанддаги шотирлар бу обрўли генералнинг кўнглини овламоқчи бўлишиб, овга бошлабдилар. Овнинг макони эса Окдарёнинг тўқайи. Тустовукдан ёввойи чўчкагача бор. Қишлоғимиздаги одамларнинг ҳар иккитасидан бири овчи, мерган. Ҳатто тирикчилиги шундан. Дарвоқеъ, домланинг ўзлари ҳам яхшигина овчи бўлганлар. Хуллас, Очил мерган деганимиз денг. Куропаткига бир тўнғиз отиб келади. Қизиқичликка тортиб кўрадилар, 18 пуд чиқади!

Эриб кетган генерал Очил мерганга қараб:— Тила, тилагингни!»— деб юборибди.

— Мактаб дегин, мактаб!— шивирлабди дўстининг кулоғига Сиддикий.

Очил мерган ўзини босиб олибди-да:

— Бир мактаб очиб берсангиз бизга, бу бир менинг эмас, бутун қишлоқнинг тилаги,— дебди.

— Хўп, шундай бўла қолсин,— жавоб қилибди генерал.

Шу тариқа мактабга рухсат тегибди. Тезликда хумдонлар казилиб, ишга тушибди. Бор от-уловлар Самарқандга керакли асбоб-ускунага юборилибди. Жуда қисқа муддатда оловдек кип-қизил гиштин иморат кад кўтарибди.

— Самарқанд, шу ердан кесиб чиқилса, роппароса ўн чақиримлик йўл, гапга аралашади Эрмамат ақа. Илгари йўл тўғри эди, шундай Чўпон отанинг пастидан чиқарди. Ҳозир айланиб 14-15 километр бўлиб қолган. Қичкиналигимизда яёв бориб келардик. Оби Раҳматдан сув ичсак, етганимиз эди.

Ургут яқинидаги шаффоф булоқлардан Самарқандга сув олиб келувчи, Боғи Баланд билан, Боғи Майдонни оралаб ўтиб Қорадарёга қуйиладиган бу машҳур анҳор не-не воқеаларни кўрмаган. Буюк Улуғбекнинг «зеби жаҳон» (Навоий) расади ҳам шунинг ёқасида эди.

Шоирнинг сатрлари эсга тушади:

Сўйлай сана бир намуна хужжат,
Вор шахринга наҳри Оби Раҳмат.
Машҳури шаҳи замон Улуғбек,
Илму фана таржумон Улуғбек.
У наҳри канорин этди марсад...

Тўпланганлардан бири қўлини пахса қилганча гапира кетди:

— У Сиддикийнинг замонида Оби Раҳмат эди, хо-

зир ичиш у ёкда турсин, кўлингизни тикқани ҳазар
киласиз. Оби Раҳмат эмас, Оби Мағзава!

Бир лаҳза чалғийсиз. Сўнг яна хаёл шоир достони-
даги сатрларга уланади:

Боғ ичра зилол аригда жорий,
Гуллар-ла дўлу ариғ канори.
Гулларда чекуб наво-ла булбул,
Сан ўйлаки, нағмасоз ўлуб гул...
Фаввора-ла су(в) дўкуб Регистон,
Фавворайи теграсинда бўстон.
Бўстон ила мадраса ароси,
Йўл ўлмишу на гўзал ҳавоси.
Фавворая су(в) веруб Зарафшон,
Бўстон(н)и эдарди гавҳар афшон...
Атрофини чашман сафойи,
Кавсар суйи янгли босафойи.
Маҳсур эдуб Ҳисори тошидин,
Дуфроға у су(в) кетарди бошдин.
У майл ила ҳар она бориб су(в),
Исми каби ташналарга дору.

Булар орзу эди, албатта. Шунга карамасдан Оби
Раҳматнинг бундан 90 йил бурун, мазкур асар ёзилган
пайтда шакардек ширин бўлганига шубҳа йўқ.

Яна гап мактабга келиб такалади.

— Бу мактаб шу атрофдаги йигирмага якин қиш-
локқа маърифатхона бўлиб хизмат қилди. Бу бино сўнг-
ги 86 йиллик тарихимизнинг тилсиз гувоҳи. Эҳе, бу бино
нималарни кўрмади, кимларни кўрмади?

Қаландар ака ҳикоясини ҳаяжон билан давом этти-
ради. Менинг хаёлимга эса 1914 йил эсга тушади. Аслида
бу гап илгарироқ, мактаб очилиши билан бошланган эди.

Самарқандда дув-дув гап тарқалди. «Ҳалвойида
ўрис мактаб очилганмиш...»

Туркистоннинг турли-туман жойларидан бу мактабни кўргани кела бошладилар. Еруғ, баҳаво хона. Бўйра ўрнидаги парталар, дарсларнинг муайян тартиб-дастур билан олиб борилиши, умумий, миллий жуғрофия, тарих, ҳисоб, хандаса, табиёт ўқитилиши, харита, курран арз (глобус) каби кўргазмали куруллардан кенг фойдаланиш кўпчиликни ҳайратга солди. Энг қизиғи, дарсларнинг асосий қисми рус тилини ўрганишга қаратилган, муллавакчалар орасида руслар ҳам бўлиб, улар ўзбеклар ва тожиклар билан ёнма-ён ўтириб таҳсил олишади.

(Самарқанд медицина институтининг профессори таникли олим, марҳум Г. Н. Александров Сиддикийнинг Ҳалвойидаги мактабидан чиққанини бундан 20 йилча муқаддам «Тошкент окшоми» саҳифаларида ифтихор ва миннатдорлик билан ёзган эди).

Бундай мактабнинг дўстлари билан бирга душманлари ҳам кўпайиб борди. Шоир шаънига баланд-паст гап оралади. Асарларига Туркистонда йўл бекилди. Сиддикий «Анжумани арвоҳ» («Рухлар йиғини»), «Миръоти ибрат» («Ибрат ойнаси») ни дўстлари кўмагида Тифлисида бостирди. «Миръоти ибрат»нинг ўзбекчасини Самарқандда 1914 йилдагина бостиришга муваффақ бўлди.

«Анжумани арвоҳ»да осмондан икки киши шохлик либосида тушиб келадилар ва ўз тилларида ўзларини фош этадилар. Улар Бухоронинг марҳум амирлар Музаффархон ва Абдулаҳадхон эдилар.

«Миръоти ибрат»да эса шоир ҳаёлий мамлакатларга сафар қилади. Ўз орзусидаги Самарқандни қизиқ беради. У озод, обод, фаровон, илм-фан самараларидан музайян эди. Унда ҳатто шунчаки телевидение эмас, биз бугун, 70-80 йилдан кейин гувоҳ бўлиб турган воқеалар ҳақида гап борарди:

У ерда ўлуб аён Самарқанд,
Қўнглум бу ўюндан ўлди хурсанд.
Дошдан ҳама ер иморат ўлмиш,
Бингларча трамвў-афтомобил,
Ҳар ерда электр ила қандил...
Ойинайи барқ ила тилифўн,
Сўйлашмақа ҳар ким у биричун.
Манзур эди кўзгуда мухотаб,
Ҳар ким тилифўна айласа габ...

Асарнинг «Хотима»сида эса шоир асл мақсадини шундай ифода қилган эди.

Дўрт иш бана бундан эрди мақсуд,
Бундан ўла халқа бахти масъуд.
Илми ала олмоқ ва фунунни,
Давлатни, лисонни ва закунни.
Ҳар қавм булардин ўлдим маҳрум,
Истикболи ҳолидин ўлур гум.

Илм-фан, давлат, тил, қонун — буларсиз ҳеч бир миллатнинг истикболи йўқ. Бу тўрт нарсани қўлга киритмаган миллат ҳалокатга маҳкумдир.

У халқлар дўстлигини, ўзаро ҳамкорликни қуйлаган эди. Ҳар бир халқнинг тилини билиш унинг дилига йўл очади, деб ҳисоблади.

«Ҳар қочки лисони чўқ билурсан,
Дунёда азизроқ ўлурсан», — деб ёзади Ажзий.

Ўзбек ва тожик тилларини ўз она тили ҳисоблаган шоир араб, рус тилларини мукамал эгаллаган, бирида шеър ёза олиш, иккинчисида малакали таржима қила олиш (Н. В. Гоголнинг «Шинель» повестини ўзбекчалаштирган) даражасига кўтарилган эди.

Булар кимларгадир ёқмади. Миллатнинг равнақига қарши кучлар жуда кучли эди.

«Туркистон вилоятининг газети»дан:

«3 январь жумъа 1914 йил Улуғбек мадрасаси ичидаги жомеъда 5-6 минг мусулмония ҳузурида муаззин тарафидан жадидчиларни ва русча ўқитмоққа тарғиб қиладургонларни кофирлиги ва ҳар ким боласини усули жадидга берса, ўзи кофир, хотини талоқ бўлишини форсий тил ила узун ва баланд бир нутқ ила халойиққа билдирибдур ва ҳам аларни кофир, ўрус ва ҳамда кофир ва ўрус қилғувчи деб эълон қилибдур».

Гап асосан, Ҳалвойидаги Сиддикий-Ажзий мактаби билан Ражабаминдаги Абдулқодир Шакурый мактаблари ҳақида кетган эди.

Сиддикий Ражабаминнинг имоми шахрисабзлик Абдулқажумнинг муаллим Абдулқодирга дашномларини эшитган эди. Шаҳардан арава ёллаб парта келтираётганида, такаббур ҳамҳишлоқларидан бири, «Мулла, энди уйингизга бир бутхона ҳам солинг!» дегани эсида. Чидаш керак. Бошқа йўл йўқ. Маърифат қурбонликлар талаб қилади.

Беҳбудийнинг «Ойина» журнали Сиддикийга ўзини ҳимоя қилиш учун минбар берди.

Аз ҳақгўйи забон кашидан куфр аст,
То жон дорам, каломи Ҳақ мехонам».

(Ҳақиқатни сўзлаш куфр бўладиган бўлса, токи жоним бор экан, ҳақ сўзни айтаман) деган сатрлар бор эди унинг такфир қилувчиларга қарата жавобида. Жалил Мамадқулизодаининг бутун мусулмон Шарқида маълум ва машҳур «Мулла Насриддин»ида босилган иккинчи бир шеърида эса камоли истехзо билан:

Ҳақ сўйлаян инсонлари такфир(кофир) эдажаклар,

Имонли мусулмонларинга шукр, худоё!

— деган эди.

Уни кўллаб чиққан мақолалар-чи?! Айниқса, тошкентлик Мирмуҳсин Шермухамедов жасорат кўрсатди. Унинг «Туркистон вилоятининг газети»да 1914 йилнинг бошларида босилиб чиққан мақоласи «Афандим самарқандликлар!... деб бошланарди,— Бугун беҳамиятлиғингиз майдони жаҳолатда мубориз талаб қилур. Йўқ эса, бир зўрғина жамият орасида бир хоини миллати исломга ҳақорат забонин тебратуб, отиға мағойир нутқлар сўзлаб, сизларнинг номусингизни хоки мазаллатға кўшибдур. Бечоралар, олти минг чамасида экансизлар, орангизда биргина диёнатпарвар чикиб, ул хоини бадбахтга муқобил ўлуб, бир сўз ҳам демасдин, ўз хоҳишингизча ул мажмуа орасидин таралуб чиқғонингиз миллати исломга ҳақорат эмасму?! Муҳтарам «Ойина»фурушларимиз миллат теразасин тузатмоқ бўлғонларида тарақа-туруқлари Сурайёдин-да юқорида кўринур эрди»...

Шубҳа йўқ, бу даргоҳ фақат ҳарф танитадиган эмас, ҳуқуқ танитадиган ҳам жой бўлган. 1916 йилда Самарқандни ларзага солган Дахбед кўзғолонининг жуда кўп қатнашчилари Сиддикийда ўқиганлар, дейишга асос бор. Аввало, Дахбед бу ердан бор-йўғи 10 чақиримча. Бу атрофдаги энг машхур мактаб Ҳалвойида эди. Иккинчидан, унинг муаллими Самарқанду Бухородагина эмас, бутун Туркистонда, балки Тифлису Бокуда ҳам таниқли, эрксевар шеърлари билан тилга тушган шоир эди.

У миллий уйғониш даврининг барча шоирлари сингари кенг оммани маърифатга бошлаш, ҳақ-ҳуқуқини англатишни адабиётнинг бош мавзуи деб билди. Уни ўз

аҳволини англашга, жаҳон билан баробар яшамоққа чақирди.

Шеърларида Ватандан, унинг даҳшатли фожиаларидан сўз очди. Замондошлари орасида биринчилардан бўлиб, унинг бўғзида турган «яди бедод» (зулм дасти)ни ўз оти билан айтди:

Яди бедоди яғмодин на ўлмиш, эй ватан, ҳолинг,
Асири фитнаву қайди ғам ўлди ақлу фаолинг.

Юзунг қарсу камар рухсори янглиғ чок-чок ўлмиш,
Қаму бахти қаролар, тийра диллар этди помолинг.

У алвон чечакларда ўзга маъно топди, уларда кипкизил кон кўрди. Қирмиз япроқларни «хуни ноҳақ» рангидан қизарган «ҳоки ватан» деб айтди:

Кўранда лола яфроғин гумон этмак чамандур бу,
Лисони ҳол ҳарифи дарси ибрат анжумандур бу.
Шаҳиди ханжари ишки ватанлар лахта қонидин,
Кўрунмиш пардан номус илан хунин кафандур бу.
Бу гулшан саҳнида гул яфроғи ранги гумон этманг,
Қизармиш хуни ноҳақ рангидин ҳоки ватандур бу.

Ўқсиз, хароб ватанни ислоҳ қилиш дарди билан яшайди:

Ватан харобасин ислоҳина интизоридаям,
Бу интизорима бир интизордир боис.

Бунинг учун бирлашиш керак, шунчаки кўр-кўрона эмас, маслак, эътиқод асосидаги чинакам иттифок, бирлик лозим деб билди:

Маризи иттиҳодам, анжуман базми табибимдур,
Банинг шўро шароби боиси дафъи хуморимдур.

Тахмин қилиш мумкинки, бундай фикр-туйғулар 1916 йилги мардикорлик воқеалари билан кўзғалган

«юрт эрлари» (Нозимахоним) учун маънавий-рухий омиллاردан бўлган эди.

Шу маънода шоир «исёнкор шеърияти»нинг Даҳ-бедгина эмас, машхур Жиззах кўзғолони билан ҳам маълум боғланиши бор.

Бежиз эмас, у 1916-17 йилларда Туркистонли зиёлилар орасида биринчилардан бўлиб. Биринчи Жаҳон урушининг ғайриинсоний эканлигини кўрсатиб берган, чор ҳукуматининг, сўнг эса Муваккат ҳукуматнинг урушпарастлик сиёсатини фош этган эди. Шоирнинг 1917 йил «Хуррият» газетасида босилиб чиққан «Тааж-жуб сўз», «Йўл бўлсин, қаерга борамиз?!» каби мақола-ларини ўқисангиз, унинг тийрак фикридан хайратга тушмай иложингиз йўқ.

У 1917 йилга жуда катта умид билан қаради.

Зулм кўрган кунларинг энди фаромуш ўлғуси,
Зулм ўти оби адолат бирла хомуш ўлғуси,
Барчага илму маориф шарбати нўш ўлғуси,
Бою муллолар бари энди кафанпўш ўлғуси,—

деб ёзади. Бироқ кўп ўтмай, алданганини сезади. Ўша давр матбуотида, хусусан «Машраб» журна-лида босилган ҳажвияларида уни пайкамай қолмай-сиз.

Сиддикий 1919 йилда Самарканд вилоят адлия бўлими мудирининг ўринбосари, кейинроқ эса бўлим мудир бўлиб ишлади.

1922 йилда яна асл касби муаллимликка қайтди...

Сиддикийнинг 24 йиллик ҳаётига гувоҳ бўлган би-нога тикиламан.

— Икки марта ремонт бўлган холос,— ҳаёлимдаги фикримни уккандек,— гап ташлайди Қаландар ака,— 1936 йилда ва урушдан кейин. Биринчисида Охунбобо-евнинг шахсан ўзи тунука юборган. Иккала ремонтда

ҳам шипига тегмаганмиз. Бир марта поли ўзгартирилган. Қолгани — ўша-ўша.

Тушдан кейин Сиддикийнинг ҳовли-жойини изладик. Ҳозир у ерда Шарофбой акалар туришар экан. Ёўлакдан уйга бурилар эканмиз, сўрида эски китобга энгашган кўзойнакли кекса кампир диққатимизни тортди. Салом бердик. Пайкамади. Шарофбой ака рўпараларига ўтиб имо қилди. Кампирнинг кўзи бизга тушди-ю, ўнғайсизланиб, ўрнидан кўзғалгандай бўлди.

— Онамиз бўладилар. 90 дан ошдилар. Домлани яхши билар эдилар. Афсуски, қулоклари оғиррок.

— Сиддикий домлани суриштириб келишибди, Сиддикий домлани! Тошкентдан келишган.

Кампир бир бизга, бир ўғилларига қаради. Сўнг Муаззамхон ая(исмларини кейин билдик) ичдан тўлиб келган нафасни бирдан бўшатишга урингандай:

— Валий эдилар,— деб юборди.— Хушсурат, хушқомат, пурҳикмат...

Шарофбой ака 1923 йилда, Сиддикий вафотидан бир йил кейин туғилган.

Сиддикий домланинг номини эски авлод жуда баланд тутади,— дейди Шарофбой ака,— Ота-онамиз биз турган жойда бир вақтлар домланинг оилалари истиқомат қилишганини кўп айтардилар. У жойлар ҳозир бузилиб кетган. Домланинг рафиқалари номи ҳам Муаззамхон бўлган экан. Ҳақимхон ва Қосимхон деган ўғиллари бўларди. Ҳақимхонни яхши танирдим, йиллари сичқон эди, урушда бедарак кетдилар. Кичиги Қосимхон 11-12 ёшларида ўлган. Самарқандда ҳам бир аёллари бўлган. Рассом ўғиллари Аъзамхон ўшандан туғилган.

Ҳозир ҳалвойилик хотинларининг уруғлари кишлоғимизда бор.

— Мен домлани кўрган эмасман, албатта. Лекин

уйда у кишининг гаплари кўп бўларди. Бобом Фахриддин билан жуда калин жўра эканлар.

— Кейин, биласизми, нима учун «Ажзий» тахаллусини танлаганлар. Бобом раҳматлик шу воқеани кўп айтар эканлар. Домланинг ота-оналари ота манзил Туркистонга зиёратга борганларида Туркистонни ўрис босади. Зиёратчилар маслаҳатни бир ерга қўядилар-да, «куббати ислом» Бухорони қора қилиб йўлга тушадилар. Қўчиш, тўда бўлиб юриш тақиқланган. Ҳамма ёқда айғокчи. Тунда яширинча юриш мумкин ҳолос. Қундузи йўл аро овул-қишлоқларга аралашиб жон сакласа бўлади. Бироқ кечалар хавотирга тўла. Чилласи чиқиб-чиқмаган Саидахмад йўлда уриниб, касалликка чалинади. Таббийки, касал бола йиғлайди. Бундай ҳолда юриб бўлмайди. Бутун бир гуруҳнинг қўлга тушиши ҳечгапмас. Юрмасликнинг ҳам иложи йўқ. Она сўнгги чорани қўллашга мажбур бўлади. Тунлари йиғи зўрайганда чакалоқнинг оғзини тўсиб боради. Шу ҳолда яқин 2 ой йўл юриб Самарқандга етиб келадилар... Домланинг жуссалари нозик, мўъжаз бўлиб қолганлиги ҳам, тахаллусларининг «ажз»дан олинганлиги ҳам шундан...

Шарофбой ака дераза рўпарасидаги текис, баравж ўсаётган чиннигулга кўз ташлайди-да, гапни бошқа ёқка буради:

— Лекин гулга ўч бўлганлар. Ҳалвойида уларнинг ҳовлисидагидек гулзор бошқа бўлмаган. Гуллар ичида айланиб юришни яхши кўрар эканлар.

— Бир куни денг, домла жўралари билан гап еб ўтирган эканлар, бирдан завқ билан ҳикояга тушиб кетади Шарофбой ака,— Қиш куни, қор пағалаб турибди. Қишлоғимизда усто Аҳмад деган ўтган, синчковнинг синчкови. Эски қишлоқ меҳмонхоналарини биларсиз, деразаси йўқ. Кеча қоронғи. Хуллас, ташқарида нима бўлаётганини чиқмаган билмайди.

— Уста, қор қанча бўлди?— сўрабдилар домла бир оз пайтдан кейин.

Уста кўзларини юмганча бир-икки тебранибди-да:

— Айтарлик қор йўқ. Шу пайтгача ёққани пишак изи бўлди, холос,— деб жавоб берибди.

Синагани кўчага чиқибдилар ва устанинг ҳақлигини кўрибдилар. Домла уйдан тўн олиб чиқиб, устанинг елкасига солибди.

Сиддикий ҳақидаги ҳикояларнинг изи узилмайди.

— Нимага шундай кишини кўтармагансизлар?— Шоирнинг ҳамқишлоқларидан сўрайман.

— Эй домлажон, айтишга осон,— жавоб килади суҳбатдошларимдан бири.— Катта бир шоиримиз жадид деб кўйгандан кейин бир нарса дейишга кимнинг ҳадди бор эди. Ахир ҳаммамиз, «йўқ-йўқ, танимаймиз»гача борганмиз-ку! Яна сиз у кишидан ҳеч нарса қолганми, деб сўрайсиз. Ҳаммасини йўқотиб бўлганмиз. Мана, энди ёзишяпти. Бизнинг ҳам оғзимиз очилиб қолди. Яқинда Ойхумор деган қизимиз туман газетасида «Мангуликка дахлдор» деган мақола ёзиб чиқди. Отасига раҳмат! Чалақўрғонлик Умархўжа Усмонов ҳам материал тўплаб юрибди...

Хаёлимга шоирнинг бир байти атрофида кечган баҳсу, чиқарилган даҳшатли айбнома келади

Мондан зулфи, чалипо зери абруйи хилол,
То хўжо дар зери по гирад ҳилолери салиб?

(Ҳилолнинг жамолини гажак сочлар қоплаб олди, Салибнинг ҳилолни поймол этиши қачонгача давом этади)

Сиддикий бунинг учун миллатчиликда айбланган эди. Ҳозир буни биз ўз оти билан миллий мустақиллик учун кураш демоқдамиз.

Аслида ҳам шундай эди... Шоир ғайридин истило-

чилар оёқлари остида топталган Туркистоннинг, аҳли исломнинг ҳаққу ҳуқуқини талаб қилиб майдонга тушган эди. Ўша замонда бу тенгсиз жасорат эди.

Бироқ бу инқилобдан олдин эмас, кейин «фош қилувчи» хужжат» вазифасини ўтади. Уни сталинчи авлод тўқиб чиқарди. Шоирнинг ўзи йўқ эди, вафот этиб кетган эди. Мероси, хотираси ҳибсга олинди...

Дастлабки ишларимиздан бири Жомбой туман газетаси «Шонли меҳнат»нинг бу йилги тахламини кўздан кечириш бўлди. Езувчи Ойхумор Асадованинг «Мангуликка дахлдор» (1989 йил 11 февраль) мақоласи билан танишиб чиқдик. 16, 18 феврал сонларидаги унга акс-садо сифатида босилган материалларни ўқидик. Эртасига 30 апрель куни Умархўжа Усмонов билан учрашишни хаёлимизга тугиб қўйдик.

Эрталабдан ёмғир бошлади. Далалар қорайиб кўринади. Дехқон олди пахтасини кўкартириб олган. Энди экканлари ҳам бор. Ховлиларда янги тортилган жўяклар, яқиндагина қадалган помидор кўчатлари кўзга ташланади.

Жомбойга йўл олдик. Первомайская, 37 га боришимиз керак.

— Ҳаммомдан кейинги кўчада,— тушунтиради йўловчилардан бири.

Абдуғани аканинг тилчилиги тутди:

— Ҳаммомнинг этимологиясини биласизми?

Жавобни кутиб ўтирмай, давом этади.— «Ҳамма бом»дан. Бом том дегани. Демак, кўп том, ўхшайди-а?!

Ёмғир шайқирлатиб ураётган гумбазларига ишора қилади.

37-уйга етиб келганимизни Эрмамат ака машинани тўхтатганидан билиб қоламиз.

Эрмамат ака Умархўжа ака билан ёшликда бирга

ўсишган бўлса ҳам замона зайли билан узоқ йиллар кўришишмаган экан.

Эрмамат ака ўзини танитади. 60 йиллик кадрдонлар бошқатдан кўришадилар. Олис ёшликни эсга оладилар.

Умархўжа ака 65 ёшда. Чалақўрғондан. Жомбойга кейин келиб қолган. 30-йилларда Халвойида ўқиган.

— Ораси беш юз метр чиқмайди,— ҳикоя қилади Умархўжа ака.— Лекин бизнинг қишлоғимизда ҳам таърифи. Бобур давридан қолган дейишади. Битмай чала қолган бўлса керак-да. Шунинг-чун Чалақўрғон.

Умархўжа ака завқ билан кулади.

— Ўша замонларда ҳам чала ишлар кўп бўлган экан-да,— гап қистиради Абдуғани ака.

Умархўжа ака бўш келмайди.

— Олмасини айтмайсизми! Ундай олма ҳеч ерда йўқ. Себи Самарқандни мана шу Чалақўрғоннинг олмасига айтган. Лекин бошқа ерда униши қийинроқ. Бир-икки тупини Жомбойга олиб келиб эдим. Кичикроқ бўлди. Бир куни денг, бозорга олиб чиқдим. Чалақўрғонни эшитиб кўтара олиб кетишди.

Гап айланиб Сиддиқийга тақалади.

— Дадам Усмонхўжа Маъруфхўжаев (1899—1962) домлада ўқиганлар. У кишини яхши билар эдилар. Тилларидан тушмас эди. Шу-шу бизда ҳам у кишига эътиқод пайдо бўлган. Бир томони қариндошликлари ҳам бор.

Хонага домланинг қизлари чой кўтариб киради. Ота-боланинг русча муомаласига ажабланиб қарайман.

— Янгангиз қозоғистонлик, рус казакларидан. Урушда топишганмиз,— изох беради Усмонхўжа ака.— Тўрт ўғил, икки қизимиз бор.

У бир лаҳза тараддудланди-да, давом этди;

— Бизнинг кўрганимиз кам эканми, Алишеримиз ҳам Афғонистонда қон кечиб келди. У ҳам менга ўхшаб

иккинчи группа инвалиди. Иккимиз ҳам раисмиз. Мен Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари туман советида, у «афғон»ларнинг туман советида. Кеча обком-сомол йўлланмаси билан Польшага кетди. Алиаскар деган ўғлимиз Псковда — сержант.

— Ўзингиз ҳақингизда сўзласангиз.

— Ўзимми?! Касбим ўқитувчилик, тарихчиман. Ча-лакўрғондаги 21-мактабда директорлик ҳам қилдим. Ҳозир пенсиядаман. Кўпдан буён кўнглимни бир армон қийнаб келади. Қишлоғимиздан чиққан, номи олис-олисларда ҳам машҳур бўлган Саидахмад Сиддиқийдек юртдошимизни бугунги болаларимиз билмаса, нима дейсиз?! Бизнинг ўзимиз уни танита олдикми? Сиз Ҳал-войидаги мактабда бурчак очиш ҳақида гапирасиз. Ўқувчиларни кўятулинг, ўқитувчиларидан сўранг-чи, нечтаси Сиддиқий номини эшитган экан? Қайси куни бир мажлисда «Ўртоқлар, колхозимиз мана неча ўн йилдир-ки, Жданов номида. Унинг ким эканлигини, мана бугун билиб ўлтирибмиз. Сиддиқий шу ерда ўзимиздан чиққан шеър устодлари, маорифчилиги билан Ўзбекистон-ну Тожикистонга танилган. Колхозимизга шунинг отини берайлик, десам, биттаси ўрнидан туриб, «Шу, оти озгина қийинроқ экан-да», дейди. Хўш, куласизми, куясизми? Бўлмаса, шоирнинг 25 йил умри шу мактабда кечган. Яна қандай умр денг!

Умархўжа ака кизишиб боради.

— Ҳа, 1926 йилда Ўзбекистон маориф комиссарли-ги Сиддиқийнинг 25 йиллик педагогик фаолиятини тақ-дирлаб, умрий пенсия тайинлаган эди. У 10-йиллардаёқ шоир ва мураббий сифатида давруқ қозонган. Шеърла-ри Кавказда «Мулла Насриддин», «Даҳрийлик» жур-налларида босилган. «Миръоти ибрат» хўжандлик Тош-хўжа Асирийга чакмокдек таъсир қилган, «фархунда фитрат» (кутлуғ истеъдод) Ажзийга таҳсинлар айтиб,

«Тимсол»и Асирий дар жавоби «Миръоти ибрат» Ажзий Самарқандий»ни ёзган эди.

Садриддин Айний «Намунаи адабиёти тожик» (1926) да Сиддикий шеърларидан ўқувчига такдим этар экан:

«Ин абёт ҳама интибоҳ ва танбеҳист, агар авроки ин мажмуа танги намекард, ҳар байтро ба саҳифаи шарҳ додан лозим меомад. Ҳоло, ба диққати хонандагонии хиром ҳавола шуд, зинҳорки. сарсари нагузаранд». (Бу байтларнинг ҳаммаси муҳим ва диққатга сазовордир. Ушбу мажмуанинг имкон кўтарса, ҳар бир байти маъносини шарҳлаш учун бир саҳифа лозим бўлади. Энди биз бунӣ ўқувчиларимизнинг ўзларига ҳавола қиламизки, зинҳор юзаки қараб ўтмагайлар)» деган эди.

20-йиллардаги қизғин ижодий фаолияти-чи? «Меҳнаткашлар товуши», «Зарафшон», «Овози тожик» газеталаридаги ўнлаб мақолаларисиз, «Машраб», «Мулла Мушфикий» журналларидаги ҳажвий шеърларисиз 20-йиллар адабий ҳаёти тўқис бўлмайдӣ. У ўзбек сатирасининг илк намуналарини яратган, ғоявий-эстетик йўналишини белгилаб берган, классик шеъриятнинг бой хазинасини янги даврга хизмат қилдира олган шоирлардан эди.

Унинг 1920 йилда тузилган ва асосан Шарқ миллий озодлик ҳаракатларини бўғишни ўзига мақсад қилиб олган «Лига наций» (Миллатлар лигаси) ҳақидаги шеърига эътибор қилинг:

Жим ўтирма, жаллодга мандат бер,
Қаттасан, мақсадингни англат, бер.
Тўпга тутдир арабни, яғмо қил,
Дод эшитма, кўзингни ағмо қил.
«Лига носа» эрур сенинг отинг,
«Панлава», «Чемберлен» эрур зотинг.

Бойга тегма, факирни ўлдургил,
Мингтасин бир чуқурга кўмдурил.
Коммунистдан сира вакил олма,
Ўз бошингни тузокка илдирма.
Шарқ эли «культур»ингдан айлансун,
Қул бўлуб мандатинга бойлансун...

Мадраса таҳсили билан вояга етган шоирнинг
20-йиллар шароитидаги бу хил сиёсий кесгир, халқчил,
киноявий фикрлари кишини ҳайратга солади.

Бадий қарашлари-чи?

1926 йилда «Овози тожик» (74-сон)да «Инчунин
бояд» (Шунақа ҳам бўларкан) деган маза-матрасиз
бир шеър босилди. Қўп ўтмай, худди шу радиф ва
номда «Машраб»да Сиддиқийнинг ҳажвия-жавоби пай-
до бўлади.

«Кўзимга учради ногоҳ, бир ашъор «Инчунин бояд»,

Ман айтдим унга таҳсин ила такрор «инчунин
бояд»,—

деган сатрлар билан бошланарди шеър. Ва у:

«Ғазал вазну кафо, ширин иборатдин иборатдир,
Муроду мақсаду маъно чи даркор, «инчунин бояд»—

каби чандишлар билан лик тўла эди.

«Машраб» журнали 1926 йили 2 йиллик тўйи муно-
сабати билан шоирга шундай ҳазил қилган эди:

Ажзий бобо, ҳамани сўкинг,
Сўкишдан ҳам тўйиб бўкинг.
Зиёдли муллолар оғзига
Қаламнинг захрини тўкинг...

Умархўжа ака кўлимга бир ҳужжат тутқазди:

«Ўзбекистон КП Жомбой район собиқ Жданов ном-

ли колхознинг Ҳалвойи кишлок меҳнаткашлари номидан мурожаатнома.

Хурматли ўртоклар!..

1989 йил 13 февраль куни 1600 кишилик Ҳалвойи кишлоғининг аҳли номидан уруш ва меҳнат ветеранлари 19-сон ўрта мактабнинг бир группа ўқитувчиларининг йиғилиши бўлди. Унда СССР Ёзувчилар союзи аъзоси Ойхумор Асадованинг «Мангуликка дахлдор» мақоласини муҳокама қилдик. Бу мақола айни шу куннинг долзарб масаласини кўтариб чиққан. Ҳақиқатан ҳам биз халқимиз фидойилари хотирасига бефарқ қараймиз. Аҳмад Дониш, Муқимий, Фуркат, Садриддин Айний каби ижодкорлар қаторида турган ҳамкишлоғимиз Саидахмад Сиддикийнинг номи бугунги кунда нега абадийлаштирилмаган? Нега у асос солган ва 1903 йилда қурилган мактаб бугунги кунда хароб ҳолда?.. Наҳотки бутун умрини маърифатга бахш этган ҳамюртимизнинг хотирасини абадийлаштириш мумкин эмас?!...

Мана, бу йил Саидахмад Сиддикийнинг туғилганига 125 йил тўлади. Биз Ҳалвойи кишлоғи аҳли номидан Жданов номли колхозга ёки 19-сон ўрта мактабга шоир номининг берилишини илтимос қиламиз. ¹ Биз, ҳалвойиликлар ўз маблағимиз ҳисобидан Саидахмад Сиддикийга ҳайкал қўйишни ташкил этар эдик. Иккинчидан, районимизда ягона бўлган ва 1903 йилда рус меъморчилиги усулида қурилган мактаб бугунги кунда авария ҳолатида. Шу мактаб биносини тарихий ёдгорлик сифатида асраб қолиш зарур. Уни таъмирлаш, жиҳозлаш ва музейга айлантиришда ёрдам беришларингизни илтимос қиламиз.»

Жами 21 имзо.

¹ 1989 йилнинг ноябрида мазкур мактабга Сиддикий номи берилди, унинг қошида шоир музейи ташкил қилинди.

Ҳечдан кеч яхши, албатта. Лекин ҳалвойиликларнинг совуққонлиги, она тупрок, ота юрт ифтихорининг етишмаслиги бор. Дунёни таниш ўзни танишдан бошланмайдими? Ўз фарзандининг қадрига етмаган халқнинг бошқалар фарзандига меҳри қанчалар самимий бўлади?! Юртнинг чин ўғлонларини таниш ва танитиш аждодлар билан авлодлар силсиласини боғлайдиган шундай бир ҳалқаки, унга бефарқ қараш халқнинг тарихига эмас, тақдирига ҳам бефарқ қарашдир.

Тўрақўрғондаги 3-сон ўрта мактабнинг Ёқуб Гафоров сингари фидойи ўқитувчилари эсга тушади. 1961 йилда у кишининг ғайрат ва ташаббуси билан ўлкашунослик тўғараги тузилиб, машҳур маърифатпарвар Исҳоқхонтўра Иброт қадамжолари бўйлаб 40 дан ортиқ саёҳат ва экскурсия уюштирилган. Тўғарак Ибротнинг 80 дан ортиқ замондоши билан суҳбат ташкил қилган. Қатнашчилар шоирнинг бир қатор асарларини, шахсий буюмларини топишга муваффақ бўлганлар.

1964 йилда мазкур мактабга, шаҳар кўчаларидан бирига Иброт номи берилди. 1967 йилда унинг номи билан аталган мактаб олдига шоирга ҳайкал ўрнатилди. 1972 йилда эса мазкур мактаб қошида Иброт ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи музей очилди. Ҳозир унда 2500 дан ортиқ экспонат бор.

Наманганликлар 75 ёшида репрессия қилинган ва у билан боғлиқ барча хотиралар йўқотилган Иброт таваллудининг 125 йиллигини мана шундай кутиб олган эдилар!

Сиддиқий-Ажзий бугун биз учун хизмат қила оладими?

Албатта. Негаки у ёрқин истеъдод эди. Ўзи яшаган инқилобий даврнинг барча масалалари билан қизиққан ва буларга кенг меҳнаткаш манфаати нуқтаи назаридан

ёндашган ижодкор эди. Она юртнинг тақдири унинг учун ҳеч қачон бефарқ бўлган эмас.

У бир томондан, қадим гўзал юрти билан фахр этди. Иккинчи томондан, иккиёклама зулм исканжасида қолган халқ дардига малҳам, «ҳозик табиб» кидирди. Эркисизликка, мустамлакачиликка қарши бош кўтарди. Жаҳолатнинг миллий ижтимоий зулмда асосий воситалардан бўлиб келганлигини англаб етди. Айни пайтда у кишиларни баҳолашда миллий белгиларни эмас, инсонийликни асос қилиб олди. Ақсинча, миллий, диний айирмаларни умумбашарий, умуминсоний ишларда тўсик билди. Шу жиҳатдан у халқлар дўстлигининг, миллатлар ҳамкорлигининг тоғмас курашчиларидан эди. Бир сўз билан айтганча, у ўз фикр-туйғулари билан бугунги авлодга ҳам замондош бўла олгулик эди...

Тушга томон ёмғир кучайди. Ҳаво совиб кетди. Тошкентга йўлга тушганимизда қорга айланди. Булунгурдан бошлаб усти оқарган машиналар кўпайиб борди.

Далаларда анвойи бир манзара: йўл бўйидаги дарахтлар усти қор, кўм-кўк экинлар, ўт-ўланлар усти қор. Бир текис унган икки қулоқ гўза кўчатлари устидан босиб тушган қорнинг салмоғидан букчайиб турибди.

Ҳаёлимдан ўтади: совук уриб кетди. Шунча умид, шунча меҳнат кетди.

Тасалли топаман: майли, экинни бемаврид келган совук урса, қайта экиш мумкин, жилла курса ўша йили ҳосил камроқ бўлар. Лекин бемаврид келган изғирин миллий уйғонишда барг ёзган истеъдод ниҳолларини, янги ҳаётга, бахтга ишонч чечакларини қовжиратиб кетса-чи?

Беихтиёр муқоясага бориб қоласиз.

Тўғри, Сиддиқий 37-йилгача етиб келмади. Етиб келганда ҳам омон қолмасди. У сталинчилик деган офатдан жисман зарар кўргани йўқ. Лекин бу изғирин

шоир одамлар қалбида ундирган ишонч, меҳру муҳаббат ғунчаларини сўлдириб кетди. Ақлу вужудини машъал қилиб зулматдаги Туркистонни ёритган, уни уйқудан уйғотиб озодликка етаклаган Сиддиқий каби фидойиларни мустамлакачи шўро давлати ўз ҳаётларини бағишлаган халқига душман қилиб кўрсатди.

Буларни ўрнига қайтариш учун қанча вақт керак бўларкан?

Бир авлод умри етармикин?

Лекин ҳақни қарор топтириш бошланди. Ишонгимиз келади: шоирнинг номи у асос солган Ҳалвойидаги мактабгагина эмас, унинг авлодлари яшаб турган қолхозгагина эмас, миллионлаб ватандошлари қалбига ҳам қайтади. Ўша кундан у ўзининг иккинчи умрини бошлайди.

1989 й.

ФИТРАТ

Ўзбек тилининг 2 жилдлик изоҳли луғатида бу сўз йўқ. «Навойи луғати»да «табиат, туғма табиат, ярати-лиш» деб изоҳланган. Гарчи бу сўз тилимизнинг бугунги «Изоҳли луғати»га кирмаган бўлса-да, уни эшитмаган киши кам. Бу ном бир вақтлар зиёлилар даврасида бениҳоя иззат ва шараф билан тилга олинган. Унинг ақлу заковатини Кавказ ва Волга бўйидаги ҳамкасаба-ларигина эмас, Москва, Ленинграддаги шарқшунослар ҳам юксак кадрлаганлар. 1924 йилда у Москвада Шарқ тиллари институтида дарс берган, профессор бўлган. Афғонистон, Туркия, Эрон илмий-адабий доираларида ҳам унинг мавқеъ-мартабаси баланд эди. Мамлакатда «ички душманлар»ни фош қилиш васвасаси авж олиб, халқнинг асл фарзандлари бир четдан терилиб қатағон қилинаётган бир пайтда хориждаги илм-маърифатнинг кадрига етувчи ишбилармон ҳомийлар даъватномалар ёзиб, уни ишга таклиф этганларида бормади. Ҳар қандай ҳолда ватани, халқи билан бўлишни лозим билди. Ҳолбуки у инқилобдан кейинги 2 миллион муҳожирнинг бири бўлиши мумкин эди. Сўнг 20-йилларда, ҳатто 30-йилларда ҳам унинг имкони бор эди. Бироқ Ватан туйғуси бунга йўл бермади. Мавжуд тузум — ҳукмрон

ҳарбий-махкамачилик маъмурияти эса уни ўзи муқаддас тутган халқи, ватани номидан қатл этди. Ва сал кам эллик йил бу ном уни вояга етказган эли, юрти хотирасидан қувиб чиқарилди.

Бирок четда унинг шуҳрати зарра қадар камайган эмас. Аксинча, илгари уни Яқин Шарқ мамлакатларидагина билган бўлсалар, ҳозир Европада, ҳатто америкада ҳам ўрганмоқдалар. Жумладан, америкалик таникли турколог Эдуард Олвортнинг қилаётган ишлари бунга далил.

Бу ишлар Фитратнинг ўз юртида эса энди бошланмоқчи. Истеъдодли ёшларимиздан Ҳ. Болтабоев ўринли писанда қилганидай, у хануз «номаълум Фитрат»лигича келмоқда. Дарҳақиқат, ишни Фитратни танитишдан бошлаш керак. Ҳозир кўпроқ шу хил ишлар қилинмоқда. Негаки, уни кўрган, билган кишилар жуда кам қолди. Орада ундан бутунлай узилган уч авлод ўсиб вояга етди. Иккинчидан, Фитратга ўхшаган «халқ душманлари»нинг асарларигина эмас, улар билан боғлиқ ҳар қандай ҳужжат-материаллар, ҳатто хотиралар ҳам катағон қилинган эдики, бу билан ҳам ҳисоблашиш керак бўлади. Ниҳоят, 70 йил давомида «ягона совет халқи», «ягона социалистик ватан» деган ғайриилмий, ғайритарихий шиорлар, миллат ва элатларнинг охиروқибатда битта «миллат»га, битта «ватан»га, битта «тил»га келиши ҳақидаги сохта назария ва таълимотлар билан иш кўрилганлиги, ўтмиш билан бугун ўртасига, «Хитой девори» тортилгани туфайли тарихимизни малакали ўрганадиган ходимларимиз йўқ даражага келиб қолган. Аҳвол шундайки, тарихимизнинг нозик саҳифаларини ҳаққоний ёритиб беришга кекса авлодда журъат, ёшларда эса малака-тажриба етишмай турибди. Шунга қарамасдан, бу борадаги айрим интилишларни қайд этмоқ керак. С. Қосимов, Э. Қаримов, А. Али-

евларнинг ўша турғунлик йилларида Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ҳақида матбуотда чиқишлари, кейинги йилларда эса Н. Каримов, Ш. Турдиев, Б. Дўстқораев, Ҳ. Болтабоев, Ҳ. Қудратуллаевларнинг мақола ва ишлари бунга далил. Лекин асосий ишлар олдинда.

Абдурауф Фитрат 1886 йилда Бухоро шаҳрида савдогар Абдурахимбой оиласида туғилган. Абдурахимбой ўқимишли, дунёнинг баланд-пастидан хабардор киши бўлган. Савдо ишлари билан Туркия, Эрон, Қашқарга тез-тез бориб турган. Онасининг оти Бибижон бўлиб, тахминан 1866 йилларда туғилган. Ўғли Абдурауф ҳибсга олинган 1937 йилда у ҳаёт эди. Оилада Абдурауфдан ташқари яна икки фарзанд — укаси Абдурахмон ва синглиси Маҳбуба бор эди. 20-йилларнинг фаолларидан бўлган, гоҳо шеър ҳам машқ қиладиган Маҳбуба Раҳим қизининг номи ўқувчиларга бир қадар таниш. Абдурахмоннинг эса 10-йилларда Когон босмахонасида ҳарф теруви бўлиб ишлаганини хабар қиладилар. «Мир Араб»нинг ҳозирги мударриси Ғофир ҳожи Раззок ўғлининг хабар беришича, Абдурауф ўша давр эски мактабларидан бирида, сўнг машҳур «Мир Араб» мадрасасида ўқиди.

Бундан юз йил олдинги Бухорода 217 масжид, 185 мадраса бўлган.¹ Отабой Эшонов бу рақамни 365 масжид, 140 мадраса, 360 мактаб деб кўрсатади ва бу ўқув даргоҳларида 20 минг бола таҳсил кўрганини хабар қилади.² Дарҳақиқат, Бухорода Ф. Хўжаев қайд этганидек, «анахронизм»-бир томондан жуда катта қадим маданият-маърифатга издошлик, иккинчи томондан, тақдирнинг тақозоси билан замонавий тараққиёт-

¹ Қаранг: «Муштум» ж., 1990й., 10-сон.

² См. А. И. Ишанов, Бухарская Народная Советская республика, Т., 1962, стр. 70.

дан четда узилиб моғорлаб қолишдек бир ҳол намоеън эди.

Мактаблар аксарият масжидлар қошида эди. Гаспралли Исмоилбей-Исмоилбек Гаспринскийнинг Россия мусулмонлари тафаккурида инқилоб ясаган 1884 йилдаги «усули жаид» мактабининг овозаси олис Бухорога энди етиб келган пайтлар эди. Исмоилбек Амир Абдулаҳадга миллатнинг равнақи учун «усули жаид»нинг шартлиги ҳақида мурожаат билан Қиримнинг Боғчасаройидан келган 1893 йилда Абдурахим ака мактаб ёшига етган Абдурауфни қайси домланинг қўлига бериш устида бош қотирар эди. Тарих гувоҳлик беришича, Исмоилбек Бухоро амирини ўз фикрига ишонтира олган. Абдулаҳад Бухорода битта янги усул мактаби очишга розилик берган. Бирок, кўп ўтмай, руҳонийлар куткуси билан ўша мактаб ёпилган. Айний биринчи янги усул мактаби 1908 йилда очилди деб кўрсатади.¹ Файзулла Хўжаев уни бухороилар онгида силжиш яратган ҳодисалардан ҳисоблайди. Гап шундаки, бу мактаб бухоролик тараққийпарвар муаллимлар Абдувоҳид Бурҳонов ва Низомиддинлар номи билан боғлиқ бўлиб, улар ўша йили имтиҳонни ота-оналару элнинг эътиборли вакиллари олдида ўтказганлар. Тантанали маросимда катта баҳс бошланиб кетган. Тўпланганлар икки қарама-қарши гуруҳга — Мулла Икром бош«жаидчи»лару Мулла Абдураззоқ бош«қадимчи»ларга бўлинган.

Баҳсда «қадимчи»лар устун келди. «Усули жаид»га қўйилган «ўқитиш мусулмонча эмас», «дин бузиб ўқитилар экан» деган айбнинг авомга таъсири катта бўлди. Ҳали ўзини ўнглаб олмаган жаидчилик мағлу-

¹ Қаранг: С. Айний, Асарлар, саккиз жилдлик, 1-жилд, Т., 1963, 201-бет.

биятга учради. «Мактаблар ёпиб қўйилди, болалар уйларига қайтариб юборилди, ҳукумат ота-оналардан, бундан буён болаларимизни жадидлар усулида ўқитмаймиз, деган тилхат олди. «Жадид» деган ном динсизлик ва бошқа ҳар қандай жиноятларни ифодаловчи ном бўлиб қолди». ¹

Бу 1908 йил эди. Ҳаёт тўхтаб қолмади. «Усули жадид» қийинчилик билан бўлса-да, ўзига йўл очиб борди. Уни қувватловчилар кўпайиб борди. Китобдарсликка эҳтиёж зўрайди. Шу мақсадда 1909 йилнинг мартларида «Ширкати Бухоройи шариф» тузилди. Усули жадид билан танишмоқ учун бир киши Бокчасаройга, бир киши Истамбулга юборилди. Лекин янги мактабларнинг душмани ҳам кўп эди. Шу сабаб 1909 йил 18 июнда Бухоро ёшлари «Тарбияи атфол» номида яширин жамият ташкил қиладилар. «Жамиятнинг биринчи мақсади Истамбулга ўқувчилар юбормоқ чорасига киришмоқ эди. Масориф учун жамиятнинг сирини очмасдан эътимод қилдиғи тараккийпарварлардан иона тўплар эди. Жамиятнинг ижтиҳоди соясида бир канча талаба Истамбулга юборилди.» ² Мазкур Айний асарининг 1927 йилги Москва нашрида қуйидаги фактни учратамиз:

«Икмоли таҳсил учун Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли ³ (1878—1968), унинг биродари Ато Хўжа (1894-1938), ⁴ Мазҳар Маҳзум Бурҳон Маҳзум ўғли, ⁵ Абдура-

¹ Қаранг: Файзулла Хўжаев, Танланган асарлар, уч жилдлик, 1-жилд, Т., 1976, 97-бет.

² С. Айний, кўрсатилган асар, 233-бет.

³ Олмониядаги ўзбек адабиётшуноси доктор Темирхўжанинг отаси.

⁴ Ато Хўжаев (1894-1938) 1923 йилда БХШЖда Халқ Нозирлари Шўросининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

⁵ Таникли бастакор Мутал Бурҳоннинг акаси, Фитратнинг қайноғаси.

уф Фитрат, Муқимбек Истамбулга сафар қилдилар. Фитрат мазкур талабаларнинг энг истеъдодлиси ва энг фозили эди» (69-бет).

Фитрат Истамбулда 1909-1913 йилларда ўқиди. Умуман олганда, 1911 йилда Истамбулда ўқийдиган ёшлар, туркистонлиларни ҳам қўшиб ҳисобласак, 15 тага, 1912 йилда эса 30 тага етган. Б. А. Пестовский Фитратни «18 ёшлариға кадар Бухорода таҳсил кўруб, Шарқда Туркия, Ҳиндистон, Арабистон каби ерларда Марказий Русиянинг Масков, Петербург каби шаҳарларида саёҳат этгандир»¹,— деб ёзади. Демак, у Бухорода 1904 йилларга кадар ўқиган. Сўнг, чамаси, ҳаж қилган. «Тазкират уш-шуаро» муаллифи Неъматулла Муҳтарамнинг уни Ҳожи Мулло Абдулрауф деб таништириши бежиз бўлмаса керак.²

Истамбулга қайтайлик.

1909-1913 йилларда Истамбулда Ғози Олим Юнусов ва бир муддат (1911) Ҳамза («Дорул воизин») ҳам ўқиганлиги маълум.

Фитрат Истамбул дорилфунунида ўқиган. Ф. Хўжаев хабар беришича, Фитрат Истамбулда ҳамшаҳарлари билан биргаликда «Бухоро таъмили (умумий) маориф жамияти»ни тузади. Чамаси, у бухоролиларнинг ўзаро моддий-маънавий уюшмаси вазифасини бажарган.

Туркия «Ёш турклар инқилоби»дан маст йиллар эди. Хусусий турмушдан жамият ҳаётигача инқилоб ҳавосига ғарқ эди. Бундай муҳит Фитратга, шубҳасиз, катта таъсир кўрсатди. У сиёсатга шўнғиб кетди. Қизгин бадиий ижод билан шуғулланди. Аслини олганда, у Туркияга кетишдан олдин ҳам шеърлари билан ада-

¹ Қаранг: «Инқилоб» ж., 1922 й., 2-сон.

² Неъматулла Муҳтарам, Тазкират уш-шуаро, Душанбе, 1975, 319-бет.

бий давраларга танилган эди. Ҳатто Неъматулла Мухтарам уни 1903-1904 йилларда тузган тазкирасига киритган. Жумладан, унинг «Мижмар» (хушбўй уд ёқиладиган чўғдон) тахаллуси билан шеърлар ёзганини хабар қилади. «Сухандонларнинг ҳарифи» (пахлавони) эканлигини таъкидлайди. Ота касбига ишора қилиб, «сарроф» деб атайди. Рухиятни ғоят нозик бир ифода этган тожикча ғазалини намуна қилиб келтиради. Шуларни кўзда тутиб бўлса керак, Айний 1926 йилда тузган «Намунаи адабиёти тожик» китобида Фитратни тожик совет адабиётининг асосчиси деб кўрсатади.

1909-1913 йилларда Истамбулда Фитратнинг бир қатор асарлари форсий тилда босилиб чикди. Чунончи, 1909 йилда «Мунозара» («Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадида хусусида қилгон мунозараси») асари босилди. Драматик публицистикага мойил бу асар замоннинг зайли билан тарихий тараққиётнинг икки поғонасида туриб қолган, дин ва дунё, жамият ва маърифат ҳақида икки хил кўз қарашга эга бўлган икки кишининг баҳси асосига қурилган эди.

Муаллиф хурофотни, бидъатни коралади, унга чинакам эътиқодни қарши қўйди. Ақлу донишни, унинг самараси тараққиёт ва фаровонликни ҳимоя қилди. Машҳур усмонли инқилобчилар Анварбек, Ниёзийбекларнинг,¹ Эрон халқ қаҳрамони ҳурриятчи Сатторхону Боқирхонларнинг² «ўз миллатининг саодат ва осо-

¹ Анварбек — машҳур Анвар Пошшо (1881-1922), «Иттиҳод ва тараққий» партияси раҳбарларидан бири, 1908 йилги ёш турклар инқилобининг ташкилотчиларидан. 1921 йилда Туркистонга келган ва шу ерда ҳалок бўлган. Ниёзийбек — 1908 йил инқилобида Реснеда партизанлар ҳаракатига бошчилик қилган.

² Сатторхон (1867-68-1914), Боқирхон — 1905-1911 йиллардаги Эрон инқилобининг раҳбарлари.

йиши» учун фидокорликларини, «Русиядаги ҳақиқий инсонлар»дан, «дохий ва файласуф Тўлстўй»нинг «саодати башар» йўлидаги хизматларини ибрат қилиб кўрсатди.

«Мунозара» амир Бухоросида таъқиқлаб қўйилганига қарамасдан кенг тарқалди. У ҳақда баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Халқнинг кўзи очилишида муҳим роль ўйнади. Айний «Намунаи адабиёти тожик»да «Мунозара» давр тараққиётига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатди»,— деб ёзди. В. Б. Андреев «Туркестанские ведомости»да (1916 й, 13, 15, 20-сонлар) Фитратнинг янги усул мактаблардан мусулмон дунёси шариати юзасидан фойдаланиши мумкинлигини исбот эта олганини таъкидлади. «Факат шу асарнинг босилиб чиқиши туфайлигина Бухорода янги усул мактаблари қайтадан очилди ва улардан мулла-мударрисларнинг тавқи лаънатлари олиб ташланди»,— деб ёзди¹.

«Мунозара» 1911 йилда Ҳожи Муин таржимасида «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида босилиб чикди. 1913 йилда Бехбудий сўзбошиси билан алоҳида китоб ҳолида нашр қилинди. 1912 йилда «Сайёҳ ҳинди» («баёноти сайёҳи ҳинди») чоп этилди. (Ундан айрим боблар Ҳ. Қудратиллаев таржимасида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг 1989 йил 32-сонида эълон қилинди).

Йўл очеркини эслатувчи бу асарда Бухоронинг маиший-сиёсий турмуш манзаралари дунё кўрган бир кишининг нигоҳи орқали тасвир этилади. Муаллиф ери, суви, ҳаво бетимсол, халқи ғоят меҳнаткаш, ҳунарманд бир халқнинг оғир турмушидан сўз очади, унинг сабабларини таҳлил этади. Ана Бухоронинг машҳур обдасталари, гиламлар, алачалар. Бухоро алачаси Европа моллари-

¹ Г. Раҳимова, «Мунозара» — уйғониш даракчиси». ҶАС, 1989, 52-сон.

дан нозикрок, пишикрок. Лекин бозори йўқ. Бозор Европа фабрикантларининг қўлида. Бир минг азоб билан қўлда тайёрланган, иккинчиси — осонгина, машиналарда. Ҳам кўп. Унинг устига харидор талабига қараб бирини тезгина қайта қуриш мумкин, иккинчисининг деярли иложи йўқ. Фитрат фикрича, асосий сабаб идора усулининг бузук ва нобоплигида, ҳокимият эгаларининг илм-маърифатдан узоқлигида.

Сайёҳ Шаҳрисабз қозиси олдида савол қўяди: «Ислом мамлакатлари нега вайрона ва харобазор қолиши керак. Бунинг сабаби нимада? Масалан, Қарши ё Китобнинг бирон-бир алача тўқувчиси Фарангистонда яшаса, бошдан оёқ зар-зеварларга ботар эди.

Бу бечораларнинг нега ейишга нони йўқ?

Агар шу Шаҳрисабз ерлари Японияда бўлганида эди, зар экиб, зар ундирар эди. Бу ерлар нега шўразорга айланган?..»

Дарҳақиқат, дунёдан бохабар раҳбар ҳар бир ишни узоқни ўйлаб қилади. Деҳқончиликни ҳам, хунармандчиликни ҳам замонавий талаб ва жиҳозлар асосида қайта қуриб боради. Маҳсулотни тез ва арзон ишлаб чиқариш йўллари излайди. Фозил мамлакатда амалдорларнинг хизмат ҳақи, харжу сарфи Бухородагидек деҳқоннинг устига ташлаб қўйилмайди. Деҳқончилиكنинг ҳам, хунармандчилиكنинг ҳам ашё-жиҳозлари янгилаб борилади. Маҳкамаларда пора эмас, конун устивор туради. Акс ҳолда меҳнат қанчалик кўп қилинмасин, укув ва салоҳият қанчалик кучли бўлмасин, кутилган самарани бермайди. Асардан чиқадиган хулоса — шу.

Шу тариқа, китобда иқтисодий-маънавий тараққиётнинг асосий ғовлари — ишлаб чиқаришдаги ўрта асрчилик, қонунсизлик эканлиги айтилади.

«Фитратнинг «Сайёҳи ҳинди» асарининг аҳамиятини бу ерда қайд этмасдан ўтолмаймиз,— деб ёзади

Ф. Хўжаев.— Факат Бухородагина эмас, унинг ташка-
рисиди ҳам бу асар қизиқиб ўқилди. Кейин бу китоб рус
тилига таржима қилиниб, босилиб чиқди» (кўрсатилган
асар, 99-бет).

Фитратнинг дастлабки шеърӣ тўплами «Сайҳа»
ҳам форсча эди ва у Истамбулда 1911 йилда нашр
қилинди.

«Сайҳа» «Фарҳанг»да «бонг, фарёди даҳшатангиз,
наъра», деб изоҳланган. Ундаги шеърлар ватан ҳақида
эди. Ватан ҳақида осойишта сўзлаб бўлмасди. Унинг
дарди ниҳоясиз, жароҳатлари ҳалокатли эди. Шоир
унинг «ҳоли хароб»лигидан, «панжаи ғам»дан «пираҳа-
ни (либоси)» чоклигидан дод солди. Унга меҳру му-
ҳаббатини ҳайқириб айтди. У билан ифтихор этди. Уни
ҳар нарсадан муқаддас тутди. У учун бахт ва нажот
қидирди:

Бинмо саҳари азми тавофи ватани ман,
Оҳ-оҳ, чи ватан, саждагоҳи жону тани ман.
Ҳам моҳи ману осойиши, иззу шарафи ман,
Ҳам Қаъбаи ман, қиблаи ман, ҳам чамани ман.

(Мазмуни: Ватанимни зиёрат қилмоққа эрта тонг-
да кел. Ҳай-ҳай, қандай ватан бу! У — менинг саждаго-
ҳим, жону танимдир. У менинг осмондаги ойим, осо-
йишим, иззатим, шарафим, қаъбам, қиблам ва чама-
нимдир.)

«Сайҳа»га кирган шеърлардан бири шундай бош-
ланар эди.

Шоирнинг бу ўтли шеърлари 1914 йилда «Садойи
Туркистон» газетасида ҳам босилди. «Ватанпарварлик
шеърлари тўплами бўлган «Сайҳа»ни ўқиган кишилар-
ни Бухоро ҳукуматиғина эмас, шу билан бирга рус
ҳукумати ҳам таъқиб қила бошлади. Чунки бу шеърлар-
да Бухоро мустақиллиғи ғояси биринчи марта жуда

ёркин шаклда ифодалаб берилди»,— деб ёзган эди Ф. Хўжаев.

Табиийки, Фитратнинг юкоридаги асарларини у баҳраманд бўлган Истамбул муҳитисиз тўғри тушуниш қийин. Инқилобий Туркия, «Иттиҳод ва тараққий» партияси билан яқинлашув, усмонли туркларнинг инқилобий-демократик тафаккурида муҳим замин бўлиб хизмат қилган исломчилик, туркчилик, усмончилик ғоялари Фитратнинг ҳам ижодкор, ҳам сиёсий арбоб сифатида шаклланишига маълум таъсир кўрсатди. У таҳсил олган Истамбул дорилфунунида Туркия адабиётидаги исломчиликнинг 10-йиллардаги энг машхур вакили «Сироти мустақим» журналининг муҳаррири Меҳмед Акиф турк адабиётидан дарс берарди (1921 йилда Туркия миллий гимни матни учун конкурс ўтказилганида, у «Истиқлол марши» шеъри билан 724 шоир орасидан биринчи ўринни олган). «Иттиҳод ва тараққий»нинг нашри афкори «Ени мажмуа»нинг бош муҳаррири, туркчилик ғоясининг байроқдори шоир Зиё Гўк Алп ижтимоиётдан кирарди. 1898 йилда «Туркча шеърлар»и билан бармоқда шеър ёзишни бошлаб берган Меҳмед Аминга эргашиш авжга чиққан, «Турк юрду» (1911), «Ганч қаламлар» (1911) каби журналлар майдонга келиб, тилни арабий ва форсий унсурлардан тозалаш бошланган йиллар эди.

«Бизда жадидизмнинг биринчи даври панисломизм байроғи остида юрди,— деб ёзади Фитрат 1936 йилда «Аруз ҳақида» китобида.— Жадид адабиётининг аруз вазни билан ёзилиши мана шу даврга тўғри келади. Бора-бора панисломизм, пантуркизм, ўзбек миллатчилиги бир-биридан айрим хатти-ҳаракатлар тарзида ажралади. Мен буларнинг учини ҳам ўтканман ва жуда яхши эслайманки, панисломизм билан ўзбек миллатчилигининг адабиётдаги инъикосларидан биртаси вазнда аруз

ва бармоқ тарафдорлиги шаклида кўрунган эди» (20-бет).

Фитрат ўқишни тугатиб қайтганда (1914) унинг номи Бухородагина эмас, чет мамлакатларга ҳам ёйилган эди. Чўлпон 1913-1914 йилларда бир сабаб билан «мударрис» бўлиш ўрнига «ўзбек миллий ўқувчиси» бўлишга қарор бериб, отасидан ҳам, муаллимидан ҳам «қочиб Тошкентга келган»ини ҳикоя қиларкан, «у вақтларда биз ҳамма ўзбек ёш ёзувчилари Фитрат таъсирида эдик», дейди.¹

Яна бир мисол. Фитратнинг ДХҚ (Давлат хавфсизлик кўмитаси) архивида 4269-рақам билан сақланаётган «Иш»идаги материаллардан шу нарса маълум бўладики, у 1914 йилларда Бухорода хаваскор театрчилик ишини йўлга қўйган. Саҳнада роллар ўйнаган. Тушган пулларни 1914 йил урушида жабрланган мусулмонлар фойдасига ўтказган. Бундай ишлари учун Бухоро кушбегисидан мартаба олиб (қандай мартабалиги қайд қилинган эмас), элга довуғи ёйилган. (Абдулҳамид Сулаймонов кўрсатмаларидан кўчирма, 1937 й. 10 август, 5-саҳифа).

Фитрат адибгина эмас, Бухоро инқилобининг ғоявий-ташкилий раҳбарларидан, сўнгрок эса Бухоро Халқ Жумҳуриятининг муассисларидан бири, инқилобчи, сиёсатчи, арбоб сифатида ҳам шуҳрат топган эди. Афсуски унинг ижтимоий-сиёсий фаолияти мутахассисларимиз томонидан кўп ҳам тилга олинавермайди. Жадидчилик, «Ёш бухороилар» билан боғлиқ жиҳатларини шунчаки қайд қилиш билан чекланамиз. Бухоро Халқ Жумҳурияти давридаги нозирлиги ҳақида ҳам аҳвол тахминан шундай. Нега? — Қўрқамиз. Бирор сиёсий хато қилиб қўйишдан эмас, эндигина қад тиклаётган адибнинг об-

¹ «Совет Ўзбекистони». 1989 й., 3 сентябрь.

рўсини тўкиб қўйишдан кўрқамиз. Чунки ўша ходисаларнинг ўзи ҳали ўрганилгани йўқ.

Истамбул, Қозон, Оренбург, Уфада янгича замонавий таҳсил кўрган бухороли ёшларнинг олди 1913 йиллардан эътиборан юртларига қайта бошладилар. Бухорода матбуот изга тушди. «Турон», «Бухоройи шариф» газеталари чиқа бошлади. Машҳур Бехбудий (Фитрат) у билан яқин ҳамкорликда ишлаган, хусусан у муҳаррирлик қилган «Ойина» журналида фаол иштирок этгани мутахассисларга яхши маълум) «Турон» газетасида шундай ёзди:

«Бухоро мактабларининг ислоҳи учун Кавказ, Татаристон ва Истамбулни исломий ўрта мактабларини таъмом қилгон бухорий керакдур. Бухоро мадрасасининг ислоҳи ва тараққийси учун Ҳижоз, Миср мадрасан динияларинда хатм қилгон кишилар керакдур. Бухорода тижорат, зироат ва саноатни тараққий қилдириш учун Русиянинг ўрта ва олий мактабларинда хатми улуми замония этган муҳандиси муктадирлар керакдур»¹.

Лекин амирлик янги мактабларга йўл бермади. Жадидлар яширин ишга ўтдилар. Шу каторда эндигина Истамбулдан ўқишдан қайтган Фитрат ҳам Бухородан яна маълум муддат чиқиб кетишга мажбур бўлади. Ф. Ҳўжаев унинг Ота Ҳўжаев билан биргаликда 1913 йилнинг охири, 1914 йилнинг бошларида турли шаҳарларда янги мактаблар очиш билан шуғулланганлигини маълум қилади, Шаҳрисабз ва Қаркидаги ташаббусини алоҳида тилга олади. Шунга кўра, унинг 1914 йилларнинг бошигача Шаҳрисабз ёки Қаркида бўлганини тахмин қилиш мумкин. Бироқ 1915 йилга

¹ Қўчирма Зиё Саиддан (Танланган асарлар, Т., 1974, 38—39-бетлар) олинди.

келиб, Бухоро жаидларининг ўз орасида ҳам ажралиш юз берди. Четдан ўкиб келган ёшларни ҳаракатнинг маориф ва маданият билан чекланувчи мақсади ҳам, биргина маориф ва матбуот, мусулмонларни инсофга чакирув орқали унга эришишни кўзловчи воситалари ҳам қаноатлантирмай қўйди. Улар солиқларни камайтириш, деҳқонларнинг аҳволини яхшилаш, амалдорларнинг ўзбошимчалигини чеклаб қўйиш каби сиёсий талаблар билан чиқишни таклиф қилдилар. Бу нуқтаи назар жаидларга хайрихоҳ жуда кўп ёшларга маъқул бўлди. Шу тариқа жаидларнинг ўзи «эски» ва «янги»га — ўнг ва сўлга ажралди. Ўнгга Абдувоҳид Бурҳонов, сўлга Фитрат бош бўлиб қолдилар.

Фитратнинг бу қарашлари унинг шу даврларда яратилган ва XX аср боши публицистикасининг, драмачилигининг нодир намуналаридан бўлиб қолган «Раҳбари нажот» (1915), «Оила» (1916), «Бегижон» (1916), «Мавлуди шариф» (1916), «Або Муслим» (1916) каби асарларида акс этган. Фитрат янги мактаблар ва уларни янги дарслик-дастурлар билан таъмин этишни ҳам эсдан чиқармади. 1917 йилда Бокуда Ака-ука Оруджиевлар матбаасида чоп этилган «Ўқув» китоби бунга далил. Унинг «биринчи бўлак» эканлиги кўзда тутилса, муаллифнинг бу ишга катта режа билан киришгани маълум бўлади. Афсуски, юқорида биз санаган асарлардан баъзилари ҳозирда йўқ. У ҳақдаги маълумотлар, фикр-мулоҳазаларгина етиб келган. Лекин бу асарларнинг деярли ҳаммаси ўз даврида жуда юксак баҳоланган. Масалан, бу китобларнинг юзага чиқишида «шахсан моддий ёрдам кўрсатган» Ф. Хўжаев «Оила» ва «Бегижон»ни «мавжуд тузумни қаттиқ танқид қилган, унинг барча камчиликларини аёвсиз очиб ташлаган, амирликнинг чирик системасини фош қилиб берган» китоблар қаторига киритади.

1917 йил Февраль инқилобидан сўнг Бухоро жа-
дидларининг сўл қаноти — ёшлар ташаббуси билан ян-
ги марказ тузилди. Ёш бухоролилар инқилобий партия-
си ташкил топди. Унинг Марказий Қомитети тузилди.
Абдувоҳид Бурҳонов — раис, Фитрат — сарқотиб, Ус-
монхўжа — хазинадор, Ф. Хўжаев ва яна беш киши
аъзо қилиб сайланди. Янги партия Муваққат Ҳукуматга
табрик телеграммаси ва Россия-Бухоро муносабатлари-
дан келиб чиқиб, амирни ислоҳотга мажбур этишни
сўраб, Мурожаатнома қабул қилди.

Муваққат Ҳукуматдан амир ва у ердаги рус вакили
Миллерга тезликда кўрсатма ҳам келди. Бироқ ислоҳот
бўлмади. Уни мен ёзиб берган эдим. Фитрат ва Сайид-
жонов (1893—1938) имзо чеккан эдилар, деб эслайди
Ф. Хўжаев.

Иккинчи бор телеграмма юборилди. Фитрат ва Ус-
монхўжа вакил қилиб Петроградга жўнатилди. Бироқ
Марказдан амир ва жадидлар орасидаги низони барта-
раф қилиш учун махсус комиссия келаётганлиги маъ-
лум бўлиб қолади. Вакиллар Оренбургдан орқага қай-
тадилар.

Ҳаракатлар беиз кетмади. Амир ён берди. Ислоҳот
ваъда қилди. Айрим амалдорлар ўзгартирилди. Мамла-
катни «шаръи шариф» билан бошқариш, солиқларни
тартибга солиш, «фойдали илм ва фанларни ривожлан-
тириш», «турмадагиларни қамокдан бўшатиш» ҳақида
1917 йилнинг 7 апрель куни «Фармони олий» эълон
қилинди. Маросимда Самарканд тараққийпарварлари-
дан машҳур Махмудхўжа Бехбудий катнашди. Ислоҳот
билан табрик этди. Ёш бухоролилар Фармонни намойиш
билан кутиб олишга қарор қилдилар. Хиёбонда кўп
мингкишилиқ митинг ўтказилди. Намойиш амир саройи
олдига — Регистонга йўл олди. Сўллик, сонсиз қизил
байроқлару майда миллат саналган эроний, яхудий,

лезгинларнинг намойишдаги фаоллиги мутаассиб мусулмонларни ғазабга миндирди. Амир собиқ чор ҳукумати-нинг Бухородаги вакиллари Миллер ва Шульга маслаҳати билан бундан фойдаланди. Қарши хужумга ўтди.

Асосий кучларни сақлаб қолиш, Туркистондан мадад олиш керак эди. Фитрат икки киши билан Тошкентга йўл олди. Бухорода қолганлар яширин ишлашга ўтдилар. Ёш бухоролилар партиясининг Муҳитдин Мансуров бош янги Марказий Комитети тузилиб, амир билан музокара олиб борадиган бўлди. Музокара муваффақиятсиз тугади.

Мана шундай кунларнинг бирида Петроградда Октябрь ходисалари бўлиб ўтди. Бу воқеанинг Бухорога қачон ва қандай етиб келганлиги ҳақида бир нарса дейиш қийин. Лекин шуниси аниқки, у бу ерга Февралчалик таъсир кўрсатмади. Ф. Хўжаев «Бизнинг ташкилотимиз аввалига тушунмади», «Муваққат ҳукумат афдариб ташланганлиги тўғрисидаги хабарни эшитган ёш бухоролилар дастлаб саросимага тушиб қолдилар», деб ёзади ва буни асослашга ҳаракат қилади. Шуни ҳисобга олиш керакки, бу фикрларнинг ҳаммаси унинг Бухоро инқилобига доир китобининг иккинчи нашридан олинган. Бу нашр эса Октябрнинг обрўсига путур етказувчи ҳар қандай фикр қувғинга учраб, қарашлар яқинлашаётган қатағон қолипига туширилаётган 30-йилларда амалга ошган.

Фитратнинг ҳам 25 Октябрга муносабати ўша йиллар матбуотида акс этиб қолган. Масалан, самарқандлик жадидлар томонидан 1917 йилнинг 15 апрелидан бошлаб «Хуррият»¹ газетаси чиқади. Унга дастлаб

¹ Чўлпон Фитратнинг бир қатор эхтиросли шеърлари шу газетада чоп этилганини хабар қилади. Эндигина адабиётга кириб келаётган истеъдодли шоир билан номи четларда ҳам машҳур адиб орасидаги

Мардонкул Шохмухаммадзода деган киши муҳаррирлик қилган. Бехбудий, Сиддикий-Ажзий каби таниқли адиблар шеър ва мақолалари билан қатнашганлар. Ҳожи Муин таҳрир ҳайъатида ишлаган. 27-сонидан то охири 87-сонигача (1918 йил) газетада Абдурауф Фитрат муҳаррирлик вазифасини бажарган. Мана шу газетанинг 1917 йил 49-сониди (7 ноябрь) «Хабарлар» руқносида 25 октябрда Қишки саройнинг эгалланиши ва Муваққат ҳукуматнинг қамолга олиниши муносабати билан Фитратнинг «Русияда янги бир бало бош кўтарди — бошавик балоси!» — деган қайдига дуч келамиз. Шоир сўнгрок бу воқеани «Юрт қайғуси» сифатида баҳолади.

Дарҳақиқат, 1917 йил Фитрат учун қувонч ва аламга тўла йил бўлди. Оқ подшонинг қулаши унга тобеъ Бухоро ва Туркистонда ҳам эркинлик, мустақиллик томон йўл очгандек эди. Бирок, маълум бўлдики, уни қўлга олиш, эгаллаш керак экан. Сўнг эса ушлаб туриш. Бунинг учун фарзандлар керак. Ўзлигини англаган, эсли, ҳушли ва фидойи. Адибнинг «Хуррият» саноатларидаги туркум мақолалари, бадиалари шу ҳақда.

«Эй, улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? — деб хитоб қилади у. — Дунёни «урҳо»лари билан титратган йўлбарс юракли болаларинг қани? Нечун товушлари чиқмайдир?.. Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларин ўзгаларга нечун қўйдилар?» (1917 йил 28 июль).

«Бир ўзбек йигитининг тилидан» (ўша газета, 18 август) бадиасида Ватан бош-оёғи яланг, танасида ададсиз қамчи излари, кўксидаги яраларидан қон тома-

ҳамкорлик ҳам шу газетадан бошланган. Фитрат Чўлпон юборган шеърларни қўллаб-қувватлайди, уларга юксак баҳо бериб, ушбу газетада босиб чиқаради.

ётган ҳолсиз, дармонсиз аёл тимсолида ифодаланади. Бу тимсол, бу хаёл «ўзбек йигити»ни тушида ҳам, ўнгида ҳам таъкиб этади. Ўзбек йигити «ғамли она — муқаддас Турон» хаёли билан муроқабага киришади. Ундан айрилмоқни ўзи учун ўлим, унинг учун ўлмоқни эса тириклик ҳисоблайди. Уни қутқармоққа онт ичади:

«Устимга илонлар эмас, шайтонлар қўшини келса, оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса, яна сен сари чопарман. Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чўлининг темир тиконлари қўзларимга кирса, яна сени қутқараман.

Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман!..

Ўлим сенинг ўлиминг истаганларга, нафрат сени кўмгани келганларга!»

Бошқа бир мақоласида эса «шарафи таланган, номус-эътибори, имон-виждони оёғости бўлган», «юрти, улоғи, ўчоғи» ёт қўлларга тушган авлод номидан буюк бобокалон Темурга паноҳ излаб боради. (31 октябрь).

Айни пайтда миллий мустақил давлат тузиш ғояси Туркистон матбуотида қизғин муҳокама қилиниб борди.

Воқеалар шиддат билан давом этди. Петрограддаги Октябрь ўзгаришидан кўп ўтмай, 1 ноябрда Тошкентда рус большевиклари ҳокимиятни қўлларига олдилар. 15-22 ноябрда Ўлка Советларининг III съезди бўлиб ўтди. Съезд 15 кишидан иборат Ўлка олий ҳокимияти Туркистон ХКС'ни сайлади. 7 большевик, 8 «сўл» эсердан иборат 15 кишининг ҳаммаси европаликлар эди. Бошқача айтганда, Туркистондаги янги совет ҳукумати рус большевик-эсер, тўғрироғи, эсер-большевик ҳукумати эди. Шу тариқа, 1917 йил 15 ноябрда Ленин ва Сталин имзо чеккан «Россия халқлари ҳуқуқлари декларация-

¹ Халқ Комиссарлари Совети (Нозирлар кенгаши)ни сайлади.

си»даги «миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳукуки», «барча миллий ва миллий-диний имтиёзлар ва чекланишларни ман этиш» ҳақидаги баёнот бир четда қолиб кетди. Туркистоннинг 98 фойизини ташкил этувчи 10 миллион жон мусулмонларнинг хоҳиш-ирода-си билан ҳеч ким ҳисоблашмади. Аксинча, «мусулмонларни ўлка олий инкилобий органига киритиш» «номатлуб» топилди.

Мана шундай бир шароитда 26 ноябрда Қўконда ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV курултойи очилди. Унда ўлканинг турли шаҳарларидан 203 вакил иштирок этди. Муҳими шундаки, йиғин миллий ва диний чеклашлардан холи бўлди. Хайъатга сайланганлар орасида европаликлар ҳам бор эди. 27 ноябрь коқ ярим кечада курултой тарихий қарор қабул қилади. Туркистон мухторияти тузилади. Унинг демократик (ҳатто ўта демократик) асосларда тузилганини шундан ҳам билса бўладики, умум-ўлка аҳолисининг атиги 2 фойизини ташкил этган европаликларга 54 кишилиқ халқ бошқаруви кенгашининг учдан бир қисми (18 ўрин) ажратилган эди.

Фитрат Туркистон мухториятини сўнгсиз меҳр билан қарши олди. У эълон қилинган 27 ноябрь тунини «миллий лайлатулқадримиз» деб атади. Изтироб тўла қувончини шундай ифода этди:

«Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз босилди. Молимиз таланди. Шарафимиз емурулди. Номусимиз ғасб қилинди. Инсонлигимиз оёғлар остига олинди. Тўзимли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруғга бўйун сундук. Бутун борлигимизни қўлдан бердик. Елғиз бир фикрни бермадук, ёшунтурдук, имонларимизга ўраб сақладук. Бу — Туркистон мухторияти!

Маҳкама эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруксиз, турмаларда ётганда, йиртғуч жандарманинг тепкуси билан йиқилганда, юртларимиз ёндурулғонда, диндошларимиз осилғонда онгимиз йўқолди. Миямиз бузулди. Кўзимиз ёғдусиз қолди. Бирор нарсани кўролмадик. Шул чоғда тушкун руҳимизни кўтармак учун, шул қоп-қоронғу дунёнинг узок бир еринда ойдин бир юлдуз ялқиллаб тура эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўра эди. Ул нима эди?— Туркистон мухторияти!» («Хуррият» г., 1917 й., 5 декабрь).

Табиийки, уни сақламок, ҳимоя қилмок учун куч керак эди. Фитрат буни ҳам хотирдан чиқарган эмас.

Мухторият Тошкентда ҳам акс-садо берди. Шаҳарда хайрихоҳлик намоиши бўлиб ўтди. Бухорода эса ёш бухоролиларнинг амир билан баҳси давом этарди. Қураш ғоят кескинлашган эди. Ёш бухоролилар кучларни қайта сақлаб чиқдилар. 11 кишилиқ янги Марказий Комитет тузилди. Партиянинг ислохот ҳақидаги дастурига эҳтиёж сезилди. Усиз иш юрмай қолди.

Ислохотлар лойиҳасини тузиш ноябрнинг сўнгги кунларидан бирида Фитратга топширилди. Роса икки ой ўтгач, Фитрат лойиҳани Марказий Комитетга тақдим этди ва у бир оз тузатишлар билан қабул қилинди.

Ф. Хўжаев ўз китобида бу лойиҳанинг асосий нуқталарига тўхталган. Бинобарин, уни ҳам ўша давр, ҳам бугунги кун нуқтаи назаридан кўриб чиқиш имкони бор.

Аввало, унда амирликни сақлаш фақат маршрутга — конституцион маърифатли монархияга айлантириш асос қилиб олинган эди. Иккинчидан, катта эътибор деҳқончилик ва қишлоқ хўжалиги масалаларига қаратилди. Ҳайдаладиган ерлар уч гуруҳга — вақф ерларига, хусусий ва давлат ерлари (амлок, хирож)га бўлинади. Вақф ерларини бошқармок учун алоҳида

вақф назорати ташкил этиш, уларнинг ишини маориф ва илм-фаннинг равнақини таъминлайдиган шаклда қайта тузиш; шу орқали халқ маорифи ва социал таъминот учун моддий негиз вужудга келтириш; давлат ерларини алоҳида шартлар билан ижарага бериш; катта ер эгаларининг ерларига солинадиган солиқларни кўпайтириш; экилган ва экилмаган ерларга солинадиган солиқ миқдорини барабарлаштириш ва шу орқали ердан унумли фойдаланишга йўл очиш ва ҳ. к.

Муаллиф ҳатто Бухорода қишлоқ хўжалик банки ташкил этиш ва унинг бўлимларини вилоятларда кўпайтириб, шулар орқали деҳқонларни судхўрлар чангалидан қутқариш, уларга четдан қишлоқ хўжалик машиналари олиб келиш, фойдаланишни йўлга қўйиш каби масалаларни ўртага ташлаган эди. Булар устидан таъсис этилажак ер ишлари нозири назорат ўрнатиши лозим эди.

Ҳарбий, молиявий ишларга ҳам эътибор берилди.

Ҳарбий бурчни бажариш ҳамма учун мажбурий бўлиши, 22 ёшга етган, врачлар томонидан соғлом ва яроқли топилган ҳар бир йигит 2 йил хизмат қилиши шарт қилиб қўйилди. Уларнинг моддий таъминотига, таълим-тарбиясини ошириб бориши лозимлигига, умуман бу соҳада европача тартиб-усулларни қўллашга диққатни қаратилди. Ҳарбий ишларнинг ҳаммаси ҳарбий нозирликда марказлаштирилиши лозим бўлиб, бундай нозирликларнинг адади ўнтага етар эди.

Лойиҳанинг энг муҳим нуқталаридан бири адлия ишларининг шариат қонунлари асосида белгиланиши эди. Адлия нозири айни вақтда қозикалон бўлиб ҳам ҳисобланарди.

Табиийки, лойиҳанинг энг жиддий камчилиги, жумҳурият ғоясининг йўқлиги, парламентаризмнинг четлаб ўтилгани эди. Лекин жуда кўп жиҳатларининг халқ

хаётини яхшилаш йўлида хизмат қилишига шубҳа йўқ эди. «Бундан ташқари,— деб ёзади Ф. Хўжаев,— у дин-бузарлар деб тўнқалган айбни ёш бухоролилар устидан олиб ташлади, бу эса аҳоли орасидаги барча табақаларнинг жадидизмга муносабати учун катта аҳамиятга эга бўлди ва контрреволюцион ташвиқотнинг асосий куролини рухонийлар қўлидан уриб туширди» (138-бет).

Бунга шуни қўшимча қилиш мумкинки, Фитратнинг дин ва шариятга бу қадар эътибор бериши унинг инқилобдан кейин ёзган бир қатор асарларида атеизмни кўришга мойил бўлган айрим тадқиқотчиларимизнинг ноҳақ эканликларини таъкидлайди. Дарвоқеъ, унинг 1917 йилда чиққан «Тарихи ислом» асари ҳам бунга шохид. Дастурнинг ўзига келадиган бўлсак, у ўшанда маълум сабабларга кўра амалга ошмай қолди, сўнгрок Ф. Хўжаев уни яна бир кўриб чиқди. Шунга қарамасдан, дастур ёш бухоролиларнинг ижтимоий чархланишида катта роль ўйнади.

Машҳур «Колесов воқеаси» аҳволни мураккаблаштириб юборди. Бу воқеанинг тафсилоти ҳаммага маълум. Туркистон ХКСнинг раиси Ф. И. Колесов 1918 йилнинг февralида Ашхободга ўта туриб, Когонда тўхтаган эди. У ердаги рус инқилобчилари ва ёш бухоролилар амирга қарши биргаликда курашмоқ учун Колесовдан ёрдам сўрайдилар. Битим тузилади. Ҳаракат плани ишлаб чиқилади. Туркистон ҳукумати ёш бухоролиларни қурол-яроғ билан таъминлаши, белгиланган вақтда уларнинг Эски Бухорода қуролли қўзғолон бошлашлари келишиб олинади. Қизил аскарлар темир йўл ёқасида ёрдамга шай бўлиб туришлари лозим эди. Ёш бухоролилар ўзларини шу дамдан бошлаб партия деб расман эълон қиладилар. Қўзғолон режаси атрофлича муҳокама этилади. Унга раҳбарлик қилиш учун 7 кишилик

инкилобий қўмита сайланади. Қўмита раиси Ф. Хўжаев, аъзоларидан бири эса Фитрат эди.

Шу орада «Қўкон воқеаси» содир бўлди. 19-20 февралда Қўкон ва унинг атрофи Туркистон ҳарбий комиссари Е. Перфильев буйруғи билан озодлик ва инкилоб шиорлари остида қонга ботирилди. Айрим манбаларга кўра, шаҳар уч кун ёнган. 10 мингдан ортиқ туркистонли ўлдирилган. Сиёсат учун Фарғона водийсидаги 180 қишлоққа ўт қўйилган. Ерли халқдан Марғилонда 7000, Андижонда 6000, Наманганда 2000, Бўзқўрғон ва Қўқонқишлоқда 4500 га яқин киши ўлдирилган.¹

Меньшевик Х. Вайнштейн Ташсоветнинг 23 февраль йиғилишида Перфильевни чор генерали Куропаткиндан фарқсиз топади. Синфий курашни миллий курашга айлантирган, чор ҳукуматигина журъат этган усулларни қўллаган ҳукуматни каттиқ танқид қилади. Барча айбдорларни каттиқ жавобгарликка тортиш учун дарҳол комиссия чақиришни талаб этади.² Табиийки, Туркистоннинг қонуний, демократик асосларида тузилган ҳукуматини бу қадар шафқатсизлик билан тугатишда Ф. И. Колесовнинг катта «хизмати» бор эди.

Тошкентдан рус эсер-большевик ҳукумати-Туркистон Х. К. С. раиси сифатида Е. Перфильевни Қўқонга юборган ва уни ҳар жиҳатдан таъминлаб турган мана шу Колесов эди. Булар Туркистон мухториятига жуда катта умид билан қараган ёш бухороликларнинг амирга қарши биргаликда курашларига таъсир этмай иложи йўқ эди.

¹ См. Ш. Шомагдиев, Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Т., 1961, стр. 54-56

² Қаранг: М. Ҳасанов, Туркистон мухторияти: ҳақиқат ва уйдирма, «Фан ва турмуш», ж. 1990, 11-сон.

Ф. Колесов Қўқонни «тинчитгач», Бухоро билан «шуғулланди». Ёш бухороликларга битимда келишилган қуро-л-яроғ берилмади. Қуро-лли қўзғолон ичдан эмас, сиртдан бошланди. Бу ҳол халқ билан унинг чинакам халоскорлари орасида ўтиб бўлмас чоҳ майдонга келтирди. Аҳоли Бухорога бостириб келаётган қуро-лли қизил аскарларни кўриб, йўқ, бу халқнинг норозилик ҳаракати эмас, ғайридинларнинг, ажнабийларнинг Бухорои шарифга бостириб кириши деб билди. Уларнинг ёнида юрган ёш бухороликлар ўз-ўзидан динини, ватанини, имонини ўрисга сотаётган энг қабих кишилар бўлиб кўринди.

Хуллас, Ф. Колесов ва Ф. Хўжаевнинг 24 соат ичида ҳукуматни тарқатиб, ўрнига ёш бухороликларнинг ижроқомини тайинлаш ҳақидаги ултиматуми амалга ошмади. Амир ғазабга миниб ҳужумга ўтди. Колесов Тошкент томон чекинишга мажбур бўлди. Таъқиб Қарманагача давом этди. Амир ёш бухороликларни, лоақол улардан учтасини — Ф. Хўжаев, Фитрат, Бурхоновни тутиб берсагина, таъқиб ва кирғинни тўхтатишини айтди. Тошкентдан етиб келган Колозаев отрядигина уларнинг жонига оро кирди, Колесов қўшини ва улар билан бирга бўлган ёш бухороликлар омон қолдилар. Бироқ тараққийпарварларнинг Бухорода қолган қисми катағон қилинди. 3000 га яқин кишининг қони тўқилди. Шу тариқа «Колесов воқеаси» деб номланган 1918 йил мартадаги бу фожеа ёш бухороликлар ҳаракатининг тор-мор бўлиши билан якун топди. Омон қолган ёш бухороликлар Колесов билан 1918 йилнинг 17 мартада Самарқандга етиб келган эдилар. Ўша йилги Туркистондаги қаҳатчилик уларни турли томонга тарқаб кетишга мажбур қилди. Айримлари нобуд бўлдилар. Бир қисми Самарқандда қолди. Катта қисми (400 га яқин) Тошкентга келди. Айний таржиман ҳолидан маълум

бўлишича, у 1918 йилнинг 22 апрелида Тошкентга келиб, 6 ой яшаган.

Хуллас, бухороликларнинг жон сақлаб қолган қисми, асосан, Самарқанд ва Тошкентда паноҳ топди. Уларнинг ҳам бир қисми сиёсатдан узоқлашиб кетди. Шунга қарамай, бу икки шаҳарда мазкур ҳаракатнинг икки маркази майдонга келди. Тошкент маркази заминидан Бухоро Коммунистик партияси тузилди. 1918 йилнинг 25 сентябрида унинг Марказий комитети ҳам сайланди. Фитрат ва Ф. Хўжаев Тошкентга келган эдилар.

Ф. Хўжаев ёзади: «Фитрат партия ва сиёсий иш билан алоқани гарчи расмий равишда узмаган бўлса ҳам, аммо маданий-оқартув ишларига бутун вужуди билан берилиб кетиб ва айни вақтда Афғонистон элчихонаси хизматига кириб, партияда актив ишламай қўйди.

Мен ўзим ўша вақтда Туркистонда эмас эдим, ваколатларимни гарданымдан соқит қилганимдан кейин Москвага кетиб қолган эдим» (170-бет).

Фитрат ҳам Тошкентга Айний сингари 1918 йилнинг апрелида келган бўлиши керак. У турган манзил 1937 йил 22 июлда тузилган «Маҳбуслик анкета»сида Тошкент шаҳри, Гулистон маҳалласи, 116-уй деб кўрсатилган. Таниқли журналист Аъзам Айюб 1918 йилда Хадрадаги мактабда Фитрат кўлида ўқиган. Мактабда «Еш юрак» номли болалар уюшмаси ва унинг қўлёзма мажалласи бўлган. Бинобарин, Фитратнинг Тошкентдаги фаолияти ўқитувчиликдан бошланган деб тахмин қилиш мумкин. Чўлпон юқорида қайд этилган кўрсатмасида унинг Фитрат билан биринчи учрашуви 1919 йилнинг бошида Тошкентда бўлганини маълум қилади. 1919-1920 йилда эса у Афғонистоннинг Тошкентдаги элчихонасида таржимонлик вазифасида расмий хизматда бўлган. ИИХК (ДХК) материалларидан:

«Сўзларга қараганда, элчихонанинг раҳбарлари

билан жуда якин муносабатда бўлган. Афғонистоннинг йирик давлат арбоблари Маҳмуд Тарзий ва унинг шогирди Абдул Ҳаддихон ҳақида ниҳоятда баланд фикрлар билдирган».

Шунингдек, айрим ҳужжатларда Фитратнинг Афғонистоннинг Туркистонга юборилган 1919 йилдаги вакилларида генерал Мирзо Муҳаммадхон билан якин муносабатлари тилга олинади.

Янги рус-афғон муносабатлари эндигина йўлга қўйилаётган пайтлар эди.

Хусусан, 1919 йилда Омонуллохон афғон тахтига чиққач, бу алоқа амалий тус олди. Унинг ўз қайинотаси «Ёш афғонлар» ҳаракатининг ғоявий раҳбари, «Сирожул ахбор» жаридасининг ношир ва муҳаррири тараққийчилар сардори Маҳмуд Тарзий (1868-1935)га ихлоси баланд эди. Шу сабабли тахтга чиқиши билан уни ташқи ишлар министри қилиб тайинлайди.

Омонуллохоннинг мирзоси Абдулрахимхон валади Абдулқажум бош ваколат ҳайъати Тошкентга келади. Унга жавобан 1919 йил 15 июнда РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлигининг вакили Н. З. Бравин бошчилигидаги вакиллар ҳайъати Афғонистонга йўл оладилар.

Омонуллохон билан узок музокаралар олиб борилади. Ва буларнинг натижаси сифатида Кобул, Ҳирот, Мозори Шарифда РСФСР элчихоналари очилади. Н. З. Бравинга муовин тайинланиб борган Туркистон марказий ижроия комитети аъзоси Абдулла Авлоний 1919 йилнинг 26 октябридан 1920 йилнинг 28 июлига қадар РСФСРнинг Ҳиротдаги мухтор элчиси бўлиб туради.

Алоқалар мунтазам тус олган. Масалан, Авлоний 1919 йилнинг 13 августиди афғон амирининг жуда катта ваколоти билан Туркистонга келаётган генерал Мирзо Муҳаммадхон бошчилигидаги вакиллар ҳайъатини Аф-

ғонистоннинг Зарсанг мавзеида учратганини хабар қилган эди.¹ 20 кишилик бу ҳайъат таркибида таржимон сифатида ўз юртига келаётган шоиримиз Муҳаммадшариф Сўфизода ҳам бор эди.

Авлоний «Афғон саёҳати»да вакилларимиз номидан ҳайъат қўлига ёзиб берган хат нусхасини илова қилган:

Сана 1919 мелодий. 13 августус. Туфроғ Афғонистон. Работи Зарсанга ёзилди.

Русия Иштирокиюн Қўмитасининг Туркистон

муслмонларининг марказбюросина!

Зоти олийларингизга маълум эдарамки, ушбу зоти шавкатмаоб Мирзо Муҳаммадхон генерал Афғонистон амири тарафи олийлариндан буюк ваколат ила бизим Туркистона ташриф буюражақлар.

Муҳтарам афандилар! Ҳар ҳолда бу зотинг эҳтиромларин ерина етурувингиза аминам.

Боқий эҳтиром.

Русия Шўролар Жумҳуриятининг Афғонистон вакиллариндан.

имзо. ²

Афсуски, Фитратнинг 1919-1920 йиллардаги Афғонистоннинг таниқли сиёсий ва маданий арбоблари билан бўлган мулоқотлари тафсилотлари қўлимиздаги мавжуд материалларда йўқ. Улар ҳақда конкрет сўз юритиш учун қўшимча маълумотлар керак. Лекин бир нарсани аниқ. Фитрат Туркия сингари Афғонистоннинг ҳам сиёсий, маданий-адабий, маориф ҳаёти билан яқиндан

¹ Қаранг: Абдулла Авлоний, Афғон саёҳати, «Шарк юлдузи» ж, 1990 й. 7-сон. 194-бет.

² Уша ерда.

қизиққан. Матбуоти ва адабиётидан мунтазам хабардор бўлиб борган. Мактублар алмашиб турган. Келди-кетдида учрашган, суҳбатлашган. Бунга шубҳа йўқ. У «Еш бухороликлар» партиясининг раҳбарларидан эди. Ижодкор сифатида эса уни Туркистону Бухородагина эмас, Туркия-ю Афғонистонда ҳам танир эдилар. Унинг афғон элчихонасидаги 2 йиллик расмий фаолияти адабий-маданий ҳамкорликка, у орқали эса икки мамлакат орасидаги яқинлашувга хизмат қилган. Афсуски, адиб уйда сақланган Афғон маориф нозирлигининг «Таквим»и (календарь), ёзишмалар, Афғонистоннинг Тошкентдаги элчиси Муҳаммад Аслонжон, таниқли афғон генералларидан Муҳаммад Валихон ва Авлоний ёрдам кўрсатишни илтимос қилиб хат ёзиб берган Мирзо Муҳаммадхон билан суҳбатлар 1937 йилда айбловга хизмат қилдирилди.

Фитратнинг Тошкентдаги энг катта ишларидан бири «Чиғатой гурунги»ни йўлга қўйгани бўлди. Маданиятимиз тарихида алоҳида ўринга эга, ўтмиш меросимизни ўрганиш ва улардан халқни баҳраманд этиш, авлодларни аجدодларнинг ўлмас руҳияти билан боғлашда бениҳоя катта хизмат қилган бу жамият ҳақида, афсуски, ҳалига қадар ҳаққоний гап айтилган эмас. Ҳолбуки, уни атрофлича текшириш ва баҳолаш пайти аллақачон келган.

«Чиғатой гурунги» 1918 йилнинг охири, 1919 йилнинг бошларида юзага чиқди. Ва таъкидлаш лозимки, у аллақаяқдан олиб келинган эмас, шу ерда ташкил топган. Иккинчидан, қандайдир нолегал ёхуд норасмий эмас, мутлақо қонуний, шу ер ҳукуматининг — ТАСССРнинг «сипориши» (ижозати) билан тузилган ташкилот. Шу жойдаги Иштирокиюн фирқаси — ТКП мусулмон бюросининг Туркистон халқлари маданий меросини тўплаш ва ўрганиш ҳақидаги топшириғини бажарган. Ни-

хоят у — маданий-адабий ташкилот эди. Йўналишига кўра ислохотчиликни кўзда тутарди. Фитрат маданиятимиз тараққиётининг бир овоздан тан олинган энг юксак чўққиси — Навоий даврини кўп жиҳатдан ибрат қилиб олди. «Жамият»ини ҳам ҳозирги ўзбек халқининг XV асрдаги номи билан атади. Маълумки, Чингиз забт этган ерларнинг бир қисми, шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон сарҳади ўғли Чиғатойга мулк қилиб берилган ва бу жойлардаги халқлар унинг номи билан «Чиғатой улуси» номланиб кетди. Ҳокимият унинг сўнгги авлоди Туғлуқ темурдан Шаҳрисабзлик барлос Темурга ўтгандан кейин ҳам бу ном сақланиб қолди. Муҳаммад Солих теурийларнинг Мовароуннаҳрдаги сўнгги ҳукмдори Заҳириддин Бобурни ҳам «чиғатой» деб атайди. Буюк Навоий эса «чиғатой лафзи»деганда эски ўзбек тилини, «чиғатой халқи» деганда ҳозирги ўзбекларнинг ўша даврдаги вакиллари кўзда тутди.

Жамиятнинг номланишида ҳам, унинг ўз олдига қўйган мақсад — вазифасида ҳам узок йиллар ўқувчилар миясига қуйиб келинганидек, ўтмишни қандайдир илоҳийлаштириш, айниқса, уни қайсидир бошқа миллатнинг маданиятига зид қўйиш йўқ эди. Миллат ўз кадр-қиммати, тарих-тақдирини англаётган — уйғонаётган пайт эди. Уйғониш ота-онани, эл-юртни танишдан, ўзликни англашдан, ўз тарихи, маданияти билан ифтихор эта олишдан бошланарди. Ҳақ-ҳуқуқ масалалари бундан кейинги гаплар эди.

Чўлпон жамиятнинг фаол аъзолари сифатида қуйидаги кишиларни кўрсатади: Фитрат, Қаюм Рамазонов, Шорасул Зуннун, Элбек, Шокиржон Раҳимий, Ғулом Зафарий, Мирмулло Шермухамедов, Ғози Юнусов, Чўлпон, Боту, Санжар Сиддиқов, Маннон Рамзий, Уйғур.

Жамият фаолиятида тил масалалари алоҳида ўрин тутди. «Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси

тилдир, биласизми? — савол қўйган эди Фитрат «Тилимиз» мақоласида ва — Туркча! — деб жавоб берган ҳамда ўз фикрини атрофлича исбот қилиб кўрсатган эди. Ҳ. Болтабоев тузган «Фитратнинг эълон қилинган ва нашрга тайёрланган асарлари рўйхати»да («Ешлик» ж., 1990 й, 4-сон) унинг Шокиржон Раҳимий ва Қаюм Рамазон билан ҳаммуаллифликда 1918 йилда «Она тили (дарслик) китобини нашр эттиргани қайд этилган. ИИХК материалларига кўра, аниқроғи, Қаюм Рамазоннинг 1937 йил 29 июлдаги сўроқ протоколидан маълум бўлишича, улар икковлари биргаликда 1919 йилда «Битим йўллари» деган ўқув кўлланмаси бостирганлар. «Битим йўллари» имло, тўғрироғи чўзғилар — унлилар имлоси ҳақида эди. «Чигатой гурунги» қошида махсус имло тўдаси иш олиб борар эди. Жамият шу йили тилимло масалаларига бағишланган конференция уюштирди. Унда Фитратнинг ўзи маъруза қилди. Тилни миллатнинг шаъну шарафи, ор-номуси деб билди. Уни кўз қорачиғидай сақлашга, бойитиш, тараққий қилдиришга диққатни қаратди. Айни пайтда она тилини чет сўзлар ҳисобига эмас, аксинча, усмонлилар сингари кўпроқ ўз имкониятлари ҳисобига бойитиш ва тараққий қилдиришни илгари сурди. Шунингдек, туркий тиллар учун сингармонизм ҳодисаси хос эканлигини айтди. Шарк адабиётининг ўзгача тараққиёти ҳақида фикр юритди. Буларнинг ҳаммаси бир қолипга, хусусан, марксизм андозаларига тушавермаслигини ёзди. «Чигатой»чилар адабий тил, унинг назарий-амалий масалалари билан шуғулландилар. Ўтмишга, хусусан чигатой адабиётига катта ихлос билан қараган ҳолда халқ тилига, халқона ифодага, миллий заминга алоҳида эътибор берилди. Масалан, шеърдаги ҳижо — бармоқнинг асли эски туркий вазн эканлигини илмий асослаб, амалий намойиш этдилар. «Бармоқ вазнида шеърни бошлаб Чўлпон ёзди-

ми, мен ёздимми — эсимда йўқ, Факат шуниси аниқки, бармоқ вазнини назарий жиҳатдан ёқлаб чиққан биринчи ўзбек миллатчиси мен эдим»,— деб ёзади Фитрат 1936 йилда.

«Чиғатой»чилар миллатнинг ҳаёт ва истикболи учун 50 йил давомида узилиб қолган тарих билан миллий-маданий уланиш шарт эканлигини теран ҳис қилдилар. Шунинг учун миллий мактабларга алоҳида эътибор бердилар.

Бироқ 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бундай ҳаракатларга сиёсий баҳо бериш бошланди.

1920 йил 9 апрелда «Тонг» журналининг 1-сони босмадан чиқди. У Тошкентда тузилган Бухоро Коммунистлар фирқасининг нашриёт шуъбаси сифатида майдонга келди. Журналнинг ташаббускори ва муҳаррири Фитрат, таҳрир ҳайъати эса Боту билан Элбекдан иборат эди. Шиори: «Яшасин илми, адабий, ижтимоий ўзгариш! Мия ўзгармагунча, бошқа ўзгаришлар негиз тутмас! Яшасин Шарқ кутулиши!» сўзлари эди.

Журналда Фитратдан Чўлпону Жулкунбойгача — «Чиғатой гурунги»нинг барча-барчаси иштирок этди. Бироқ «Тонг» мажалласи у 1920 йилнинг 15 майида 3-сони чиқиб тўхтаб қолди. Шунга қарамасдан, катта иш қилиб кетди. «Бу журнал тил ва имло масаласига жуда катта аҳамият берди ва бу йўлда яхшигина ишлади»,— деб ёзди Зиё Саид ва «туркчанинг тугаллигини, имломизнинг уйғунлигини кўрсатганлигини, «Чиғатой гурунги»нинг йиғинларини, «имло йўсинларини тўпламоқ учун сайланган «Имло тўдаси»нинг ишларини» кенг ёритиб борганини, тилнинг тозаллигига, софлигига эътиборни қаратганлигини алоҳида таъкидлади.¹

Чўлпоннинг гувоҳлик беришича, Фитратнинг «Ўғиз-

¹ Зиё Саид, Танланган асарлар, Т., 1974, 81-82-бетлар.

хон», «Чин севиш» «Ҳинд ихтилолчилари» асарлари унинг мана шу Тошкент даврида ёзилган. Ҳ. Олимжон ҳам 1936 йилнинг муҳри билан майдонга келган машҳур «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида» мақоласида кейинги ҳар икки драмани 1920 йилларга тўғри келади деб кўрсатади. «Темур соғонаси»нинг айрим лавҳалари «Хуррият» газетасининг 1917 йилги сонларида босилган эди. «Ўғизхон», Ҳ. Болтабоев аниқлашича, босилмаган.

«Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилолчилари» 1920-1923 йилларда чоп этилган. Ҳар иккисининг мавзубитта, Ҳиндистон озодлиги. Шунга кўра бу икки асарни Ҳ. Олимжон бир асарнинг икки варианты деб ҳисоблайди. Бу икки асарни тўғри тушуниш учун ўша давр Ҳиндистони билан Туркистонининг аҳволи ва масалаларини сал эсга олмоқ керак бўлади. Аввало, воқеаларни бошқа ерга кўчириш янгилик эмас. Масалан, замондоши машҳур турк адиби Абдулҳақ Ҳамиднинг 31 пьесасидан бирортаси ҳам Туркия ҳаётидан олинган эмас. Ватандоши Абдулла Авлоний драмаларидан бири 1908 йилги ёш турклар, иккинчиси 1910 йилги Португалия инқилоби ҳақида. Иккинчидан, 20-аср бошларида шарқ мамлакатларидаги мустамлакачиликка қарши миллий озодлик ҳаракатларини кучайтириб юборди. Шу жумладан, Ҳиндистонда инглиз мустамлака зулмига қарши кураш авж олди. 1918-1919 йилларда дастлаб Бенгалияда, сўнг Амритсарда халқ ғалаёнлари қонли тўқнашувлар билан тугади. Бу воқеалар ҳақида жаҳон матбуотида мақолалар пайдо бўлди. Жумладан, ҳиндистонлик Жаббор Қаҳҳорийнинг «Ҳиндистонда ихтилол ҳаракатлари» сарлавҳали мақоласи Истамбулда «Ахувват» мажалласида босилиб чиқди. «Иштирокиюн»газетаси 1919 йил 14 апрель сониди уни ўзбек тилида босиб чиқарди. Туркистонликлар, бинобарин, Фитрат ҳам Ҳиндистонда юз бераётган воқеалардан хабардор эдилар.

Тўғри, хиндиларнинг инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борган озодлик кураши кўп ҳолларда Маҳатма Гандининг «сатяграҳа» (куч ишлатмасдан курашиш) шаклида, яъни тинч намойишлар ўтказиш, мустамлака товарларини бойкот қилиш, расмий мансаб-унвонлардан воз кечиш, солиқ тўлашдан бош тортиш кабилар орқали амалга оширилди. Табиийки, ҳукумат итоат этмаслик билан қаршилиқ кўрсатишга зўравонлик билан жавоб берди. Масалан. 1919 йил 13 апрелда Амритсарда тинч митинг катнашчилари ўққа тугилди. 2000 га яқин киши ҳалок бўлди. Кураш яна авж олди.

Туркистонда 1917 йил Февраль, Октябрь ўзгаришлари миллий мустақиллик масаласида ҳеч нарса бермади. Бу йўлдаги уринишлар (масалан, Туркистон мухторияти) шафқатсиз зарбага учради. Окибат шу бўлдики, биринчидан Туркистоннинг маҳаллий туб жой халқига ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга йўл берилмади. Иккинчидан, ҳокимият туркистонликлар қўлига тегмади. Ҳокимият чор мустамлакачиларидан совет мустамлакачилари қўлига ўтди. Энг ёмони, буларнинг ҳаммаси маҳаллий халқ, ишчи-деҳқонлар номи билан қилинди. Тарғибот машинаси ишга туширилиб, тенглик, эркинлик, бахт-саодат ҳақида қулоқларга қуйила бошланди. Октябрь сарҳад олиниб, тарих қок иккига бўлиб ташланди: ундан олдини — қоп қора, кейини — оппоқ.

1920 йилги Бухоро инкилоби-чи? Тўғри, Фитрат у пайтда Бухорода йўқ эди. Лекин 1921 йилда Бухородаги меҳмонхонасида Чўлпон шарафига берилган зиёфатда Шарифжон козининг ¹ ҳақли эътирозларига жавобан «Ахир биз бунақа инкилобни истаган эмасмиз,

¹ Бухоронинг тараққийпарвар кишиларидан, қозикалон ҳам бўлган. 1918 йилда амир қамоққа олган эди.

таксир!» — дейди. Ва бу гап машъум 37-йилда жиддий айбловлардан бўлиб ишга тиркалади.

Дарвоқеъ, Фитратнинг 20-йиллардаги шеърларида ҳам инқилоб ва уни идрок этиш асосий ўрин эгаллайди. Масалан, 1922 йилда босилган «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламидаги «Миррих юлдузига» шеърида шоир юлдуз билан сирлашади. Ердаги тубанликлар, хўрликлардан сўз очади.

Улар тимсолида асликнинг бузилишини, табиий гўзалликнинг, мукамалликнинг поймал бўлишини кўради.

Шоир юлдузга мурожаат қилади:

Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли иш бузарлар, шайтонлар.
Ўрток конин қонмай ичган зулуклар,
Қардош этин тўймай еган қоплонлар?
Борми сенда ўксиз йўқсулнинг конин
Гурунглашиб, чоғир каби ичганлар?

«Дунё тузугини» ўз қопчуғларини тўлдириш учун» бузганлар, «корин-қурсок йўлида элин-юртин, борин-йўғин» сотганлар борми у ерда?

Мана у кўрган миллатлар тенглиги:

Борми сенда бир ўлкани ёндириб,
Ўз қозонин қайнатғувчи хоқонлар,

Иккинчи бир шеърида («Шарк») ўлканинг яхлит, умумлашма образи чизилади. У, шоир таърифича, дунёнинг энг гўзал боғчасидир. Уни гўзалликда ҳеч бир жой билан қиёс этиб бўлмайди. Жаннатлар унинг атрофида. Унинг гуллари жон сувидан етилган. Саф тортган кўм-кўк ёғочлар мумтозлик ҳаққи учун тангрига топинишга кўкка интиладилар. Ўнгдан, сўлдан — ҳар ёндан кўркам ҳайбатли тоғлар куршаган. Йўқ, улар тоғлар эмас,

ҳақ йўлида курашга ясов тортган алп аскарлардир.
Бирор ёввойи ҳайвон йиртқич тишини, тирноғини сукиб
колмасин, дея, уни тангрининг ўзи ёрлақаб, теграсидан
айланган сув, муз, тоғ кўрғони билан муҳофаза этади.

Бироқ бугун эсизларким, бу ўлка,
Хар томондан таланмишдир йўлсизча.
Маданият деган Ғарбли олбости,
Боқинг, бунинг кўкрагидан ўк босди.

Ҳозирча, манзара умумий. Гўё шиддатли бир довул
келгану бундаги гўзалликни барбод қилган. Бу довул-
нинг исми — маданият». Нега «маданият»? Маданият
ҳаётнинг мазмунли бўлишига қаратилган эмасми? Гап
номда эмас, моҳиятда. Инқилоб халқ учун, халқнинг
номи билан амалга ошган эди. Оқибати-чи? Инсондаги
инсонийлик барбод бўлиб, ёввойилик, ёвузлик жунбуш-
га келди. Бир-бирини йўқ қилишга тушди. Ҳайвондан
хор бўлди. Бу инсон эмас, иблис (олбости) аъмолидир.
Ўлканинг кўксига ўк қадаган ўшадир.

Шоирнинг фикрлаш тарзи — шундай.

Манзара аста-секин ойдинлашиб боради. Енган
қишлоқлар, омонсиз таланганлар, қон тўла ариқлар
ўрнини тафсилотлар олади:

Тўрт-беш яшар бир боланинг бошини,
Боқинг, кескин қилич билан кесмишлар.
Йиғлаб турғон онасининг бўйнига
Бир ип билан осмишлар...
Янгигина келин бўлғон бир қизнинг
Кўкрагини, эри бўлғон йигитнинг
Жонсиз ётқон гавдаси узра кўюб
Найза билан тешмишлар...
Хотунларнинг пардаси,
Болаларнинг юраги,

Қариларнинг гавдаси
Ерилгон,
Эзилгон...

Шоир сўроққа тутади:

Ким берган
Бу ўғурли ўлкага бунча ўтни?
Ким тўккан
Бу муқаддас ишга бунча қонни?
Билмайсизми?!

Бу даҳшатларнинг бунёдкори ким? «Тулки билан шайтон»га дарс берган «малъун» ким? Сўроқ беради шоир ва «Англизлар!» «Ҳамда унинг қуйруғини тутганлар!»— деб жавоб беради.

Қай ер бу ўлка? Ҳиндми, Афғонми, Туркистонми? «Англиз»-чи? У шартли эмасмикин? Шеърни, албатта, кенгрок ҳам, торроқ ҳам тушуниш мумкин. Яъни «Шарк-Ғарб, Туркистон-Рус шаклида ҳам англаш мумкин. Тўғрироғи ҳам кейингиси бўлса керак. Ва бунга етарли асос бор эди. Узоққа бориш шарт эмас, Қўқон фожиасини эслаш кифоя.

ИИХҚ материалларидан:

Айбланувчи Муинжон Аминовнинг 1937 йил 16-20 апрель тергови протоколидан кўчирма.

Муинжон Аминов, 1890 й. туғилган, бухоролик. ЎзКП(б)нинг 1919-35 да собиқ аъзоси. Илгарироқ аксилинқилобий «Иттиҳод ва тараққий» ташкилоти аъзоси. БХШЖ (Бухоро Халқ Шўролар жумҳурияти) даврида БХШЖ Ижроия Қўмитасининг муовини, Бухоро Чекаси раиси ва ички ишлар нозири.

Савол: Ҳалиги йиғинларда, йиғин қатнашчиларининг ўзаро гап-сўзларида учраган миллатчилик ва унинг кўринишлари ҳақида айтиб беринг.

Жавоб: Файзулла Хўжаев бу поэмалардан ташкари Фитратнинг чоп этилмаган (маълумот берувчи адаш-япти — Б. Қ.), Ўзбекистон озод, яшнаган, лекин уни бўғмоқ учун душман қўл чўзаётган бир мамлакат сифатида кўрсатилган «Мана, сизга бир ўлка» (биз юқорида кўрган шеърнинг дастлабки сатри шундай бошланар эди — Б. Қ.) поэмаси (аслида поэма эмас, узунрок шеър)дан қаттиқ таъсирланган. Поэма мазмунига кўра бу душман қўл РСФСР, лекин поэма матнида у пардаланиб «Англия» ёзилган. Бу поэмани Файзулла Хўжаев илтимосига кўра халқ артисти Қори Ёқуб ижро этади.

Сўрок қилди: ДХБ 4-бўлимнинг 4-бўлим бошлиғи ДХ катта лейтенанти Лацис

Тўғри: Триғулов (имзо)

Фитратнинг юқоридаги икки драмасига қайтайлик. Бирининг номи бевосита «Ҳинд ихтилолчилари (қўзғолончилари)» деб аталган. Иккинчисига («Чин севиш») муаллиф «Ҳинд ихтилолчилари турмушидан олингон» деб изоҳ беради. Уларни бир асарнинг икки варианты эмас, бир мавзудаги икки асар дейиш тўғрироқ. Дастлаб «Чин севиш» ёзилиб, 1920 йилда чоп этилган. Иккинчисининг ёзиб тугатилганини муаллиф 1920 йил деб кўрсатади. 3 йил кейин Берлинда босилган. (К. Болтабоев аниқлашича, ўша йили ўзимизда ҳам чоп этилган).

«Чин севиш» жанрини муаллиф «ишқий-ҳиссий фожиа» деб белгилаган. Марказий қаҳрамонлари ёш файласуф йигит Нуриддинхон, севгилиси Зулайҳо, унинг отаси Қаримбахш, бойвачча Раҳматуллохон, инглиз юзбошиси Вильямлардир.

Асар Қаримбахш уйидаги суҳбат билан бошланади. Уникига бойвачча Раҳматуллохон келган. Бойвачча Зулайҳога харидор. Суҳбат айланиб Оврупого тақалади. Буларнинг кўпчилиги ўша ёқда ўқиб келганлар.

Лекин гап биргина ўқишда эмас экан. Бундай қарашса, ўқиган ҳам, кўйинги, ўқитувчининг ўзи ҳам ёвуз бўлиши мумкин экан. Агар ёвузлик ақл ва билим билан бирлашса, тўғрироғи ақл ва билим ёвузликка хизмат эттирилса-чи?

Каримбахш бир вақтлар Оврупони мактарди. Энди, йўқ. Фикри ўзгарган: «Оврупода билим бор, лекин инсоф йўқ. Оврупонинг билими қоплоннинг тиши, тирноғи каби бир нарсадир. Кучсизларни йиртиб емак тўғрисида кўп иш кўрмишдир...»

Фотимахоним ҳайрон:

«Буқунгача Оврупода ўқимокни макташдан тилингиз тинмас эди. Оврупо билимларини ўрганишни керак топган эдингиз. Бу кун у сўзингиздан қайтиб қолибсизми»,— дашном беради Фотимахоним. «Қайтғоним йўқ,— жавоб қилади Каримбахш.— Оврупо ишларини ўрганмак, албатта керакдир. Оврупода ўқимок овруполларни инсофли, адолатли деб мактамок учун эмас, улардан ўзимизни сақламок, тишли, тирнокли бўлиш учун керакдир...

Оврупода ўрганиб келганимиз билимларни кишилик дунёсининг юксалиши ва тинчлиғи йўлинда ишлаш қулайдир... Бутун Оврупо мусулмоннинг ёвидир. Евларнинг энг буюғи, энг кўркинчлиси инглиздир».

Аввало, маърифатчилик талқинининг бутунлай ўзгарганига диққат қилайлик. Сал илгари ватандошларимиз наздида Оврупо идеал, илм-маърифатга тимсол эди. Қўз очилган сайин бошқа манзара намоён бўла бошлади. Уларнинг оғиздаги гаплари билан қилаётган ишлари ўртасидаги жарлик тобора равшанроқ кўрина бошлади. Лекин буни кўришда ҳамма бир хил эмас. Масалан, Раҳматуллох олдинги қарашидан зарра қайтган эмас. У ҳали ҳам Оврупони устоз деб билади. Ўрганган ҳар бир нарсаси учун унинг олдида ўзини қарздор

хисоблайди. Овруполилар орасида мусулмон бўлаётганлари борлигини, мачитлар қураётганлигини ҳаяжон билан гапиради. Лекин Каримбахшнинг ўз нуктан назари бор. Унингча, англизларнинг «мачит ясамоклари каъбани бузмок учундир».

Табиийки, М. Муропиевнинг 1882 йилдаги «мусулмонларимиз маорифи учун асос қилиб олиниши шарт бўлган биринчи бош принцип уларни руслаштиришдир... Иккинчи принцип... исломни бузиш» («Туркестанский сборник», том 361, стр. 144) деган сўзлари, генерал-губернатор Куропаткиннинг 50 йил Туркистон аҳолисини маърифатдан четда сақлагани ҳақидаги машҳур эътирофи эсга тушади.

Қаримбахш ўз фикрида якка эмас. Бу фикр аслида ҳинд ихтилолчилари келган ҳақиқат. Чунончи, Нуриддинхоннинг дўсти Сарвархон шундай дейди: «Биз, мусулмонлар, ёлғизгина алданмоқ учун дунёга келибмиз, чоғи... Бойимиз, ишчимиз, мулломиз, шогирдимиз, ёзувчимиз, ўқитувчимиз, шоиримиз, файласуфимиз, катта-миз, кичигимиз Оврупонинг газетасига, китобига, сўзига, ишига, қонунига, вазирига, олтунига, қизилага алданмоқдан бўлак ишни билмайдир».

Оила масаласида ҳам Қаримбахшнинг ўз «фалсафаси» бор. Масалан, у қизига совчи келганда, дейди: «Эрга бермок тўғрисида эрк ва ихтиёр қизнинг ўзиндидир. Бир қизни бир йигитга қучлаб юборурга ота-онанинг ҳақлари сира йўқдир. Бизнинг ишимиз қизимиз ёқтирган йигит тўғрисида қизимизнинг фойдасин кўзда тутиб, тушунмак, қизимиз ўзига зарарли бир йигитни сайлаган бўлса, унга мантикий ўғутлар бермақдир».

Нуриддин-чи? У — ихтилолчи. Ватанини дил-дилдан севади. Унинг ўзгалар оёғи остида топталишидан каттиқ изтироб чекади. Унинг ҳаёти тўла таҳлика. Бир томонда англизлар. Иккинчи томонда — Раҳматуллога

ўхшаганлар. Пешоварда бир инглиз ўлдирилгани учун Дехлида ҳарбий ҳолат эълон қилинган. Шу баҳона «Ватан!» деган ҳиндининг бари қўлга олинмоқда. Раҳматуллохон Зулайҳо туфайли уни йўқотиш режаси билан банд. Нуриддинхон кўнглида эса бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган икки хаёл, бир тимсол бор. Ватан ва Зулайҳо. Зулайҳо ва Ватан. У қамокда экан, бу туйғу янада кучайиб боради. «Чин ошиқлар маъшукаларининг ўзи билан эмас, хаёли билан яшайлар», — дейди у. Дарҳақиқат, унда ишқий-ҳиссий ҳолат, маъшуқа билан руҳий бирликни англаш кучли. Шу маънода у маълум сўфиёна мазмунга эга. Айрим жиҳатлари билан у Ҳиндистоннинг буюк файласуф шоири, инқилобни инсон руҳиятига кўчирган Муҳаммад Иқболни эсга туширади. Шарқ озодлик ҳаракатида, Жавоҳарлаъл Неру айтганидек, «ишончли маънавий суянчик» бўлган бу шоирнинг шеърлари, хусусан, «Асрори ҳуди» («Ўзлик сирлари», 1915), «Румузи беҳуди» («Беҳудлик рамзлари», 1918) дostonларидан Фитратнинг беҳабар бўлган бўлиши мумкин эмас. «Ҳинд ихтилолчилари»да унинг номи тилга олиниб, шеърларидан намуналар келтирилгани бунга далил.

Дарвоқеъ, шу ўринда ушбу асардан юлиб олиниб, узоқ вақт Фитратнинг «миллатчилиги»га дастак бўлиб хизмат қилган бир гапига озгина тўхтасак.

Қадим юнонлар ишқни Афлотун ва Эпикур номлари билан боғлаб иккига ажратган эдилар. Бирини — ҳиссий, иккинчиси, қўполроқ айтганда, жинсий мазмунни ифода этарди. Бунини Шарқдаги «хос», ишқи ва «авом» ишқи тушунчаларига ўхшатиш мумкин. Тасаввуфда ҳиссий-руҳий жиҳат — хос ишқ ажратиб олиниб, чуқурлаштирилади. Бинобарин, «ишқ»нинг «жинсий» жиҳати унинг энг қуйи босқичи сифатида қаралган. Дарҳақиқат, бу жиҳатдан ақлли-ақлсиз жонзоднинг фарқи, деярли,

йўқ. Тирик жон борки — бир. Инсоннинг инсонлиги мана шу нуқтадан кўтарилишдан бошланади. Муқояса давом эттирилса, жисмоний ҳузур ҳали у ҳайвоний, чинакам инсоний фароғат бу руҳий лаззат ола билишдир.

Драмада шундай бир жой бор. Нуриддинхоннинг укаси Аҳмадхон Овруподаги «ишқ» ҳақида гап очади. Нуриддинхон шундай жавоб қайтаради:

«Оврупони қўя бер. Оврупода ҳайвонликдан бошқа нарса йўқдир. Оврупода руҳ йўқдир. Улар руҳоний лаззатдан бир нарса англаёлмайлар. Чин севиш ва ҳақиқий ишқнинг туб ери Шарқдир. Мажнунлар, Фарҳодлар каби ишқ пайғамбарлари Шарқда етишдилар. Бугун Оврупонгда ишқ отини олган ҳоллар ҳайвонлик ҳаваслардан бошқа нарса эмасдур».

Қаттиқ, кескин ва бир оз ошириб айтилган, албатта. Лекин бунда энг ками икки ҳолни кўзда тутиш керак. 1. Шароит. Бу гап Европа империализми тажовузкорликка ружуъ қўйган, моддий манфаат ҳамма нарсага мезон қилиниб, маънавият суриб чиқарилган бир пайтда айтилмоқда. 2. Фитрат «маърифатчи» Россиянинг, «маданиятпарвар» Европанинг кирдикорларидан огоҳ эди. У мустамлакачилик зулмини ҳаммадан кўра ҳам теранроқ ҳис қила оларди. Шу жиҳатдан, Европага муносабатда унда бир оз аламзадалиқ бор. Бу эзилган миллатнинг эзувчи миллатга муносабатларидаги табиий ҳол эди.

«Чин севиш» кўп ўтмай, Тошкентда Маннон Уйғур томонидан сахнага қўйилди. Чўлпон у ҳақда «ўзбек сахнаси улуғ ва улуғлиги қадар юксак ҳам гўзал бир томоша кўрди» («Иштирокиюн» г., 1920 й., 25 ноябрь), — деб ёзди. Вадуд Маҳмуд эса уни «ўзбек сахналарида шу кунгача ўйналиб келган пьесаларнинг энг кучлиси, энг буюги» («Қизил байроқ» г., 1920 й., 12 декабрь) деб баҳолади. Асарнинг шуҳрати фақат Русия

мусулмонлари орасидагина эмас, Турку Эрондан Ҳинду Афғонгача ёйилди. Буни адиб замондошларининг хотираларида ҳам, ўша даврда чиккан такриз-мақолаларда ҳам кўрса бўлади.

«Чин севиш»да бошланган «Ҳиндистонни тозартиш» ғояси «Ҳинд ихтилолчилари»да давом эттирилади. Икки ёш — Раҳимбахш ва Дилнавоз бир-бирларини севадилар. Бироқ юртда эрк йўқ. Ватан ўзгалар оёғи остида. Шу туфайли улар ҳам эркин эмаслар. Бир куни куппа-кундузи босқин қилиб, «Хукуматга қарши яшурин кенгашасиз» деб икки ёшни қўлга оладилар. Раҳимбахш камокқа ташланади. Дилнавозни Лохур пўлис бошлиғи Оқунар ишрат учун олиб кетади. Раҳимбахш камокда ётиб чиқади ва инқилобчиларга қўшилади. Дўстлари ёрдамида Дилнавозни қутқаради. Бироқ инқилобчиларнинг турган жойлари инглизларга маълум бўлиб қолади. Тенгсиз жангда Дилнавоз Бадринат деган ҳинди инқилобчи билан яна душман қўлига асир тушади. Асар уларнинг озод қилиниши, ҳаммаларининг «Юртимизни қутқарамиз! Яшасун истиқлол!» — деган хитобалари билан якунланади.

Драманинг қискача мазмуни — шу. Лекин ундаги ҳар бир саҳифа, тафсил Ватанга бўлган кизғин меҳр билан ёришиб туради.

«Мени Ҳиндистонни севганингча севармисан?» — сўрайди Дилнавоз.

«Ҳиндистонни севганим сени севганим эмасми?!» — жавоб беради Раҳимбахш. У юртини севади. Тош«тупроқлари учун эмас, гўзаллиги, фазилати, тарихи учун. Дилнавоз мана шу юртнинг, улуснинг фазилатларидан бири, биринчиси. Шу сабаб, Дилнавознинг шубҳа ва гумонларига қарата: «Чиндан севаман, юракдан севаман, жондан севаман, виждондан севаман. Меним юра-

гимдаги севгини кўрсатмак учун севиш сўзи оздир. То-пинаман сенга!»..— дейди.

Аслида уларга кўп нарсa керак эмас. Ҳатто биргина нарсa — эркинлик кифоя. «Кимсанинг бизга ҳеч иши бўлмаса...»— зорланади Дилнавоз. Раҳимбахш хаёлига бирдан уларни ҳар кадамда таъкиб этгувчи инглиз келади. Уларни Ҳиндистондан қувиш керак. Бошқа йўл йўқ. Лекин бу иш осонликча бўлармикин?

«Ишнинг қулайини ахтармок ялковликдир,— дейди Раҳимбахш. Қулай ишдан буюк унум чиқмас. Буюк, унумли ишлар қулай-да бўлмас. Инглизни Ҳиндистондан қувмок, ер юзини ўз қора қанотлари остига олгон олбостини йўқ этмокдир. Қулай бўлмас, нима бўлса ҳам бир ёвни юртдан ҳайдамок бир юртни ёв қўлида кўрмакдан қийин эмасдир».

Лекин барибир осон эмас. Чунки озодликка чиқмок учун, аввало, уни хоҳлаш керак. Кулнинг кул эканлигини англаши ярим озод бўлганидир. Сўнг унга тайёр бўлиш керак. Бир сўз билан айтганда, куч керак. «Миялари тамуғ пучмоқлариндан қоронғулоқ, кўзлари оёқ остидан нарироқни кўрмайдир»ган, «олға босмок, келгусини ўйламоқни «куфр» деб билувчи, «дунё буларни таламок учун бирлашган»да ҳам «талондан қутулмок учун бирлашмай»диган тўдадан нима умид қилиш мумкин?

Бирок Раҳимбахш ноумид эмас. «Зулм мазлумларни бирлаштирмак учун энг буюк қуролдир»,— фикрлайди у. Бу йўлда чинакам инсонлар, албатта бирлашадилар. Чин инсонлик эса маъжусликка, муслмонликка қарамайди.

Дарҳақиқат, юрт ёнмоқда. «Улус эзилиб битди... Омонлик, тинчлик, эрк деган нарсаларни кимса билмайдир. Масжидда намоз учун йиғилганлар сиёсий йиғин ясагон бўлиб тўпға боғланалар, эр билан хотин ўзаро

кўпроқ гапирганда ҳукуматга қарши бўлиб, дорға осилалар... Шулар орасидада тинч турмок... Лолахардиёл айтмоқчи, сағана бошида чоғир ичмакка ўхшайдир».

Раҳимбахш халқ орасига кириб борган сайин Ҳиндистонни кутқармок ҳақидаги тилаги ўсиб боради.

Инглиз ҳам анойи эмас. У Ҳиндистон аҳолисининг турли дин-эътикодга, маслак-мазҳабга мансублигидан, улар орасидаги ўзаро жанжал-низолардан усталик билан фойдаланади. Бир-бирларига қайраб қўйиб, четдан кузатади. Драмадаги иккинчи парда воқеалари шу ҳақда.

Афғон чегарасидаги Бунир кўрғонининг бошлиғи Мавлоно Нуъмон уйида газета вараклаб ўтирибди. Инглизларнинг ғалабаси ҳақида хабарлар. Унга барибир. Қайси ҳукуматга хизмат қилишнинг аҳамияти йўқ. Орномуснинг ўзи йўқ. Бирок шамолнинг авзойини билиб қўйган яхши. Ҳозир инглизнинг қўли баландга ўхшайди. У шундай фикрлайди: «Инглиз — тангрининг балоси. Нима қиламиз, «кофир» бўлса ҳам тангри шунга яхши қарагон энди.» (Нақадар таниш итоатпарастлик!)

Кўп ўтмай, унинг ҳузурига инглиз жосуси Марлинг келади. Ўртада «суҳбати хос» кетяпти.

«Биласизким, инглиз улусининг Ҳиндга келганликлари ҳиндлиларни етиштирмак, «маданий килмак» учун эди...— узоқдан гап бошлайди Марлинг.— Биз келмасдан бурун Ҳиндистон дин жанжаллари, мазҳаб ғавғолари, қорин-курсок урушлари билан тўлғон эди...

Биз келгач, шул бузукликларни тузатдик! Жанжалларни кўтартдук. Маданий яшамок йўлларини кўрсатдик, ҳиндуларни ўқитдук».

Дунё бино бўлибдики, ҳеч бир жаҳонгир мен фалон мамлакатни таламок учун борганман деган эмас. Ҳаммалари «адолат», «маърифат» олиб келганлар. Македониялик Александрдан россиялик Александргача.

Марлинг: Биз Ҳиндистонни адолат билан олдик, адолат билан сақладик. Яна адолат билан ўзингизга қайтармоқчи бўламиз (чунки «ҳиндулар яшамоқ йўллари билиб олмишлар»). Биз ишонамизки, бу кун Ҳиндустон ўз эркини олғоч, бурунги ёввойилиқларини, ёвузликларини қилмас...»

Марлинг Англиянинг Ҳиндистондаги мустамлакачилик сиёсатини ок-оппоқ қилиб олгач, навбатдаги ишга — мамлакатдаги миллатлараро муносабатни ичдан емирадиган захри қотил — ўзаро душманликни тайёрлашга киришади. Бунинг учун миллий ғурур, ифтихорни ишга солади:

«Эски Ҳиндистон маданиятининг туб эгаси мусулмонлар эдилар,— секин гап бошлайди Марлинг.— Шу паллада ҳам Ҳиндустонда энг яхши тайёрланган улус мусулмон улусидир. Биз истар эдикким, бутун Ҳинд ҳукуматини мусулмонларга топширайлик».

Буни ким истамайди?

«Биласизким, Ҳиндустонда кўпчилик мусулмонларда эмас. Ҳиндулар, секхийлар, маъжуслар бирлашиб, ҳукуматни ўз қўлларига олмоқчи бўлсалар нима қиламиз?»,— давом этади ифвогар. Шу тариқа улар аллақачон бирлашган, бу тилакни Олмонияга билдириб ҳам улгурган ва бу борада ораларингизда агентлар ҳам ишлаб турибди, деган ёлғон маълумотни усталик билан қистиради. Ва, табиийки, шубҳа-ғумон бошланади.

Инкилобчи Абдусуббуҳнинг фикри шундай: «Инглизларни тарқатмоқ учун Ҳиндистонни бирлаштирмоқ керак. Ҳинду билан мусулмонни бирлаштирмак йўлида улар ҳар нарса тайёрлар. Лекин Марлинг берган оғунинг таъсири Мавлонода аллақачон бошланган: «Шариятда мусулмон билан ҳиндунинг бирлашмаги тузук эмас, катағондир. Ҳиндулар мусулмон бўлмагунча, биз улар билан бирлаш олмаймиз»,— дейди у инкилобчи-

ларга. Абдусуббух «Биз зулмга қарши ҳар ким билан бирлашурмиз», деб ҳисоблайди. Мавлоно ўз фикрларини «мушрик», «аҳли китоб» ҳақидаги узоқ далолатлар билан исбот этмоқчи бўлади.

Абдусуббух ўз фикрида қатъий. Унингча, Англияни Ҳиндистонга бошлаб келган нарсa ҳам юрт ичидаги шу хил жанжаллардир.

«Сиз, муллалар, туташ шундай қиласиз. Ҳиндустонни йилларча эл-аймоқ жанжаллари билан тўлдурдингиз. Улусни етмиш тўрт бўлак қилдингиз. Ҳар бўлакни бошқаларга ёв этдингиз. Ўлкамизни ички жанжаллар билан тўлдирдингиз. Шундай қилиб, англизни бошимизга келтурдингиз. Юз йиллардан кейин биз ўзимизни қутқармоқ учун бош кўтардик. Бирлашдик, қутулмоқ истадик. Яна мазҳаб, дин жанжаллари билан йўлимизни тўсмоқчи бўласиз! Уялингиз! Эркимизга тирноқ урмоқчи бўлғонларга қаршу чиқурмиз. Қўлга-қўл бериб курашамиз, бизни бу йўлдан сиз-да, дин-да қайтара олмас!»

Кўриниб турибдики, асар воқеаларини фақат ва мутлақо Ҳиндистонгагина тегишлидир, деган даъвони ҳеч ким қила олмайди. Бу муаммо мустамлака ва мустамлакачи мавжуд ҳар бир мамлакатга дахлдор эди. Шу жумладан, Туркистон ҳам. Шу сабабли у ҳақда ўнлаб тақризлар босилиши, ҳатто олис Германияда мақола чоп этилиши ва Фитратнинг машҳур Ҳусайн Жовид билан ёнма-ён қўйилиши бежиз эмас. ¹ «...Туркистон ва Бухородағина эмас, балки Шарқнинг бошқа гўшаларидаги халқлар ҳам Фитратни танийдилар,— ёзган эди Б. А. Пестовский 1922 йилда.— Бир мусулмон шоирининг дунёга қараши буддистларнинг қарашидан

¹ Қаранг: Ш. Турдиев, «Ҳинд ихтилолчилари» фожиаси ҳақида, Шарқ юлдузи», ж., 1989 й., 4-сон, 33-бет.

узоқ турса керак деган бир фикр мияга келса ҳам Фитратнинг баъзи бир асарларида кўрилган дунёга қараши ҳинд шоири Рабиндранат Тағурнинг қарашлари билан бир нуктага келуб бирикадур». ¹ Пестовский, биринчи навбатда, адибнинг «Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилолчилари» асарларини кўзда тутган эди.

Пестовскийнинг 70 йил олдинги гапига қўшилган ҳолда, унда Махатма Ганди, Муҳаммад Иқболдан ҳам баҳрамандлик бор эди дейиш лозим бўлади.

Бухорода инқилоб юз берган 1920 йилнинг сентябрида Фитрат Тошкентда эди. Гарчи у она шахридан олисда бўлса-да, у ерда кечган ходисадан, ўйлаймизки, беҳабар қолган эмас. Сўнгги йилларда босмачилик, ерсув ислоҳоти ва умуман инқилобий тарихимиз қайта баҳоланмоқда. Шу жумладан, Бухоро инқилобига доир ҳам янги нуктаи назарлар ўртага ташланмоқда. ²

Хусусан, инқилоб баҳонасида шаҳарнинг таланганлигига, асоссиз бомбардимон қилиниб, асрий обидаларнинг вайрон этилганлигига доир кўплаб факт ва ҳужжатлар юзага чиқмоқда. «Фрунзе жаноблари бир ҳафта тўпга туттирди... Фрунзе жанобларига хайрихоҳ бўлган ёш бухороликлар фиркасининг раҳбарлари нотўғри иш тутганликларини кейинчалик тушуниб етдилар», ³— деб ёзади «Мен — Бухороман», мақоласининг муаллифи таъниқли адиб ва публицист А. Иброҳимов.

Энди «душман» тарафга сўз берайлик.

Босмачиларнинг 1340 йил 18-рамазонда (1921 йил 18 сентябрь) Бухоро инқилобининг раҳбарларига йўллаган мактубларидан:

«...сиз ўз биродарларингиз бўлган рус большевик-

¹ «Инқилоб» ж., 1922 й., 2-сон.

² Қаранг, «Родина» ж., 1989 й., 11-сон.

³ «Халқ сўзи» г., 1991 й., 12 январь.

лари билан Бухоро тупроғига кириб, миллат қонини тўқдингиз, унинг мулки бўлган олтин ва ғаллани йўқ қилиб ташладингиз. Хуллас, халқнинг барча зарур мулкени йўқотдингиз. Мачит ва мадрасалар каби табарруқ жойларни оёқости қилдингиз. Фавқулодда комиссия орқали камбағал аҳолининг мол-мулкени ва ҳаётини тортиб олдингиз. Уларга оқсоқоллар, аксилинқилобчилар, бойлар ва буржуйлар деб ном қўйиб, шундай қилдингиз. Большевизм ва коммунизм ғояларини амалга оширишга киришдингиз.

Ўз динингизни, имонингизни ва виждонингизни бир парча нон эвазига лаънати русларга сотдингиз. Рус большевиклари жабр ва зулмни авж олдириб юбордилар. Бухоронинг мустақиллиги қуруқ сўз бўлиб қолди. Ҳақиқатда ундан дарак йўқ...

Бизлар босмачилар эмасмиз, балки миллатимизнинг ҳақиқий ва итоатли ходимларимиз. Душманларимиз бўлган русларни ватанимиздан ҳайдаб чиқарамиз ва уларни абадий йўқотамиз...

Бу ҳужжатни Ф. Хўжаев келтирган. (кўрсатилган асар, 249-250 бетлар).

Туркистон МИК қошида 1922 йилда тузилган «Самарканд областини (нг) босмачиларни йўқ қилатурғон фавқулодда тройкаси» деб номланган Муваққат Комитетининг «мутлақо махфий» муҳри билан сақланаётган ҳужжатларида (ЎзССР Марказий Давлат архиви, ф. р.—1., оп. 1, д. 45) босмачилик зулм ва зўравонликка қурилган инқилобнинг натижаси эканлиги рўй-рост айтилган. Чунончи, «келгинди ходимлар ушбу мамлакатнинг одатларини оёқости қилгани», «мусулмон турмуш тарзининг асрий дарахтини тагидан қўпормокқа киришгани» қайд этилган. «Аҳоли ҳар қанча хоҳламасин, келгиндилар қиёфасида уларни асрий зулмдан қутқарувчиларни, пролетариатнинг умумдиктатурасига олиб

борувчиларни кўра олмади, аксинча, урфи-удуми, дини тобеъ бўлишга йўл бермаган янги мустабидларни кўрди», (125-бет) — ўқиймиз «фавкулодда тройка» раиси Сергазиев ва масъул котиб Хрущев имзолаган хужжатда.

Турар Рискулов ёзади:

«Жазо отрядларининг муаллимлари ва ўрус муштумзўрларининг жабр-зулмлари шул даражага етдики, (1916, 1917, 1918 йиллар) ер ва молдан ажраган юз минглаб одамлар очликдан кирилиб кетишга мажбур бўлдилар» («Туркистон» г., 1923 й., 25 ноябрь).

Бутунроссия МИКнинг Турккомиссия ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси аъзоси Ф. Голошкекин 1919 йилда Фарғонани айланиб келиб ёзади: «Совет ҳукумати байроғи остида ҳамма ёқда бедодлик ва шахсий манфаат йўлида ўз мавқеидан фойдаланишга интилиш ҳукм сурмокда, бу эса европали аҳоли ичида имтиёзли гуруҳларни ташкил этди. Мусулмон оммасига муайян ишончсизлик бор. Мусулмонларга куйи ирк сифатида қарашлар умумий номақбул сиёсат ва европаликлар очик-ойдин олаётган имтиёзларнинг нақдлиги билан қўшилиб, юқори даражада танг шароитни юзага келтирди ва мусулмонлар оммасида норозилик уйғотди... Европаликлар билан мусулмонлар ўртасида кўрсатилган сабабларга кўра туғилган қарама-қаршилиқ, совет ҳокимиятининг Фарғонадаги вакиллари томонидан узоқни кўзламай олиб борилган сиёсат, айтиш мумкинки, босмачилик ривожланишининг асосий омили бўлди». (Фан ва турмуш» ж., 1990 11-сон, 7-бет).

«Фавкулодда тройка» Самарқанд мисолида юқоридаги хулосага келган эди. Ана шундай «босмачи»лардан 1922 йилнинг бошида, Ф. Хўжаев қайд қилишича, биргина Бухоронинг ён-атрофида 20 мингдан кўпроқ йигит

бор эди. Бунда «Еш турклар инкилоби»нинг қаҳрамонларидан Анвар пошшонинг (1881—1922) Туркистонга келиши ҳам маълум роль ўйнаган, албатта. У 1921 йилнинг 2 октябрида Бухоро шахрига келади. 9 ноябрда «Туркистоннинг муқаддас даъвати йўлида олиб борилаётган курашга қўшилгани келгани» ҳақида баёнот беради. Кетма-кет муваффақиятларга эриша бошлайди. 1922 йил 19 апрелда Совет Русияси Бухоро жумҳуриятининг жанубидаги шаҳар-вилоятлардан ўз хоҳлаган мустақил давлатини қуриб олишини ваъда этади. Лекин Анвар пошшо совет элчисига: «Сулҳ битими фақат Туркистон тупроқларидан бутун рус аскарларини олиб чиқиб кетганларидан кейингина сўз мавзуи бўлиши мумкин», деб жавоб беради. РКП(б) МК 1922 йил 18 майда В. И. Ленин иштирокида Туркистон ва Бухоро масаласини кўриб, қарор қабул қилади. Қарорда босмачиликка қарши ҳарбий тадбирлар билан бирга тарғибот ишларини кучайтириш, «Анвар пошшони аҳоли орасида инглизларнинг жосуси (агар жосус дейилса, немисларники дейиш маъқулроқ эди, чунки Туркия 1914—18 йил урушида Германия билан иттифокдош бўлган) ва Шарқ халқларининг (қизик, ўзи қайси халқдан экан) душмани» деб кўрсатиш лозимлиги айтилади.

Хуллас, Анвар Пошшо 1922 йилнинг 4 августида Белжувон тепалигида ҳалок бўлади. (ДХК етакчиларидан Оғабеков илон қиёфасида ишончга кириб, уни отиб ўлдирган — ред.)

Чўлпон

«Энг сўнгги умидни қонга бўяган,
Оҳ, қандай хайрсиз замонлар келган?
Фарёдим дунёни бўғиб ўлдирсин,
Қоп-қора бахтимга шайтонлар кулсин!

сатрларини шу муносабат билан ёзган дейдилар.

Босмачилик Анвар пошшо ўлимидан сўнг ҳам тўхтаб қолган эмас, албатта. Тарихчилар фикрича, у икки босқични (1918—1923; 1924—1935) ташкил этган.

Босмачиликни «уюштириш» 1937 йилда деярли ҳар бир «халқ душмани»нинг «Дело»сида асосий «айбнома»лардан бўлиб хизмат қилади. Шу жумладан, Фитратда ҳам. Дарҳақиқат, 1918 йилдан эътиборан босмачилик дея номланиб, 30-йиллардан кейин жадал истеъмолга кириб кетган, аслида озодлик, мустақиллик ҳаракати сифатида баҳоланиши лозим бу воқеаларга Фитратнинг бевосита бўлмаса-да, бавосита дахлдорлиги бор.

1920 йил сентябрь воқеаларига қайтайлик.

1918 йилда Фитрат тайёрлаган, 1920 йилда Ф. Хўжаев чуқурлаштирган «Ёш бухороилар партияси» дастури «Зулмга қарши бирлашингиз!» деган шиор билан бошланар эди. Унда муҳим нуқталардан бирини «Бухорода янги усул мактаблар очиш, газета ва журналлар нашр этиш, Бухоро халқининг сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий савиясини ёппасига кўтариш мақсадида ёш бухороиларни Европага ўқишга юбориш» ташкил қилар эди. Яна бири эса «Бухорони ажнабийларнинг Бухоронинг ички ҳаётига аралашувидан озод қилиш» эди. Биринчиси инқилобдан сўнг ҳар қалай бажарилди. 1922—31 йилларда Германияда ўқиб келган, Ўзбекистон Фан Комитетининг раис ўринбосари бўлиб ишлаган Султон Матқул маълумотларига қараганда, 1922 йилда шахсан Ф. Хўжаев ва Фитрат ташаббуси билан ёшлардан 60 таси Бухоро жумҳуриятидан Германияга ўқишга юборилган. Уларнинг орасида 4 тошкентлик (Жаббор Саттор, Саидали Хўжаев, Ахмад Шукрий, Вали Қаюмхон) ҳам бор эди.¹ Чўлпон

¹ ИИХК материалларидан (Абдулҳамид Сулаймонов — Чўлпоннинг 1937 йил 10 август кўрсатмаси)

тошкентликлар рўйхатига Аҳмаджонов ва Иброҳимовни ҳам қўшади. Маълум бўлишича, Германияда фақат йигитлар эмас, кизлар ҳам ўқишган. Ш. Турдиев «Ёш ленинчи» газетасининг 1990 йил сонларида «Улар Германияда ўқиган эдилар» номли туркум мақолаларида Марям Султонова, Хайриниса Мажид қизи, Саида Шераҳмад қизи кабилар ҳақида тўхталади. Бу кизлар, чамаси, Тошкентда 1920 йилда машҳур маърифатчи Мунаввар Қори томонидан ташкил қилинган «Кўмак» уюшмасининг ёрдами билан борганлар.

Ўқишга борганлардан қолиб кетганлари ҳам бўлди. Чунончи, Саидали Хўжаев, Аҳмад Шукрий, Иброҳимов, Вали Қаямхон кабиларни эслаш kifоя. Лекин асосий қисми қайтди ва нобуд бўлди.

Хужжатларда 1922 йили 60 ўқувчини Олимжон Идрисий деган киши танлаб олиб кетгани айтилади. Идрисий Бухорода, Туркияда ўқиган. Биринчи жаҳон уруши йилларида Германияда, Берлинда бўлган, 1922 йилда Бухорога қайтиб келган эди.

Дастурнинг иккинчи пункти амалга ошмади — ажнабийларнинг «ички ҳаётга аралашув»ларининг олдини олиш мумкин бўлмади. Бунинг иложи ҳам йўқ эди. Негаки, Бухоро инқилоби ҳам ичдан эмас, кўпроқ четдан бўлди. Уни амалга ошириш йўл-йўриқлари РКП(б) Марказий Комитети мажлисларида ишлаб чиқилди. Бухоро Халқ Нозирлари Шўросининг таркиби инқилобдан 23 кун олдин Бутунрусия Марказий Ижроия Қўмитаси билан РСФСР ХКС Турккомиссиясининг кенгайтирилган мажлисида сайланиб-тасдиқланиб қўйилган эди.

Бу «ҳамкорлик» пояма-поя ўсиб борди. Ҳ. Болтабоев «Талабни қондирмаган инқилоб» мақоласида («Шарқ юлдузи»ж., 1991 й., 1-сон) бу жараёни яхши таҳлил қилган.

Фитрат Бухорога инкилобдан кўп ўтмай келади. Эҳтимол, бунда Ф. Хўжаевнинг хизмати бордир. Чунки уларнинг бир-бирларига ҳурмат ва ихлоси жуда баланд эди. Фитрат Ф. Хўжаевнинг дид ва савиясини, сиёсатчилик иқтидорини юксак кадрлар, у ҳам ўз навбатида адибнинг ноёб истеъдодини теран ҳис қилар эди. Машъум 37-йил «айбнома»ларида Фитратнинг Ф. Хўжаевни «доҳий» деб билгани, айни пайтда «раис»нинг Мунавварқори, Ботулар қамалган 1930 йилда адибни «сақлаб қолгани» ҳақидаги кўпдан-кўп кўрсатмаларга дуч келасиз. Умуман олганда эса, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳар жиҳатдан ўрганишга лойиқ ва бунинг самарали бўлишига шубҳа йўқ.

Хуллас, Фитрат 1920 йилнинг охирларида Ф. Хўжаев бош Бухоро ҳукуматининг аъзоси эди. Партияга эса у 1919 йилда Тошкентдалигида ўтган. Ўша йил июнда бўлган БКП I съездида МКга аъзо бўлган. Сўнгрок Бухорода пайти БКП МК сиёсий бюроси аъзоси қилиб сайланади. 1921 йилдан халқ маорифи нозири, яна бир йил ўтгач, хорижий нозири, халқ хўжалиги кенгашининг раиси, Жумҳурият МИК ўринбосари, Халқ нозирлари шўросининг муовини, Ҳукумат план ва смета ташкилий хайъатининг раиси, БХШЖ Меҳнат Кенгашининг Президиум аъзоси вазифаларини олиб боради. Жумҳурият ижтимоий-маданий ҳаётининг ҳамма масалаларида фаол иштирок этади. Хусусан, унинг ғайрат ва ташаббуси билан 1921 йилда Бухорода Шарк мусика мактаби очилади. Мактабга Домла Ҳалим Ибодов, Шохназар Шаҳобов, Бобоқул Файзуллаев каби машҳур хофизу мақомшуносларни тўплайди. Дзержинский, 8-уйни шу мактабга беради, ўзи мутасаддилик қиладди.¹

¹ Қараш: Илҳом Гани, Фитрат ва мусика, ЎАС, 1990 й., 24-сон.

Дарҳақиқат, Фитрат Бухорога қайтиб келгач, катта ишларга қўл урган эди. Ҳ. Болтабоев аниқлашича, унга малакали ходимларни топиб, Бухоро инкилоби тарихини ёзиш топширилади. 1920 йил 30 октябрда маориф халқ нозирлиги бу ҳақда қарор қабул қилади. Айнийнинг «Бухоро инкилоби тарихига материаллар»и шу йўлдаги бир қадам эди. Бухорода Шарқ дорилфунуни очишга тайёргарлик бошланиб кетди. Бухоро МИК Бухорода дорилфунун очиш ҳақида 1922 йил 14 сентябрда қарор ҳам қабул қилди. Бухоро илмий жамияти тузилди. Фан ва маданият тарихига оид нодир қўлёзмалар тўплана бошланди. Тадқиқот ишлари йўлга қўйилди. Жамиятнинг «Анжумани тарих» шуъбаси қисқа муддатда «Бухоро арки тарихи» қўлёзмасини тайёрлади. 1921 йил мартдан Бухоро жумҳуриятида турк тили давлат тили деб эълон қилинди. Давлат театри тузилди. Тошкентдан Маннон Уйғур, Чўлпон таклиф қилинди. Еш жумҳурият жуда қисқа муддатда Туркия, Эрон, Афғонистон билан дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйди¹.

Бу ишларнинг барчаси, биринчи навбатда, Фитрат-

¹ 1921 йил 15 июнда Бухоро ҳукумати Туркиянинг Улуғ миллат мажлисига ва Эрон ташқи ишлар вазирлигига нота юбориб, ўзаро вакил айирбошлаш ҳақида битим таклиф қилади. Натижада шу йилнинг 3 ноябрида Туркия дипломатик миссияси, 9 декабрда эса Эрон консулиги Бухорода иш бошлайди. (Қаранг: «Шарқ юлдузи»ж., 1991 й., 1-сон, 137-бет). 1921-23 йилларда эса Кобулда БХШЖнинг элчихонаси очилиб, дастлаб А. Юсуфзода, сўнг Ҳошим Шойик мухтор элчи бўлганлар. 1922 йил Қосим Қори Эронга боради, шоҳ билан учрашади. Туркия билан алоқани ўрнатиш учун эса, Мухаммад Назарий билан Исмоил Садрий юборилган эдилар. 1922 й. Ҳиротда Афғонистон ҳукумати номидан генерал Ҳабибуллоҳон ва Абдуҳодиҳон БХШЖдан хорижий нозири Раҳмат Рафиқов ва ходим Мирзо Исомиддин дўстлик, ҳамкорлик шартномасига имзо чекадилар. ИИХК материалларидан (Р. Р. Фитратнинг 1937 йил 25 октябрь сўроқ протоколи).

нинг ва унинг сафдоши Ф. Хўжаевнинг акли ва ғайрати билан бошланган эди. Бироқ жумҳуриятнинг эркинлик, мустақиллик йўлидаги бу ҳаракатлари марказнинг Туркистон ноиби Турккомиссияга ёқмади. 1923 йил 12 июнда РКП(б) МК Сиёсий бюроси «Бухоро масаласи»ни кўрди. Жумҳуриятнинг давлат ҳокимиятини «янада демократлаштириш ва советлаштириш» тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорга, Сталиннинг Бухоро Нозирлар Шўросининг таркиби ҳақидаги «Бухоро ҳукумати номи остида иш кўраётганларнинг халқ ва совет ҳукуматига ҳеч бир алоқадорлиги йўқ», деган субъектив фикри асос қилиб олинган эди. Бухоро жумҳуриятида ҳокимиятга бойлар, савдогарлар тортилган, бирорта ҳам деҳқон йўқ, унинг устига ҳамма ёқ қариндошчилик деган айб қўйилди. Шу йил 23 июнда РКП(б) МК секретари Я. Э. Рудзутак иштирокида БКП МКнинг Пленуми ўтказилади. Бухоро ҳукуматининг 5 аъзоси — Фитрат, Аминов, Отахўжаев, Сатторхўжаев, Екубзодалар партиядан ўчириладилар, ишдан олиниб, юртдан бадарға этиладилар.

Шу тарика, Фитрат ва унинг атрофидаги энг соғлом интеллектуал қатлам усталик билан ажратиб олинди. Ф. Хўжаев яккаланиб қолди.

1923—24 йилда Фитрат Москвадаги кўхна ўқув юртларидан бўлган Шарқ тиллари институтида ишлади, илмий-тадқиқот билан шуғулланди. Бу институтда ўтган асрнинг 90-йилларида бир тасодиф билан Муқимийнинг жияни Рўзимуҳаммад Дўсматов ҳам ўқиган. 1921 йилда мазкур даргоҳ Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтига айлантирилган эди. Фитрат таржимаи ҳолига оид кўпгина манбаларда унга Ленинград давлат дорилфунуни профессорлик илмий унвони берганлиги хабар қилинади. Бу, Фитратнинг Шарқ халқлари тили, адабиёти, маданиятининг катта билимдони сифатида

эътироф этилиши, албатта. Айни пайтда унинг рус шарк-шунослигига марказ бўлган даргоҳ — ЛДУ шарк факультети билан шу йиллардаги алоқаларига ҳам далолатдир.

1924—26 йилларда Фитратнинг «Абулфайзхон» (М., 1924), «Шайтоннинг тангрига исёни» (Т., 1924), «Арслон» (С—Т, 1926) каби бир қатор драматик асарлари босилди.

«Абулфайзхон» адабиётимизда тарихий мавзудаги биринчи драма. Унда тасвир этилган воқеалар билан Фитрат замонаси ўртасида маълум яқинлик бор. Абулфайзхон — аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили. Ундан сўнг салтанат манғитларга ўтди. Ва бу жараён одатдагидек четдан аралашув (эроний Нодиршоҳ) ва ички хиёнат билан кечди. Аслида Абулфайзхон (1711—1747) шахси бошқалардан кўп фарқ қилган эмас. Лекин у юрт сўраган давр ғоят мураккаб бўлганлиги аниқ. Гап шундаки, салтанатда Муҳаммадҳаким (пьесада Ҳакимбий) бош манғитлар нуфузи бениҳоя ортиб кетган эди. Иккинчи томондан эса жорий анъанага кўра аштархонийлардан бошқани хон кўтариш мумкин бўлмаганлиги туфайли манғитлар ўз вакилларини тахтга ўтқиза олмас эдилар. Шу сабаб Абулфайзхон номигагина хон бўлиб, ҳамма ишлар манғит Муҳаммадҳаким измида эди. Муҳаммадҳаким, сўнгрок унинг ўрнини эгаллаган ўғли Муҳаммадраҳим (драмада Раҳимбий) барча ишларни Абулфайзхон орқали амалга оширар, шу жумладан, салтанат йўлидаги душманларини ҳам хон қўли билан ўртадан кўтарар эдилар. Бундай қўшҳокимиятчилик биргина сарой доирасида эмас, сипоҳлар орасида ҳам иккиюзламачиликка кенг йўл очган эди.

Муҳаммадҳаким хон саройидаги мавқеига қаноат қилмайди, хиёнатга ўтади. Мовароуннаҳрни қоралаб келаётган Нодиршоҳ истиқболига чиқади. Унинг хизма-

тига кириб, номидан элчи бўлиб келади. Маҳмуд Яловчининг ишини қилади. Тарих китобларида бу ҳодисанинг айрим тафсилотлари ҳам сақланган. Чунончи, Абулфайзхон Муҳаммадҳаким кўлига кўпдан-кўп совға-салом тутқазиб, унга Нодиршоҳ билан сулҳ тузиш, шу йўл билан юртни талондан сақлаш чораларини кўришни топширган, Муҳаммадҳаким эса аксинча, ўз мамлакатининг ночор аҳволини, нуксонларини керагидан ҳам ошириб, Нодиршоҳга садоқат изҳор этган. Шохдан катта ваколатлару ёрликлар олиб, Бухорога кириб борган. Тўғри саройга кириб боришдан чўчиган, Мир Араб мадрасасига тушган. Кўча ва бозорларга жарчи чиқариб, қўрқув-ваҳима тарқатган. Эрон шоҳи сонсиз-саноксиз кўшин тортиб келаётганини, молу жонининг беҳатарлигини ўйлаган ҳар бир киши унинг ҳузурига келишини айттирган. Мадрасага одам ёғилгандан ёғилаверган. Абулфайзхон четда қолиб кетган. Ахийри, хоннинг ўзи Мир Араб мадрасасига Муҳаммадҳаким ҳузурига йўл олади. Бирок Муҳаммадҳаким соқчилари уни яқинлаштирмайдилар, ўққа тутадилар. Хон саройга қайтади. Нодиршоҳга таслим бўлишдан бошқа илож топмайди. Нодиршоҳ, Абулфайзхон ва хиёнатчи Муҳаммадҳаким оталик Бухородан ташқарида Зарафшон дарёсининг қирғоғида машҳур Чорбакр мавзеида учрашадилар. Гарчи шарқона илтифотлар ўрнига кўйилиб, хон (Абулфайз) ва шох (Нодир) бир-бирларига мулозаматни қуюк қилсалар-да, Бухоро ҳукмдори бир қизини Нодиршоҳга, иккинчи бирини унинг жиянига бериб, ўзини ҳарчанд фотиҳга қариндошлик иплари билан боғлашга уринса-да, барибир муносабатлар ҳоким-тобеълик билан якун топди. Олдин Абулфайзхон (1747), бир йил ўтар-ўтмас, ўғиллари Абдулмўминхон, сўнг Убайдуллохон бирин-кетин қатл қилинадилар. Нихоят, Муҳаммадраҳим 1753 йилда амир унвони билан

Бухоро тахтига чиқади. Фарғонада минглар ажраб чиқадилар ва мустақил Қўқон хонлигини майдонга келтирадилар. Бухорода Муҳаммадраҳим билан манғитлар сулоласи ҳокимият тепасига келди ва у 1920 йил Бухоро инқилобига қадар ҳукмронлик қилди.

Хўш, XX асрнинг 20-йилларидаги шиддатли инқилобий жараён билан олис тарихдаги сулоалар курашининг бир-бирига нима яқинлиги бор?

Аввало, ҳар икки тарих ҳам халқимиз ҳаётидаги энг масъулиятли, энг ҳаяжонли воқеаларга тўла эди. Тўғри, бири янги турмуш байроғи остида, иккинчиси янги сулола ҳимояси йўлида кечди. Лекин бири-бирини инкор этувчи икки ҳолат — мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳокимият учун кураш ҳар иккиси учун ҳам хос бўлиб, уларнинг бири бирлашишга ундаса, иккинчиси бўлинишни тақозо этарди. Ҳар иккиси ҳам жамиятнинг барча қатламларини ўзига жалб этган ва энг муҳими, ҳар иккиси ҳам кучга, зўравонликка суянган эди. Бундай дамларда инсон табиатидаги эзгулик билан ёвузлик юзага қалкиб чиқади. Фитрат учун XVIII аср Бухоросида юз берган воқеалар шунчаки маълумот учун эмас, маърифат учун ҳам керак эди. У зулм ва зўрликнинг эл-юртга фақат моддий талофат, жисмоний азоб-уқубатгина эмас, ўнглаб бўлмас маънавий жароҳат ҳам келтиришини кўрсатиб берди. Шу тариқа адиб, бир қараганда, инқилобий воқеалардан узоқ туюлган Абулфайзхон фожиясини замонасига хизмат эттира олди. Унингча, кишилар тақдирига, ижтимоий турмушга дахлдор ҳар қандай иш минг ўлчаб бир кесилиши лозим. Инсон манфаатига доир ҳар қандай хатти-ҳаракат инсоний қонунлар, воситалар асосида амалга ошмоғи керак. Бу инқилобнинг маънавиятига оид муҳим масалалардан эди.

«Шайтоннинг тангрига исёни» кичик драматик достон. Айрим тадқиқотчилар унда атеистик оҳанглар

кўрадилар. Бу, бизнингча, тўғри эмас. Адибнинг ҳаёти ҳам, фаолияти ҳам бундай дейишга имкон бермайди. У динга эмас, аксинча, динсизликка, имонсизликка, эътикодсизликка қарши. Айни пайтда у мутаассибликнинг ҳам душмани.

Асар воқеаси Шайтоннинг Тангри фармонига итоат этмай, унинг даргоҳидан қувилиши ҳақидаги маълум ва машҳур ривоятга суянган бўлса-да, асосий гап инқилоб ҳақида. Шу жиҳатдан у Октябрь инқилобини диний ривоят ва асотирлар воситасида ифода этган Александр Блок билан Муҳаммад Икболни эсга туширади.

Барча малаклар Шайтонга бўйсундилар. Мекоил, Жаброил, Азроил — ҳамма-ҳаммаси хизматда. Шайтон минбарга кўтарилади. Малаклар тинглайдилар. У «лавҳул маҳфуз»дан — қисмат дафтаридан сўз очади. Умри «икки буклам сажда» билан ўтаётган малакларга дашном беради. Табиийки, уларда шошқинлик, шубҳа, безовталиқ бошланади. Шайтон асосий гапга ўтади:

Тангри яна тупрокдан бир янги ҳайвон ясармиш,
Бизга ҳоким ҳам ўзига ўринбосар қилармиш.

Нурдан яралган малакларнинг иззат-нафси уйғона бошлайди. Шу пайт «лавҳул маҳфуз» пайдо бўлади. Олтин ҳарфлар билан ёзилган хатни ҳамма ўқийди.

Одамни тупрокдан эмди яратармиз,
Ҳам уни ўзимизга халифа қилармиз.
У бизнинг энг улуғ қулимиз бўладир.

Шайтон вазиятдан фойдаланади-ю, малаклар юрагига ғулув солади. Малаклар Шайтондан нажот сўрайдилар. Осмондан нидо келади:

Менга қаршими бу қадар шовқун...
Нега Одам ёмондир?
Сабабини айтингиз!

Малаклар кадрларига зорланадилар. Одам Тангри-га уларчалик ибодат қила олмаслигини, унинг гуноҳдан ўзини тия олмаслигини айтадилар. Бунгача Одам ҳам битиб, тирилиб қолади. Жаброилга нидо келади:

Малакларга буюраман: Одамнинг
Оёғига сажда қилсин, йиқилсин.

Шайтон малакларда уйғонаётган ғалаённи кучайтиради, уларнинг тутқунлигини эсига солади, нурдан яралган ҳолда лойга — балчикқа итоат этишга мажбурликларига диққатни қаратади ва такдирга бўйсунмасликка, Одамга бош эгмасликка чақиради:

Мана шудир тутқунликнинг емиши,
Бошқа турли бўлмас тутқунлар иши!
Ҳеч кимсага сажда қилманг, бош эгманг,
Ўзингизда бор шарафдан қўл чекманг!
Шунча йиллар топиндингиз ўзига,
Эргашдингиз бўлар-бўлмас сўзига.
Сизни бу кун балчикдан ҳам тубанрок
Қўрмоқдадир! Яна бизга не керак?!
Сиздан ҳеч ким Одамга тиз чўкмасин!
Зулмат нурдан юкорирок ўтмасин!

Исрофил сур чалади. Жаброил кўринади. Унинг изидан оппоқ нурдан кийимлар кийган, бошида тож, қўлида яшил таёқ Одам келмоқда. «Эй малаклар, топинингиз!» — деган нидо эшитилади. Шайтон малаклар номидан «Топинмаймиз!» — деб жавоб қилади. Ҳаммаёқ копкоронғу бўлиб, осмон гулдирайди, чакин чақнайди.

Саҳнада бошидаги тожи ва қанотлари ерда ётган Шайтон. Лекин у бардам. Чунки у шуларсиз ҳам ерда

яшай олади. Хусусан, унга «кирли тож»нинг кераги йўк. Ўзи аслида энг юксак тож бу озодликдир. Лекин у Одамдан хавотирда. У ҳам алданмаса, тузокқа туша қолмаса эди.

Яна нидо келади. Тангри Шайтоннинг унга буюк мартабалар бериб, ўз қудратининг сир-синоатини ўргатишига қарамасдан йўлдан озганини айтади ва бандаларига уни тингламасликни тайинлайди.

Шайтон эса зўрайгандан зўраяди. «Мен қўркмайман энди сенинг қаҳрингдан!»— деб хитоб қилади. «Тамуғлар»у «жаннатлар»ни, «лавҳул маҳфуз»ни ёлғонга чиқаради. Эркинликни дунёдаги энг буюк саодат деб билади. Ҳурликни улуғлайди. Ўз ақли, шуурига топина-жагини айтади:

Мен юраман бу кун шод,
Тутқунликдан, қулликдан-да озод.
Раҳбарим — фан, пайғамбарим билимдир.
Муовиним миям билан тилимдир.
Топинғумдир ёлғизгина ўзимға,
Ишонғумдир икки очик кўзимға.

Шайтон наздида Одам ҳам қулдир. Чунки у ҳам кимнингдир иродасига итоат этмоққа мажбур. Қуллик эса хорликдир. Хорлик ақлли мавжудотга номуносибдир. Шу туфайли у Одамни ҳам қутқармоқчи:

Бунни дағи қутқарғумдур қўлингдан,
Чиқарғумдур сенинг янглиш йўлингдан.

Шу тарика асар воқеалари ёш тадқиқотчи Г. Раҳимова тўғри қайд этганидек, инқилобий тус олади.¹ Бироқ ундаги инқилобий мазмунни жаҳолатга, маънавий қулликка қарши кураш билангина чеклаш тўғри бўл-

¹ Қаранг, Адабий мерос, 1990 й., 3-сон, 77-бет.

мас. Унга Фитратнинг умуман инкилобга, шу жумладан, Октябрга кишиликнинг, миллатнинг ўзлигини йўқотишга, ақлли-ақлсиз, меҳнаткаш-ялқов, уддабурон-овсарни амалда бир қилишга қаратилган социалистик турмуш тарзига муносабатидан келиб чиқиб ёндашиш керак. Назаримизда, ундаги тимсоллар мазмуни анча кенг, чуқур. Асарда бош мавзу — тарих ва тақдир. Салоҳиятли, шижоатли, лекин бирлиги бўлмагани туфайли ичдан бир-бирини еб битирган халқнинг йўлсиз-бошсиз қолиши, жаҳолатнинг шиддатга миниши, эл-юртнинг истилочилар оёғи остида топталиши, ниҳоят, яна бир янги эътиқод — динсизлик эътиқодининг кириб келиши, тенглик нуқоби остида муайян гуруҳлар текинхўрлигининг қонунлаштирилиши — ҳаммаси тарих, тақдир.

Одам — йўқсул, пролетариат. У йўқдан бино қилинди. На Туркистон, на Бухорода, на Хоразмда пролетариат деган гап майдонга келган эмас эди. Биз суяниб келган мафкурадаги улуғ акондлардан бири капитализмни четлаб ўтганлигимиз ҳақидаги гап эди. 1917 йил Октябр инкилобидан кейин ўша йўқ пролетариат «ясалиб», унинг диктатураси ўрнатилди (Тангри Одамни яратиб, халифа — подшо эълон қилди). Унинг тасвирига эътибор қилинг. Исрофил сур чалиб турибди (Инкилобнинг тарғибот-ташвиқот машинаси бор кучи билан ишляпти). Жаброил (йўлбошчи) бошлаб келмоқда. Ана, Одам кўринди. Оппоқ нурдан кийим кийган (Фаришталар фаришта эмас, у фаришта), бошида тож (халифа-ку), қўлида яшил таёк (ҳаётнинг, абадий ҳақиқатнинг рамзи). Эй, малаклар (жамиятнинг қолган қисми), топинингиз (унинг иродасига бўйсунинг)! деган нидо унинг чексиз ҳуқуқи қонунлаштирилганлигига ишора қилади.

Шайтон — ақл, тафаккур тимсоли. «Лавҳул маҳ-

фуз» — ижтимоий тараққиёт босқичлари ҳақидаги илмий социализм таълимоти.

Асар воқеасига қайтайлик. Шайтон Тангрига қарата:

Йўқол энди ҳикматинг-ла, аршинг-ла,
Қудратинг-ла, жалолинг-ла, фаршинг-ла!

деб хитоб қилади. Сўнг муаллиф изоҳи келади:

«Ҳаво қоронғилар, кўк гулдиран, чакинлар чакнар, ҳар томон титрар. Бир оздан кейин дунё ўз ҳолига қайтгач, Шайтондан, Одамдан, малаклардан минбардан ҳеч дарак қолмагандек кўринадир».

1926 йилда чоп этилган «Арслон» драмаси «Бурунги Бухоро хонлигида яшаган деҳқонлар ҳаётидан олинган». «Жумҳуриятимиз томонидан адолат билан ижро этилмоқда бўлган ер ислоҳотига» бағишланган. Айрим адабиётшуносларимиз айтмоқчи, Фитратнинг Октябрь моҳиятини англаб етиб, совет мавзуида асар ёза бошлаганига далил қилиб кўрсатиладиган асари.

Арслон — қишлоқ йигити, деҳқон. Оилада онаси иккиси. Саккиз таноб ери бор. Ишлаб чарчамайди. Лекин ҳамма ёқда ҳақсизлик. Шу туфайли бири икки бўлмайди. Атрофдаги деҳқонларнинг аҳволи буниқидан ҳам бадтар. Масалан, қишлоқ оксоқоли, «Ҳашарга чиқмадинг», деб камбағал Турсундан пул талаб қилади. У эса бойдан кўтара олишга мажбур бўлади. Ва, табиийки, унинг домига илинади. Кўр Ҳасан Мансурбойдан 120 танга қарз эди, 12 яшар қизини тортиб олмоқчи бўладилар. Арслон буларни кўриб чидай олмайди. Уйланиш учун йиғиб юрган 120 тангасини ёнидан чиқариб беради. Уйига келса, Ботур деган ўртоғи ойиси билан кутиб ўтирибди. Қарзини вақтида тўлай олмаганлиги учун уйларини хатлаб олишган. Егани нони, ётгани жойи йўқ. Хуллас, ҳамма ёқ зимистон.

Арслоннинг севган қизи бор — Тўлғун. Ойнуқса кампирнинг қизи. У ҳам яхши кўради. Бироқ тўй қилишга пул йўқ. Шу мақсадда ерининг тўрт танобини сотган эди, бироқ мухтожларга улашишга тўғри келди. Мана, энди дўсти Ботур уйдан ҳайдаб чиқарган бойни ўлдирмоқчи. Панд-насихат кор қилмайди... Арслон Мансурбойни унга ташланган қароқчи қиёфасидаги кишининг суиқасдидан сақлаб қолади. Қасд қилган Ботур эди.

Бой ҳар иккисини қаматади. Ботур зиндонда ҳалок бўлади. Арслонни қолган тўрт таноб ерини сотиб, ҳам-кишлоқлари қутқариб оладилар.

Тўлғун бу пайтлари бойнинг хизматида. Бой уйда учта хотини бўлишига қарамасдан, уни кўз остига олган. Уч хотин ҳам ўйнаш тутади. Лекин Тўлғунга кун йўқ. Бой, нега менга тегмайсан, деб уради, хотинлари нега бой сени олмоқчи деб.

Арслоннинг онаси Турсунбиби оғир аҳволда. Енида Ботурнинг онаси Норхола. Сўнг Ойнуқса кампир келади. Норхола ва Ойнуқса ҳасратлашиб ўтиришибди. Лўли хотин киради. Норхоланинг икки кўзи ўғли Ботурнинг йўлида. Шоша-пиша, сўнги тангасини Лўли хотин қўлига тутқазиб, фолини сўрайди. Ўғлинг йўлга чиққан, яқинда келади, дейди Лўли хотин. Турсунбибининг эса албатта тузалажагини башорат қилади. Икки кампир бундан имдод олиб, дам солдиришга домлаимомга югурадилар. Ойнуқсадаги сўнги икки танга ҳам домла чўнтагига ўтади. Бироқ Ботур аллаҳачон ҳалок бўлганини, Турсунбиби эса жон таслим қилаётганини ҳали ҳеч ким билмайди.

Арслон онасининг иягини боғлашаётганида уйга кириб келади. Ботурнинг ўчини олишга, Тўлғунни қутқаришга онт ичиб, уйдан чиқиб кетади.

Сўнги 5-пардада бой ҳаётининг ички томонлари,

хотинларининг бузук ишлари ва фош бўлиши, ниҳоят Арслоннинг бойни ва унинг ўғли Қудратни ўлдириши воқеалари тасвирланади.

Асар воқеасига шунчаки бир кўз ташлаш муаллифнинг синфийлик ва партиявийликка қанчалар зўр берганини кўрсатиб турибди. Унинг сабаб ва шароитини, ўйлаймизки, тасаввур қилиш қийин эмас.

Адиб қувғиндан қайтиб келганида у салкам 25 йил умрини сарф этган қадим Бухоро неча бўлакка бўлиниб, она шаҳри бир қисм музофотлари билан Ўзбекистоннинг бир қисмига айланган эди. Фитрат ҳамма нарсани йиғиштириб, илмий-ижодий ишга берилди. Биз уни расмий хизматда 1927 йилда кўрамиз. Ўша йили жумҳурият пойтахти Самарқандда Олий педагогика институти (ҳозирги СамДУ) ташкил этилади. Унинг ташаббускорларидан бири Ўзбекистон Халқ Маорифи Комиссарлиги қошидаги Илмий кенгашнинг раиси Москвадаги қизил профессорлар институтини эндиgina битириб келган 22 ёшли Отажон Ҳошим эди. Кадрлар масаласида гап қўзғолганда, Акмал Икромов, биринчи навбатда, элнинг танилган олими ва адиби Фитратнинг номини тилга олади. О. Ҳошим А. Икромов топшириғи билан Фитратни Самарқандга бошлаб келади. Саркотибнинг ҳовлисига олиб боради. Фитрат ишлашга розилик билдиради. Миртемир, Ойдин, Уйғун унинг қўлида ўқиганлар. Дарвоқеъ, давр зуғуми билан Фитрат ҳақида «фош қилувчи» мақола ёзган ҳассос шоиримиз Х. Олимжон ҳам адабиётнинг илк сабоғини унинг қўлида олган эди. Истамбулда Фитрат билан деярли бир вақтда ўқиган турк дунёсида таникли тилчи олим, Боку дорилфунунининг профессори Бекир Чўпонзода ҳам 1927 йилда бу институтга таклиф қилинган. Ёш, сочлари қоп-қора қорамағиздан келган бу профессорнинг маърузаларини

ундан баҳраманд бўлган ўзбек зиёлилари тез-тез эслаб турганлар.¹

20-йиллар Фитратнинг илмий-адабий фаолиятида сермахсул йиллар бўлди. Унинг шу йиллари чоп этилган китобларига бир кўз ташлашнинг ўзиёқ адибнинг серқирра фаолияти қанчалар қизгин кечганлигини кўрсата олади: «Бедил» (илмий-оммавий очерк, М., 1923, Т., 1924), «Энг эски туркий адабиёт намуналари» (матн, тадқиқот, изоҳлар, С — Т., 1927), «Ўзбек адабиёти намуналари» (матн, тадқиқот, изоҳлар, С — Т., 1929), «Форс шоири Умар Ҳайём» (илмий-адабий очерк, С — Т., 1929), «Адабиёт қоидалари» (адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун қўлланма, С — Т., 1926), «Ўзбек тилининг сарфи» (дарслик, С — Т., 1924), «Сарфи забони тожики» (дарслик, С., 1925), «Шарқ шахмати» (С — Т., 1928), «Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи» (С — Т., 1927), «Абулфайзхон» (беш пардали фожиа, М., 1924), «Шайтоннинг тангрига исёни» (пьеса, С — Т., 1924), «Арслон» (беш пардали драма, С — Т., 1926). Даврий матбуотда босилган ўнлаб шеърлар, юзлаб мақолалар, нашрга тайёрланиб, қолиб кетган қанчадан-қанча асарлар, ниҳоят, машъум 1937 йилда ва ундан кейин йўқотилган қўлёзмалар бунга кирмайди.

Фитрат бу асарлари билан янги ўзбек фан-маданиятининг бир қатор йўналишларига йўл солди. Хусусан, Туркистон халқларининг бой ва қадим маданий меросини ҳар томонлама, мунтазам, айти пайтда чуқур илмий ўрганишни бошлаб берди. Минг йиллар оша ёнма-ён яшаб келган ўзбек тожикнинг адабий-маданий меросидаги муштарак жиҳатларга диққатни қаратди. Ўзбек адабиётининг манбаъ-маншаъларини аниқлаб берди, тарихий тараққиётини, юксалиш-тушиш босқичларини

¹ Қаранг: «Совет Ўзбекистони», 1991 й., 12 январь.

ёритди. Адабий оқимлар, мактаблар, уларнинг вакиллари ўрганди. Даврида шуҳрати оламга ёйилиб, замонлар ўтиши билан тарих қатларида унутилиб қолган ўнлаб шоирларнинг меросини излаб топди, қайта кашф этди. Афросиёб — Алп Эртўнга марсиясидан тортиб, Муҳаммад Солихгача, Турдидан замондошлари Элбеку Чўлпонгача ёзди. Намангандаги Муҳаммад Лолареш кутубхонасидаги «Қутадғу билиг»нинг энг эски қўлёмасини қўлга киритиб, у ҳақда илм оламини хабардор қилди («Қутадғу билиг», «Маориф ва ўқитғувчи» ж., 1925, 2-сон), Аҳмад Яссавий ва унинг мактабини атрофлича тадқиқ этди («Маориф ва ўқитғувчи» ж., 1927, 6-сон). Бу тадқиқотлар илмий-назарий жуда юксак эди. Жумладан, у туркий тил ва адабиётнинг шаклланиш босқичлари, тарқалиш доираси, муайян асарларнинг адабий факт ва ҳодисаларнинг талқини масалаларида ўз даврининг энг кейинги маълумот ва қарашларига таянади. Чунончи, унинг машҳур усмонли олимлари Муҳаммад Фуод Кўприлизода ва Нажиб Осимбек, Европа шарқшуносларидан Вамбери, Томсен, Радлов, Самойлович кабилар билан олиб борган самарали илмий муҳофазалари ҳам бир ўзбек мутахассисида ҳавас ва ифтихор уйғотмаслиги мумкин эмас.

Муаллиф Аҳмад Яссавий ижоди, умуман, тасаввуф ҳақида фикр юритар экан, Кўприлизоданинг 20-йилларнинг охирида кенг шуҳрат қозонган «Турк адабиётидилк мутасаввуфлар» китобига юксак баҳо беради. Ҳа бир мутахассиснинг у билан танишиши лозимлигини шарт деб билади. «Булардан охиргисини (гап Яссави ҳақида кетяпти — Б. Қ.) кенг бир шаклда изоҳ қилмас учун усмонли олими Кўприлизода ўзининг «Турк адабиётида илк мутасаввуфлар» отли китобини ёзиб чиқарди ким, адабиётимизнинг тарихи билан қизиққан кишиларга муталааси лозимдир» («Аҳмад Яссавий»). Айни пай

да, «Девону луғотит турк»даги қадим марсияларни ўрганар экан, Кўприлизодининг машҳур «Турк адабиётининг маншайи» мақоласидаги айрим фикрларга аниқлик киритади, Масалан, у Алп Эртўнгага нисбат берган 4 марсиядан 2 тасига эътироз билдиради. Қолган иккитасига «бошқа унвон» бериш лозимлигини айтади. Адади ҳақида ҳам ҳар томонлама асосланган фикрини ўртага ташлайди. ¹ Нажиб Осимбекнинг эса 1916 йилги «Ҳиббатул ҳақойиқ» нашридаги жиддий матний камчиликларни жуда кўп далиллар билан исботлаб берди. Шарҳидаги нотўғри талкинларни кўрсатди. «Нажиб Осимбекнинг шарҳи тил ҳаваскорларини жуда ёмон янглишларга тушурурлик даражада хатоликдир» деб ёзади ва янгидан тузатиб босилишга эҳтиёж борлигини таъкидлади. Бунинг асосий сабабини олимнинг «Девону луғотит турк»ни четлаб ўтганлигидан излади («Ҳиббатул ҳақойиқ»).

1926 йилда ёзган «Навоийнинг форсий шоирлиги ва унинг форсий девони тўғрисида» мақоласида эса буюк адибнинг форсийдаги маҳоратига ҳам юксак баҳо беради. Айни пайтда, айрим ўртамиёна асарлар Навоийга нотўғри нисбат бериб келинаётганини ёзади. Хусусан, ҳижрий 1254 йилда тузилиб, сўнггида «Фоний иборат аз амир Алишераст» деб ёзиб қўйилган бир девоннинг аслида Навоийга дахли йўқлигини, унинг муаллифи Қарма-нада туғилиб, Қашмирда яшаб қолган Муҳаммадмуҳсин Фоний эканлигини далиллар билан исботлайди.

XVI асрдан сўнгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш» («Аланга» ж., 1929, 8—9-сонлар) мақоласида темурийларнинг инқирозидан бошлаб, шайбонийлар, аштархонийлару сўнгги давр ўзбек хонликларигача бўлган тарихни кўздан кечиради. «Темурийлар саройи-

¹ Қаранг: Энг эски турк адабиёти намуналари, Т., 1927, VI-бет.

нинг дабдабали, безакли, сафоли ҳаётларига тақлид қилишга уринган» шайбонийлар даври адабий ҳаётини кузатади. Маълумки, Шайбонийхон пойтахт Ҳиротни олгач, у ердан шоирлар, олимлар, мусикачиларни Самарқанду Бухорога кўчиришга тиришган эди. Шунга қарамасдан маданий ҳаёт темурийлар давридагидек юксалмади. Бунинг асосий сабаби иқтисодий ҳаёт, биринчи навбатда, денгиз йўлларининг очилиши ва қарвон йўлларининг аҳамияти тушиши билан боғлиқ эди, деб ҳисоблайди Фитрат. Шунга қарамасдан, «адабий тарбия» кўрган Шайбонийни (Фитрат унинг «Девон»ини тополмаганидан афсусланади. Яқинда шуҳримизга келиб кетган Олмониялик юртдошимиз Темирхўжа Шайбоний девонининг Туркиядан олинган бир фотонусхасини Тош-ДУга тақдим этди) «форсийча ва ўзбекчадаги чиройли парчалари ...бу кунги материалларга кўра бу даврнинг энг яхши шоири» Убайдуллохонни (Убайдий), Пошшо-хўжани тилга олади. Сўфи Оллоёр, Машраб Намангоний, Турди, Хувайдога тўхтайди.

Хонликлар даври адабий ҳаракатчилиги, чунончи, Хоразмда Абулғозийдан Қомилнинг жияни Мирзогача, Бухорода Мужриму Хиромийдан Қўқондаги Олимхон ва Умархон даври шоирларигача ўрганади. XVII—XIX асрлар ўзбек адабиётининг кенг, яхлит манзарасини тиклашга ҳаракат қилади. Фирдавсий таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан 30-йилларда эълон қилган қатор мақолаларида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг араб истилосидан кейинги ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий турмушини жуда катта билимдонлик билан ёритади. «Шоҳнома»нинг майдонга келишини ҳар жиҳатдан асосли топади. Жумладан, муайян тарихий шароит тақозоси деб ҳисоблайди. Чунончи: марвлик Або Муслим қўзғолони (747—749) Уммавийлар ҳокимиятига чек қўйди. Араб нуфузи сусайиб, Эрон нуфузи ошиб

борди. Сахнага аббосийлар чикдилар. Уларнинг саройида Эрон зодагонларининг, шу жумладан, эроний зот Ал-Сомоннинг мавкеи баланд эди. 875 йилда шу наслдан Наср Ибн Аҳмад Сомоний Мовароуннахр ҳокимияти учун ёрлик олди. Бу ҳукумат расман аббосийларга тобеъ бўлса-да, ҳақиқатда тамоман мустақил эди. Бу ҳукумат «ўзини Эрон сосонийларининг ўринбосари қилиб кўрсатмак, шунинг билан Эрон феодал аристократиясининг ёрдамини таъмин этмак истар эди». Шу сабаб бу ерда форс тили рағбат ва ҳимоя топди.¹ Бугина эмас. Адабиёт эроний зодагонларнинг сиёсий мақсадларига хизмат қилдирилди. Нега улар сосонийлар даври ҳикоя, асотирларини тиргизишга уриндилар? Бу, аввало, араб истилосига қарши руҳни ифодалаш эди. Иккинчидан, эронлиларда миллий ғурур, ифтихор уйғотарди. Сомонийлар ўзларини бевосита сосонийлар ўринбосари қилиб кўрсатмоқчи эдилар. Нихоят, булар ўлкани «Ғарбдан араблар зарарига, Шарқдан турклар зарарига кенгайтирмак» учун эди. Чунки у асотирларда истило ҳам, истилога қарши кураш ҳам бор эди. Бу ривоятларнинг бир қисми тўпланиб, паҳлавий (қадим Эрон) тилида «Худойнома» исмли бир китоб тузилган. 957 йилда у Тус ҳокими Мансур Сомонийнинг амри билан янги форс тилига ўгирилади ва «Шоҳнома» исми берилади. Нўҳ Ибн Мансур уни назмга айлантиришни Дакикийга топширади. Фирдавсий уни давом эттирган эди...

Фитратнинг бу изоҳларида, эҳтимол, адабий жараёни сиёсийлаштиришга бир оз мойиллик бордир (30-йилларда бошқача ёндашишни тасаввур қилишнинг ўзи қийин), лекин муаллифнинг фикрлашидаги темир мантиққа тан бермай илож йўқ. Лекин барибир бу йиллар Фитратнинг бадний асарларидаги сингари илмий асарларига ҳам ўз муҳрини босмай иложи йўқ эди. Масалан, «XVI асрдан сўнгги ўзбек адабиётига умумий

бир караш» мақоласида адабий жараён ҳақида танқидий фикр юритиб, «ҳеч бир янгилик кўрсатмади», «қуруқ тақлид қилгувчи сонсиз-саноксиз шоирлар етиштирдилар» дейишгача борадики, буларни шундайча қабул қилиш қийин, албатта. Ҳатто шундай ҳолда ҳам унинг хулосалари кўп-да эскирган эмас. Шу мақоланинг хулосаларини кўрайлик;

1. Бу даврнинг адабиёти ўзидан бурунги даврга қараганда, умуман санъатча тубан, бироқ сон жиҳатидан кўпдир.

2. Бу даврнинг адабиётига XVII асрнинг иккинчи яримларидан бошлаб ўғузчанинг, айниқса Фузулийнинг кучли таъсири бор.

3. Бу даврларда тарихий асарларга айрича аҳамият берилган.

4. Шеърда Яссавий мактаби бу даврда саройгача кўтарилади.

Лекин 20-йилнинг ўрталаридан эркин фикрлаш доираси торайиб борди. Эски зиёлиларга, хусусан, жадидларга муносабат ўзгара бошлади. Ўтмишнинг ҳар бир ҳодисасига синфий-сиёсий ёндашиш кучайди. Вульгар социологияга кенг йўл очилди. Фанда, адабиёт-маданиятда сохтакорлик, тарихни инқилоб ва янги тузум манфаатларига мослаб яшаш тамойили пайдо бўлди. 1917 йилгача бўлган тарихни қоралаш зўрайгандан зўрайди. Иш шу даражага бордики, ЎзКП МК ўзбек тили ва адабиёти Октябрь инқилобидан бошланган деган фикрни илгари сурди. Ушбу масала атрофида расмий ҳукумат доираларида (илмий доирада эмас!) қизгин баҳс кетди. Файзулла Хўжаев билан Акмал Икромов ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди.

О. Ҳошимнинг 1937 йил 13 августдаги сўроқ протоколидан: «У (гап Ф. Хўжаев ҳақида кетяпти — Б. Қ.) менга Икромовга қўшилмаслигини, МКнинг тил ва ада-

биёт тарихини Октябрь инкилобидан ҳисоблаши нотўғри... лигини айтди».

Илмий идораларда эса фанни сиёсатнинг ўйинчоғига айлантириш, партия ва ҳукумат йўлидан озгина чиққан ходимни обрўсизлантириш, уларга сиёсий айб тақиш авж олди. Масалан, адабиётимиз йўлидан «эгри қадамлар» излаш 1925 йилдан кўзга ташланган эди. («Фарғона» Т., 1925 й. 26 декабрь). 1926 йилдан «миллий зиёлилар», «жадидлар ва уларнинг адабиёти», «мафкура майдонида кураш» мавзулари муҳокама қилина бошлаганини кўрамиз. Бир оздан сўнг эса «Зиёлилар масаласи устида партия йўлини бузишга қарши» деган мақолалар, «Чўлпон шоирни қандай ўрганиш керак?» деган баҳслар бошланди. Навбат танқиддан амалий ишга кўчди. 1926 йилда Абдулла Қодирий, 1929 йилда эса машҳур маърифатчи Мунавварқори, жумҳурият халқ маорифи комиссари Маннон Рамзий, унинг муовини таникли шоир Боту камокка олиндилар.

Бу воқеалар Фитратни четлаб ўтиши мумкин эмас эди. 1929 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 3 сониди (13, 14, 15 май) Ж. Бойбўлатовнинг «Ўзбек адабиётида чиғатойчилик» номли мақоласи босилади. (Сўнг у «За партию» — 1929, № 3—4, «Печать и революция» — 1929, № 9 журналларида рус тилида чоп этилди). Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» муносабати билан ёзилган бу мақола бошдан охиригача унинг муаллифини «фош этиш»га қаратилган эди. Чунончи, у марксизмни инкор қилишда, ўтмишни идеаллаштиришда, буржуа миллатчилиги ғояларини тарғиб ва ташвиқ этишда айбланган эди. Кўп асрли адабий меросимиз эса «ахлатлар»га чиқарилган эди. Мақола муаллифи «Чиғатой шоирларидан ҳозирги ўзбек пролетар адабиёти учун қандай бўлса ҳам бир нарса ола олишимиз шубҳалидир. Бунда икки турли фикр бўлиши мум-

кин эмас»,— деб ёзди. Китобга сўзбоши ёзган Отажон Ҳошим ҳам четда қолмади, албатта. Унинг шаънига ҳам қаттиқ гаплар айтилди.

Кўп ўтмай, матбуотда буларнинг жавоблари пайдо бўлди. Жумладан, О. Ҳошимнинг худди шу «Қизил Ўзбекистон» саҳифасида (1929 йил 16 июль) «Адабий мерос ва чиғатой адабиёти» деган мақоласи босилди. Муаллиф «Ўзбек адабиётида чиғатойчилик»ни мақола эмас, «фелъетон» деб атади. Масалани бу тарзда ҳал қилиш мумкин эмаслигини таъкидлади. Муаллифдаги маданий меросни инкор қилиш тамойилини танқид остига олди. Чиғатой адабиётининг адабий меросимизда тутган ўрни баланд эканлигини айтди. Фитрат эса мазкур газетанинг икки сониди (1929 йил 15, 16 сентябрь) босилган «Епишмаган гажаклар» мақоласи билан чиқди. «Епишмаган гажаклар» шунчаки ноҳақ бир танқидга жавобгина эмас, гўзалликни, чинакам адабиётни англаш, идрок этишдан узоқ нуқтаи назарнинг, олмадан қурт кидиришнинг (А. Мухтор) жамият ҳаётида тобора куч олаётганини теран ҳис қилиш ва унга қарши исён эди. Малакасизликка, Крилов айтган этикдўзнинг ҳолва пишириб, ҳолвапазнинг этик тикишига қарши исён эди. Гап шундаки, Ж. Бойбўлатов Фитратнинг ўтмиш адабиёт намуналарини биттама-битта йиғиб, тозалаб, саралаб, изоҳлаб, ўқувчига тақдим этишдек оғир ва шарафли ишни душманлик, зараркунандалик ҳисоблаган ва буни адибнинг бутун фаолияти мисолида «исбот» қилишга уринган эди.

«Бизда, болалар орасида «Кўзим кўрмайдир!»— деган бир ўйин бор,— ёзади Фитрат,— бир бола кўзини қаттиқ боғлагандан кейин қўлига узун бир таёқ олиб, ўртада туради. Бошқалар унинг таёғини олмоқ учун атрофдан ҳужум қиладилар. Таёқли бола таёғини кўтариб, «Кўзим кўрмайдир!»— деб тез-тез айлана бера-

дир, таёқ кимга тўғри келса, шунга тегадир. Мақолани ёзганда, сизнинг қаламингиз ҳам шул кўзи кўрмас бо- ланинг таёғига ўхшаган: айланган, айланган, кимга тўғри келса, шунга теккан, орада менинг китобим уну- тилган, жуда оз ўрин олган...

Адабиёт мутахассиси ёки адабиёт тарихи билан машғул бир одам бўлса эдингиз, шу баҳона билан сизга ёпишмоқ мумкин эди. Лекин мен биламанким, сиз ада- биёт тарихининг одами эмассиз, мақолангиз эса тасоди- фий бир ҳодисадир».

Афсуски, тасодифий ҳодиса бўлмади. 1930 йилда «Шарқ ҳақиқати» газетасида Ж. Бойбўлатов катта ма- кола билан чиқди. (180, 182, 183-сонлар). Олдинги қўйган айблари ёнига пантуркизмни ҳам қўшди. Бу мақола шу йили кенгайтирилиб, «Ўзбекларнинг адабий мероси байроғи остида пантуркизм» сарлавҳаси билан СААПП (Среднеазиатская ассоциация пролетарских писателей)нинг тўпламида русча босилди. Мақолага муҳарририят махсус йўлчи сўз ёзди. Ушбу мақоланинг бир нусхаси ЎзССР Ички Ишлар Халқ Комиссариати ДХБ 4-бўлимининг бўлим бошлиғи ўринбосари ДХ лей- тенанти Триғуловнинг 1937 йил 30 ноябрда чиқарган қарорига кўра «Ўзбекистондаги антисовет пантуркистик ташкилотнинг фаолиятини фoш этувчи», «хусусан, Ўзбе- кстондаги тугатилган аксилинкилобий миллатчилик ташкилотининг таниқли идеологи, ҳозирда қамокка олинган Рауф Раҳимович Фитратнинг антисовет, мил- латчилик ишларини фoш этувчи» «ашёвий хужжат» сифатида Фитрат «Дело»сига тиркалган эди.

Ж. Бойбўлатов мақолада гапни ўша «Намуна- лар»нинг эълон қилинишига сиёсий баҳо беришдан бошлаган эди. Жумладан, уни «синфий душманнинг»ин- килоб ва социализмга «қаршилиқ кўрсатиши» сифатида баҳолаган эди.

Мана, унинг муқояса ва мулоҳазалари:

«Чигатойчилик дегани бу аслида турончилик, бинобарин, пантуркизмнинг ўзидир... «Улуғ Туркистон» ҳақида гап кетар экан, унинг орқасида пантуркизм турибди, деб англамоқ керак, «мазлум Шарқ» дейилдими, билинги, орқасида — панисломизм, чунки «мазлум Шарқ» миллатчи зиёлилар наздида мусулмон Шарқидир» (26-бет).

Фитрат буларнинг ҳаммасини ўткинчи билди. Бу «айблар»да мантик кўрмади. Чунки «айбловчилар» орқа-олдларига қарамас эдилар. Олайлик, у чигатойчи, бинобарин, туркпараст (пантуркист) бўлсин, Бертельсчи? Ж. Бойбўлатов унинг «Чигатой адабиёти ҳақида» номи билан «Аланга»да босилган мақоласини ҳам «дўппослаган» эди. Фақат унга сиёсий айб қўя олмади, «мутлақо фойдасиз» тадқиқот деёлди, холос. Лекин Навоий ва унинг даври адабиётини баҳолашда ҳар икки тадқиқотчи яқдил эдилар.

Замон эса нозиклашиб борарди. 1926 йилда «иноғомовчилик» тўқиб чиқарилди, «эски зиёлилар» номи билан элнинг кўзини очган, ақлини танитган бир гуруҳни териб олдилар. 1929 йилда «қосимовчилик» деган гап чиқди. Йўлини топиб, Туркистон жадидларининг яловбардори Мунавварқорини қамокка олдилар. Бир йил кейин, 1930 йилда жумҳурият маорифининг мутасаддилари Боту билан Маннон Рамзий душманга чиқарилиб, ҳибс қилинди.

Булутлар кун сайин қуюқлашиб бормоқда. Лекин ишлаш керак. Фитрат илмий-адабий ишни бўшатмади. Тарих ва маданиятимизга доир ўнлаб асарлар ёзди. 1935 йилда Чўлпон билан биргаликда «Минг бир кеча»ни таржиме қилишга тушди. Бир йилдан кейин арузни жуда содда туркона тушунтириб берувчи «Аруз ҳа-

қида» рисоласини бостирди. Лекин қисмат унга ўзга нарсани тайёрлар эди.

1937 йил апрелнинг йигирма учидан йигирма тўрти-га ўтар кечаси Тошкентнинг Гулистон маҳалласидаги 116-уйнинг (ҳозирги «Халқлар дўстлиги» майдони) дарвозаси бемаҳал тақиллади. Бундай йўқловнинг беҳосиятлигини уй эгаси яхши биларди. Лекин тақдирдан қочиб кутулиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, ИИХҚдан келишган эди.

Фитратнинг хаёлидан нима кечди экан ўшанда?..

Эҳтимол, инқилоб идеалларига қилинган илк хиёнат, Туркистон мухториятининг қонга ботирилгани, 1918 йилнинг 20 февраль тонги эсига тушгандир. Ерли халққа ўз тақдирларини ўзлари белгилай олишлари, ўзлари хоҳлаган идора усулини ўрнатишлари мумкинлиги эълон қилинган эди, ўшанда. Ва шундай иш қилинганида шафқатсизлик билан бостирилган эди.

1921 йил-чи? Бошқирд ҳукуматининг бошлиғи, истеъдодли тарихчи Аҳмад Заки Валидий, козок «Алаш Ўрда»сидан Оғайдаров, Туркистондан Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев, Хоразмдан Бекжон Раҳмонов Бухорога келишди. Бекжон Раҳмоновнинг келиши қизиқ бўлди. Хоразмга бориши билан қамалиши аён эди. Шунинг учун Бухорода поезддан тушириб қолишди. Беш жумҳурият ўзаро ҳамкорликнинг, бирликнинг зарурлигига имон келтирдилар. Ҳамма бир овозда марказ тузишни таклиф қилди. Ва З. Валидов (Валидий), Ф. Хўжаев, А. Мухитдинов, Б. Раҳмонов, С. Турсунхўжаев, М. Саиджонов, Х. Шойик, Р. Носиров, А. Шомансуров, А. Расулов, Кушбегиев, С. Жўрабоев ва Т. Рискуловлардан иборат марказ тузилди. Т. Рискулов худди шу пайтлари Москвада эди. Москва билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилиш унга топширилган эди. Асосий мақсад — мустақил Туркесепублика — тили ва дини, урф-удуми

ва турмуш тарзи тарихан бир келган туркий халкларнинг маданий-адабийгина эмас, давлат, ҳокимият бирлигига ҳам эришиш эди. Амалга ошмади. Миллий оғмачилик тамғаси босилди. Синфий онгни юксалтириш кераклиги таъкидланди. Айни пайтда великорус шовинизмидан «ҳимоя қилмоқ» учун турккомиссия, туркбюролар тузилди. Ва, аксинча, мавжуд, нисбатан яхлит Туркистонни яна бўлиш ҳақида қарор қабул қилинди. Заки Валидов мавжуд шароитда Туркистоннинг ҳеч қачон озод ва мустақил бўла олмаслигини, Бошқирдистоннинг аҳволи эса ундан ҳам бадтарлигини тез пайкаган экан, ҳаммасини ташлаб, четга муҳожир бўлиб кетди. Ҳозир Истамбулда. Ё унинг ҳам кетиши керакми-ди. Қаерлардан таклиф бўлмади. Туркия, Қоҳира... Йўқ кета олмас эди.

Бундан етти йил олдин ҳам каттик бир довул бўлган эди. Адабий танқид Чўлпон иккаласини «миллатчи»дан олиб «миллатчи»га солди. Аксилинқилобчи дейишгача боришди. Дарвоқеъ, Чўлпон қаерда экан? Тинчмикин. У ҳам кетмади. Уни кашкарлик адабиёт мухлислари Акбар Собиров, Қутбиддин Нажмиддиновлар Шарқий Туркистонга қайта-қайта ундаганлари эсида. Қодирийни ҳам чорлаган эдилар. Бормади. Биз, халқнинг жонимизни киндик қонимиз тўкилган тупроқдан олган, узилсак, сўламиз... Файзулла Хўжаевга қийин бўлди. (Омонмикан, ўзи). Файзулла Хўжаев уни икки марта саклаб қолган эди. Бири, ўша ижтимоий келиб чиқиши Сталинга ёқмай, Бухородан бадарға қилинган 1923 йилда, иккинчиси партия диктатураси авжга чиқиб, матбуот вульгар социология курули билан истеъдодли қаламкашларни маҳв этишга тушган 1930-31 йилда. Ўшанда Чўлпон ҳам Файзулла Хўжаевга ёрдам сўраб келган эди. Сиёсатнинг қаёққа кетишини яхши тушунган раис яхши гаплар айтиб, шоирнинг

кўнглини кўтарган, кўлига пул бериб, Москвага жўнатиб юборган эди. Москвада 2 йил ишлади. Раис ҳар борганида суриштириб турди. Ҳол-аҳволдан хабар олди. 1934 йилнинг сўнгида Тошкентга қайтганида яхши уйлардан тўғрилаб берди. 1936 йилда касал бўлганида «Сизни асрамасликка ҳаққимиз йўқ, чунки Сиздай иккинчи бир шоирни топиб бўлмайди»,— деган, ўзи бош бўлиб, энг яхши дўхтирларга қаратган эди. Бугина эмас. 30-йилларнинг ўшандай оғир шароитида Фан Комитетининг раиси Отажон Ҳошимни чақириб, Чўлпон, Абдулла Қодирийлар чинакам санъаткорлардир, лекин ҳали-ҳануз муносиб қадрлангани йўқ. Усмон Носир каби истеъдодли ёшларимизни жамоатчиликка олиб чиқиш керак, деган эди. Акмал Икромов эса зиёлилар бошида олов ловуллаб ёна бошлаган 1936 йилнинг ёзида Жулкунбой, Элбек, Зиё Саид, Қурбон Берегинларни ўз ёнига чақириб, «жамоатчилик томонидан» кескин танқид қилинаётганликларига қарамасдан, уларни қўллаб-қувватлаяжagini айтган эди. Худди шу Икромов кўрсатмаси билан 1936 йилда «Қиёмат» ва «Қалвак махзумнинг хотира дафтаридан» катта тираж билан босилиб чиққан эди...

Хаёлига 4—5 йил олдинги мамлакатни ўз гирдобига тортган очлик келди. У кўп офат-фалокатларни кўрган эди, лекин бунақасига дуч келмаганди. Ҳаммадан ҳам ҳукуматга ишониб, ғалласини экмасдан, саноатга ўзини урганлар ё бошқа тирикчиликка ўтганлар каттиқ жабр кўрди. Бу ҳукуматнинг ўйловсизлигими, ё бошқа бир гап борми, ўйлаганди у ўшанда. 1933 йилда Москвага кетаётиб, темир йўл ёқаларидаги очликдан ҳолсиз кулаётган қозоқ биродарларини кўриб, даҳшатга тушган эди. Ҳукумат кўҳна Туркистоннинг бу танти ва жўмард қавми, кўчманчи чорвадор қозоқнинг бошига шу кунни

атайин солгандай. Ўшанда Чўлпоннинг ўн йил бурунги сатрлари тилига қалқиб чиққан эди:

Бир элким, беш йилбур, қонларға буланғон,
Отаси ўғлини «душман» деб бўғадур.
Сўнг бурда нони ҳам қолмасдан таланғон,
Еш гўдак боласи бир бурда нон дейдур...
Очлик ҳам ҳар кунни қурбонлик сўрайдур,
Ҳар кунни унга ҳам юзларча қурбонлар,
Қирилиб тугалиш даҳшати ўрайдур,
Янами беҳуда гуноҳсиз соф қонлар...

У ҳар бир қадами назоратда келганлигини, оғзидан чиққан ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракати қатағоннинг кўрғошин қолипларига солиб кўрилишини, атрофидаги суянган кишилари билан бир ипга аллақачон боғлаб қўйилганини ўша йиллари билмасди.

Фитратнинг қамокқа олиниши ва тергов ҳужжатлари, суд ва ижросига оид материаллар ДХК архивидаги 4269-рақамли «Дело»да сақланади.

Фитрат 1937 йил 24 апрелда Ўзбекистон прокурорининг ижозати билан Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси 4-бўлимининг бошлиғи ДХ лейтенанти Оғабеков томонидан ҳибсга олиниб, унга қуйидаги айблар қўйилган:

а) Аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти «Миллий иттиҳод»нинг аъзоси;

б) Чўбонзода бош Озарбайжондаги аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти билан Совет Шарқи республикаларини Совет Иттифокидан ажратиб, буржуа Турон давлатини барпо қилиш мақсадида бирлашган Ўзбекистондаги аксилинқилобий ташкилотнинг раҳбарларидан бири;

в) ёш адабий ходимларни аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига жалб қилган, уларни аксилинқилобий миллатчилик руҳида тарбиялаган;

г) аксилинқилобий миллатчилик руҳидаги асарлар, поэмалар(?) ёзган.

Ўша 24 апрель тонгида Оғабековнинг ўринбосари ДХ кичик лейтананти Маврин 417-рақамли ордерга асосан тинтув ўтказди. Тинтувга маҳалла комиссиясининг раиси Рисқи Хожиев, қўшнилاردан Ибодулла Одилов таклиф қилинганлар. Тинтув ҳужжати Маврин томонидан тўлдирилган. Уйдан Фитратнинг паспорти (№ 184671 ЮЖ), илмий ходимлик билети (№ 10256), фотоқўлёзма, пьеса қўлёзмаси, уч дона китоб, 59 варақ ҳар хил ёзишмалар, бир дона очилмаган конверт, бир дона очилган, ичида уч варақлик хати бор конверт; иккита ён дафтар, ов милтигининг 10 дона патрони олингани қайд этилган. Қатнашчиларнинг имзолари бор.

«Дело»да 1935 йил 5 майда ҳам ДХ ходимларидан Оғабеков ва Матвеев 354-сон ордер билан Фитратнинг уйида тинтув ўтказганликлари ҳақида ҳужжат бор. Унда маълум бўлишича, ходимлар Фитрат номига Афғонистондан юборилган «Тақвим» билан қизиққанлар. Ҳужжат қондаси билан расмийлаштирилган. Иштирокчиларнинг имзолари бор. Протоколнинг бир нусхаси Фитратга тилхат билан топширилган. ДХҚнинг бугунги ходимларидан А. Н. Благородов ушбу ҳужжатдаги йил 1937 бўлиши керак, янглиш кетган деб тахмин қилади. Майли, бу бошқа масала.

«Дело»да «тергов тугагач, олинган нарсаларнинг иш учун аҳамияти қолмаган буюмлар сифатида йўқ қилинган»лиги ҳақида тузилган акт бор. Тўғри, ўша йиллари Отажон Ҳошим Фан комитетининг кутубхонаси учун Фитратдан 28 минг сўмлик китоб харид қилгани маълум, (уларнинг тақдири ҳақида бир нарса дейиш кийин). Шундай ҳолда ҳам Фитратдай кишининг шахсий кутубхонасида бор-йўғи уч дона китоб бўлганлиги

ақлга сиғадиган гап эмас, албатта. Унинг ўз кўлёзмалари ҳақида ҳам шундай дейиш керак бўлади.

1937 йил 22 июлда тўлдирилган «Маҳбуслик анкетаси»дан:

Исми шарифи: *Фитратов Рауф Раҳимович*

Туғилган йили ва жойи: 1886, Бухоро шаҳри.

Доимий яшаш жойи: *Тошкент шаҳри, Гулистон маҳалласи, 116-уй.*

Иш жойи: *Пушкин номли Тил ва адабиёт институти.*

Касби: *илмий ходимлар секцияси аъзоси.*

Мулки: *Хусусий уйи бор.*

Ижтимоий аҳволи: *хизматчи.*

Миллати ва фуқаролиги: *ўзбек, СССР*

партиявийлиги: *йўқ.*

Маълумоти: *олий.*

Судланганми: *йўқ.*

Оила таркиби

Хотини — Фитратова Ҳикмат, 25 ёш, уй бекаси, яшаш жойи: Гулистон 116

Онаси — Фитратова Бибижон, 70 ёш, —»—»—»—
Қизи — Фитратова Севар, 7 ёш, —»—»—»—»—»—5 августда унинг кўлига ЎзССР ИИХК ДХБ 4-бўлимининг ходимлари Триғулов ва Матвеевлар тайёрлаган, Оғабеков тасдиқлаган 7 моддалик айбномани тутказадилар. Фитрат «аксилинкилобий миллатчилик жадилизмининг асосчиларидан, раҳбарларидан бири», «совет ҳокимиятининг биринчи кунларидан тортиб, сўнгги кунларгача партия ва совет ҳукуматига қарши миллатчи пантуркист аксилинкилобий ҳаракатни фаол уюштириб келган» киши сифатида унга Ўзбекистон жиноят мажмуасининг 67 ва 66-модданинг 1-қисми бўйича айб қўйилади.

Шу йилнинг октябрида 4-бўлим бошлиғининг ёрдамчиси ДХ кичик лейтенанти Маврин Фитрат мансуф

аксилинкилобий ташкилотнинг Отажон Хошимов, Анкабой Худойбахтов, Усмон Носиров, Санжар Сиддиқов каби «вакиллари» ёнига яна янгилари «фош этилиб» кўшилаётгани, «ташкилот»нинг «чет мамлакатлар билан алоқаси, жосуслик ишлари» «очиლაётганлиги»ни кўзда тутиб, 4269-рақамли иш бўйича тергов муддатини яна бир ойга — 1937 йилнинг 7 декабригача узайтириш ҳақида ССРС МИКдан ЎзССР прокурори орқали сўров-қарор қабул қилади. Сўров-қарорни 4-бўлим бошлиғи Огабеков маъқуллаган. Республика прокурорининг махсус ишлар бўйича бош ёрдамчиси Кухаренко, ИИХК ёрдамчиси ДХ майори Леонов уни тасдиқлайдилар. Шу асосда, шу йўналишда тергов давом эттирилади. 1937 йилнинг 30 ноябрида ДХ лейтенанти Триғулов Фитрат иши юзасидан кўшимча тергов асосида қарор-айбнома тайёрлайди. У энди Файзулла Хўжаев кўрсатмасига суяниб, Совет ҳукуматини куч билан ағдариб ташлаш мақсадида Англиянинг Афғонистон ва Эрондаги вакиллари билан яширин ҳарбий-сиёсий шартномалар тузганликда, босмачиликни ташкил қилганликда, Туркиядан Анвар пошшони бошлаб келганликда, фашистлар Германиясининг жосуслик ташкилотлари билан, чет элларга кетган муҳожирлар билан алоқадорликда айбланади.

1937 йилнинг 4 декабрида кўшимча тергов ҳам тугади. Бу ҳақда айбланувчи хабардор қилинди. Триғулов буни протоқолаштириб, Фитратга қўл ҳам қўйдирди. Орадан беш ойча вақт ўтади. Бирдан, гап йўқ, сўз йўқ 1938 йилнинг 20 майидан янги тергов бошланади. Бу гал ДХҚнинг катта лейтенанти Копосов билан бизга таниш Триғулов тергов қиладилар. У 1918 йилдан буён инглизлар фойдасига жосуслик қилиб келганликда айбланади. Ўша йилнинг баҳорида Тошкентдаги «Регина» меҳмонхонасида Ф. Хўжаев воситачилигидаги полков-

ник Бейли билан учрашув ва ёлланув тафсилотлари тўкиб чиқарилади. Айни пайтда Ғози Олим, Қайом Рамазон, Отажон Ҳошим кабиларни «ёллаганлиги», пировард-окибатда Ўзбекистонда курулли кўзғолон уюштириш, Совет ҳукумати ағдариб, бошқа давлат ўрнатиш ва бу ишларга Ф. Ҳўжаевнинг бош бўлиб, Фитратнинг унинг ўнг қўли бўлиши ҳақидаги уйдирмалар яратилди. Бу хил «айб»ларни «исботлаш» учун «иш»га Бухоро ХШЖ ижрокўми раисининг собиқ муовини Муинжон Аминов (1937 йил 16-20 апрель), шоир Чўлпон (1937 йил 23 июль, 10 август, 25 август, 25 сентябрь), немис тили муаллимаси Гулсум Раҳимова — Ашрафий (1937 йил 28 июль), тилшунос олим Қайом Рамазонов (1937 йил 29 июль), ёзувчи Анкабой Ҳудойбаҳтов (1937 йил 10 август), Бухоро ХШЖ Нозирлар Шўросининг собиқ раиси Ота Ҳўжаев (1937 йил 11 август), Ўзбекистон Фан Комитетининг собиқ раиси Отажон Ҳошимов (1937 йил 13 август), унинг собиқ ўринбосари Султон Матқул (1937 йил 22 сентябрь), Ўзбекэнерго-нинг собиқ инженери Тўлаган Мўмин (1937 йил 27 сентябрь), ёзувчи ва олим Ғози Олим Юнусов (1937 йил 5 октябрь), «Правда Востока»нинг собиқ муҳаррири Муҳаммад Ҳасанов (1937 йил 7 октябрь), ветеран инқилобчи Саъдулла Турсунхўжаев (1937 йил 10 октябрь), журналист Аъзам Аюпов (1937 йил 5 ноябрь), ёзувчи Ғулом Зафарий (1937 йил 15 ноябрь) терговларидан кўчирмалар, юзма-юз учраштириш материаллари тиркалган. Буларни ўқиш ғоят изтироблидир. Булар халқимизнинг асл фарзандлари кадр-қиммати оёқости қилиш, иродасини синдириш устида ўтказилган ваҳшиён тажрибалардир.

Аввало, бу тергов-суд жараёни ҳаммаси айбланувчиларнинг хоҳишига зид ҳолда рус тилида олиб борилади. Ўзбек адабиётининг тирик классиклари устида

ҳукм чиқаришни ўз зиммаларига олган бу терговчи шоввозларнинг аксарияти бу адабиётни қўйинг, тилнинг ўзидан осмон қадар йироқлар. Анқабой Худойбахтовни тергов қилган Матвеев учун «Ўтган кунлар» билан «Ўт-кун(?) кунляры (!)», «Берди татар» билан «Бердияр» қандай фарқсиз бўлса, Чўлпонни тергаган Тригулов учун ҳам «Қўмак» ва «Юлак(?!)», «гурунг» ва «гу-рунч (!!))» шундай фарқсиз.

Нихоят, ДХ лейтенантлари Тригулов ва Матвеев Фитрат иши юзасидан қарор-айбнома тайёрлайдилар. Фитрат айблари ёнига Ўзбекистон ССР Жиноят мажмуасининг ватанга хиёнат қилганлик ҳақидаги 57-моддаси (1-пункт) — у «бош бўлган аксилинкилобий ташкилот»нинг троцкийчилар билан ҳамкорликда иш олиб боргани «миллатчи, пантуркистнинг ишларини қаранг! унинг шахсан «Ўзбекистонда герман разведкасининг резиденциясини бошқаргани» қўшилади ва СССР Марказий Ижроия Комитетининг давлат бузуқилигига қарши 1934 йил 1 декабрда қабул қилган қарорига мувофиқ ишнинг СССР Олий суди ҳарбий коллегиясига оширилгани айтилади. 3 варақлик қарор-айбномага 1937 йил 16 декабрда ЎзССР ИИХК¹ майор Апресян, 1938 йил 3 октябрда эса СССР прокурори А. Вишинский номидан унинг ёрдамчиси имзо чекадилар.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси Фитрат ишини 1938 йил 4 октябрда бригадвоенюрист Алексеев раислигида, бригадвоенюрист Зайцев, 1-ранг ҳарбий юристлар Болдирев, Батнер, Геп Шульц Ани иштирокидаги кўчма сессиясида кўриб чиқади. Иш ҳақида прокурор ўринбосари Геп Шульц Ани ахборот беради. Сессия 4 пунктлик ажрим чиқарган.

1. Айблов қарорига қўшилиш ва ишни СССР Олий

¹ ИИХК — Ички ишлар халқ комиссарлиги.

суди ҳарбий коллегияси томонидан амалга ошириш учун қабул қилиб олиш;

2. Фитратни ЎзССР ЖКнинг 57-1, 64, 67-моддаларига мувофиқ суд қилиш;

3. СССР МИКнинг 1934 йил 1 декабрь қарорига мувофиқ ишни суднинг ёпик мажлисида оқлов-қораловсиз, гувоҳларсиз ўтказиш;

4. Айбланувчини эҳтимол чорасига кўра судга қадар қамокда ушлаб туриш.

Ёпик ҳарбий суд ҳужжат-протоколига кўра 5 октябрда бўлиб ўтган. Қатнашчилари юқорида тилга олинган кишилар: Алексеев, Зайцев, Болдирев, Батнер. Фақат Геп Шульц йўқ. Мажлис 12²⁵ да бошланган. 12⁴⁰ да ҳукм ўқилиб, мажлис тугаганлиги маълум қилинган. Шу 15 минутда раис Алексеев мажлисни очган, котиб Батнер судга ҳамма нарса тайёр эканлиги ҳақида ахборот берган. Раис айбланувчидан керакли ҳужжатларни олган-олмаганлигини сўраган, ҳақ-ҳуқуқини айтган, суд ҳайъатни маълум қилган, ишга доир айрим ҳужжатлар ҳақида гапирган. Раис сўровига кўра котиб айблов қарорини ўқиб берган. Раис айбланувчини унга қўйилаётган айбнинг асосий мазмуни билан таништирган, иқрор-иқрормаслигини сўраган, жавобини эшитган. Айбланувчига сўнгги сўз берилган. Ҳукм учун ҳайъат муҳокамага кириб чиққан. Ҳукм ўқилган.— Ҳаммасига 15 минут!

Бу ҳукм энг олий жазо — отиш ва бутун мол-мулкни мусодара қилиш ҳақидаги ҳукм эди.

ИИХК материалларидан:

Мутлақо махфий

Билдирув

Фитрат Рауф Раҳимовични отиш ҳақидаги ҳукм

1938 йил 4 октябрь куни Тошкентда ижро этилди. Ҳукм ижро қилинганлиги ҳақидаги акт СССР ИИМнинг 1-махсус бўлими алоҳида архивида (10-жилд, 531-варақ) сақланади.

СССР ИИМ 1-махсус бўлимининг 10-бўлим бошлиғи

майор Михалев (имзо).

Дарҳақиқат, ҳукм ошиғич бажарилган. Адиб суддан бир кун олдин ҳали ҳукм чиқарилмай, отилган. Аниқроғи, олдин отилиб, сўнг эртасига суд қилинган. Бундан ошиғич яна қандай бажариш мумкин!

Фитрат камокқа олинган 1937 йилнинг 24 апрель тонгида рафикаси Ҳикматой ҳам ҳибс қилинган эди. «Иш»даги ҳужжатлардан унинг 1938 йил январгача камокда сақлангани маълум бўлади.

Ҳикматой опа 1956 йилда эрининг тақдири ҳақида сўраб, СССР Олий судига мурожаат қилади. СССР Олий суди ҳарбий коллегияси раисининг ўринбосари адлия полковниги В. Борисоглебский имзоси билан факат 2 нусха тайёрланиб, бири ЎзССР ИИМ милиция бошқармасига, иккинчиси 1-махсус бўлим бошлиғига юборилган «махфий» хатда шундай қайдга дуч келамиз:

«Маълум қиламанки, 1886 йилда туғилган Р. Р. Фитрат СССР Олий суди ҳарбий коллегияси томонидан 1938 йил 15 (?) октябрда судланган ва жазони ўташ пайтида 1944 йил 3 ноябрда (?) вафот этган (!!!)».

Адибнинг ўлими ҳақида икки сана. Жумбоққа тишимиз ўтмай, Жумхурият ДХҚнинг ушбу бўлим ходимларидан А. Н. Благородовга яна мурожаат қиламиз.

«Ҳужжатларни расмийлаштиришда англашилмовчиликлар бўлган, албатта,— дейди у.— Лекин, Фитратнинг 44-йилгача тирик қолган бўлиши сираям мумкин эмас. Қатағоннинг жуда катта қисми 37-йилнинг кузи-

дан 38-йилнинг кузигача тўғри келган. Шуни яшириш учун мазкур даврда қатл қилинганлар махсус махфий кўрсатма билан бошқа йилларга сочиб юборилган».

Инсон тақдирига, ҳар замонда бир келадиган Фитратдай истеъдод тақдирига бу хил ғайрининсоний муносабатдан бир лаҳза қарахт қоласиз...

СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси ўзининг 1957 йил 1 августдаги мажлисида Фитрат иши юзасидан СССР бош прокурори хулосасини кўриб чиқди ва 4Н — 07109157 рақамлик Ажрим чиқарди. Ажримда Фитратнинг «ҳеч қандай жиноят қилмаган»лиги «аниқланиб», унга нисбатан чиқарилган 1938 йил 5 октябрдаги ҳукм «бекор қилинди» ва «иш тўхтатилди». Мажлис раиси адлия полковниги П. Лихачев Ўзбекистон ДХҚ ҳисоб-архив бўлими бошлиғига Фитрат иши бўйича оқлов мажлисининг 1957 йил 1 август қарорини бажариш учун «махфий» хат йўллайди. 1957 йилнинг 10 ноябрида Фитратнинг рафикаси Ҳикматойга оқлов хабари етказилади. Бу вақтда у Тошкент шаҳар Собир Раҳимов кўчаси 2-туپик 6-уйда яшарди. Чамаси, ўша 1937 йилнинг 24 апрелида Фитрат қўлга олиниши билан у яшаган ҳовли ҳам тортиб олинган. Чунки унинг хотини Ҳикматой қамоқдан чиққач, Гулистон, 116-уйга эмас, Тахтапулдаги 6-уйга келгани маълум. Шунингдек, ёзишмаларда Пушкин кўчасидаги 47-уйда турганлиги ҳам қайд қилинадик, булар оиланинг ўз ҳовли-уйидан маҳрум бўлиб, ижара уйларда яшаганлигини яна бир қарра тасдиқ этади.

Фитратнинг оқланганига бу йил 35 йил тўлади. 35 йил бир йигит умри. Замоннинг ноҳақлиги билан умри ҳам, ижоди ҳам поймол қилинган адибнинг хотирасини 35 йилдирки, ўрнига қўя олмаймиз. Ўрнига қўйиш қаёқда, шу пайтга қадар бирор китобчасини ҳатто нашр эттира олганимиз йўқ. Тўғри, мутахассис кам,

манбалар йўқотилган, қолган-қутганлари ҳам паришон ҳолда ва улар йил сайин сийраклашиб бормоқда. Лекин бу ишларга рағбат, ҳамият, фидойилик, ташкилотчилик борми? Нега тезкорлик билан бор мутахассислардан Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Мунавварқори кабиларнинг ижодини тўплаш, ўрганиш, нашр қилиш, керак бўлса, уларга айрим ваколатлар, имтиёзлар бериш, биринчи манбаларнинг сақланиб қолганларини асраш-авайлаш, нусха кўпайтиришни йўлга қўйиш, балки ишнинг самаралироқ кетиши учун бир йил Чўлпон, бир йил Фитрат, бир йил яна бошқасининг йилини эълон қилиб, кўпчиликни бу ишга сафарбар этиш мумкин эмас? Мумкин, албатта. Факат, бунинг учун хоҳиш керак. Чамаси, унинг қаддини ростлаши ҳали ҳам кимларгадир ёкмайди. Ва бу «кимлар» ҳали ҳам мафкура ва ҳокимиятнинг юксак пояларида собиту устивор турибдилар. Демократиянинг гоҳ эсиб, гоҳ босилаётган шамоли туфайлигина фаол қаршилиқ кўрсатмаётирлар. Гап — шунда.

Фитратнинг иккинчи умрига кичкина бир муқадди-ма сифатида босилажак китоблари, ижодий-маънавий олами, шижоат ва заковат билан кечган умри ҳақидаги ишлар ҳали олдинда.

1992 й.

МУНДАРИЖА

1. Адиби аввал	3
2. Шоир хотирасини излаб	40
3. Фитрат	69

**БЕГАЛИ ҚОСИМОВ
МАСЛАКДОШЛАР**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти
Тошкент—1994**

**Мухаррир Б. Эшпўлатов
Бадийй безаклар А. Маҳкамовники
Бадийй муҳаррир М. Аъламов
Техник муҳаррир Л. Хижова
Мусаҳҳиҳлар Ю. Бизаатова, Н. Муҳамедиева**

Теришга берилди 27.04.94 й. Босишга рухсат этилди
4.07.94 й. Бичими $70 \times 90^{1/32}$. Бадиий гарнитура. Офсет
босма. Шартли босма листи 5,85. Нашриёт ҳисоб листи
5,95. Тиражи 25000 нусха. Буюртма № 2812. Баҳоси
шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
концернининг босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон»
кўчаси, 41-уй.

М 30

**Маслакдошлар: Бехбудий, Ажзий, Фит-
рат.— Т.: Шарқ, 1994.— 160 б.**

ББК 72.3 г+ 83.3Ўз